

ЕР
УЧАСТКАСИ

энди деҳқонга
умрбод
берилмайди... (ми?)

12

ИЖТИМОИЙ
ТАДБИРКОРЛИК

ишсизликка
барҳам берадими?

14

@mahalladoshuz @mahalladosh_uz www.mahalladosh.uz

№29

(1956-1959) 2020 йил
3 – 10 сентябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

ТАЛОН-
ТОРОЖЛИКЛАР
қачонгача давом
этади?




8

КУЗ-ҚИШ
мавсумига
тайёргарлик қандай
ташкил этиляпти?



9

Калта пайпоқни
КИМ КИЯДИ
ёки бундан бошқа
муаммо йўқми?




10

Нега ҳар йили
ҚОНУН
ҳужжатларига
ўзгартириш киритилади?



15

ҲОКИМЛИКЛАР
ДИҚҚАТИГА:
танқидга қачон тўғри
муносабатда бўламиз?



19

ҚУРИЛИШДА
ШАФФОФЛИК
қандай
таъминланади?



16

ҚАБУЛ — 2020



ОТМГА КИРИШДА

имтиёзли тоифалар
кўпайиб кетмадими?

11

АДОВАТ
илдизлари
сабаби
нимада?



29

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИ ЁДГА ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислох Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги қарорига мувофиқ, 2 сентябрь санаси Биринчи Президент хотираси куни сифатида нишонланади. Мамлакатимиз тарихини, Ислох

Каримов хизматларини эъозлаш халқимизга, ёшларимизга маънавият етказди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган нутқда Биринчи Президентимиз бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеа эканини таъкидлади.

Ислох Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.

Ислох Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

ЎЗА

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС:

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига пойдевор яратмоқда

Тарчи бу йил энг улуг, энг азиз байрамимиз коронавирус пандемияси туфайли оммавий тадбирлар, сайллар тарзида нишонланмаётган бўлса-да, «Кўксарой» қароргоҳидаги тантанали йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқи шу азиз Ватанда яшаётган ҳар бир юртдошимиз қалбига байрам нафаси, тинчлик сурури, озодлик шукҳини жо этиб, Ўзбекистоннинг ёруғ келажагига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.



Раҳмат МАМАТОВ,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири.

Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас

Маърузада кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётгани таъкидланиб, янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани тилга олинганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтди. Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмаслиги, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмаслигини ҳис этдик.

Айниқса, Мухтарам Президентимиз бошчилигида охириги йилларда маҳалла тизимини ислох қилиш, уни халқчил тузилмага айлантириш, унда адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришга жиддий эътибор берилди. Бу йўналишда амалга оширилаётган барча эзгу саъй-ҳаракатлар эса фақат бир мақсад – шу юртда яшаётган одамларни ҳаётдан, давлатдан рози қилиш, халқимизнинг бахтли яшашини таъминлашга қаратилмоқда.

Бу, бежиз эмас, албатта. Чунки жамиятда адолат ва ҳақиқат чинакамига қарор топгандагина халқ ҳаётдан рози бўлиб, ўтган ҳар бир кунига шукрона келтиради. Таъкидлаш лозимки, бу ҳақиқат айни коронавирус пандемияси даврида янада яққол намоён бўлди, десак асло муболага бўлмайди.

Жумладан, охириги ойларида юртимизда ўрнатилган карантин

туфайли доимий даромадидан маҳрум бўлган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд ва кам таъминланган ва камбағал оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга шахсан Мухтарам Юртбошимиз томонидан жиддий эътибор қаратилиб, ҳар қандай оғир шароит бўлмасин, ҳар қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин ҳеч бир фуқаро ўз холига ташлаб қўйилмади.

Ижтимоий ҳимояга нисбатан ёндашув бутунлай ўзгарди

Айниқса, давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Бунга эса «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати яна бир бор яққол намоён этди.

Айтиш лозимки, ушбу эзгу ташаббус шу юртда яшаётган ва мамлакат тақдири ва унинг бошига тушган синовларга асло бепарқ бўлмаган саҳий ва қўли очик ишбилармон ва тадбиркорларни, фидойи ёшларимизни, одамлар дардини ўзининг дарди, уларнинг муаммосини эса ўзиники деб билган минглаб ватандошларимизни бир мақсад йўлида бирлаштирди.

Қолаверса, юртимизда карантин даврида йўлга қўйилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш

марказлари ўтган қисқа вақт давомида ўзини оқловчи эзгу ташаббус сифатида халқимиз кўнглидан мустаҳкам жой эгаллади.

Шунингдек, Ўзбекистонда пандемия даврида маҳаллаларда муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун йўлга қўйилган «темир дафтар» тизими кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган, доимий ишсиз, карантин туфайли ишсиз қолган ҳамда оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтариб келинган фуқаролардан иборат аҳоли қатламларига ҳар томонлама кўмак беришда муҳим ташаббус бўлиб хизмат қилди.

Энг асосийси, «темир дафтар»да умумий кўрсаткичлар эмас, балки ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси ва унинг ечимлари номма-ном акс этгани, энг катта мақсад эса мазкур рўйхатта киритилган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини жорий йилда иш билан таъминлаш ва шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш белгилангани аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Ютуқларга осонликча эришилаётгани йўқ

Кейинги пайтда уйма-уй юриб ўрганган орқали мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш,

эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими шакллантирилди. Шу асосда, умумий ҳисобда, моддий ёрдам кўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, сентябрь ойида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ва ногиронлиги бўлган болаларни киши кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 426 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтириш мақсадида ўтган вақт ичида ижтимоий нафақа билан таъминланган аҳоли сони қарийб 1,5 баробарга оширилди. Эътиборлиси, жорий йил якунига қадар уларнинг сони ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилиб, ушбу тоифани қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан 12,5 триллион сўм маблағ ажратилди.

Албатта, бу рақамлар ортида қанчадан-қанча меҳнатта лаёқатсиз аҳоли, қанчадан-қанча ногиронлиги бор шахслар, қанчадан-қанча боқувчисини йўқотган ва айни дамда воёга етмаган фарзандини тарбиялаётган яқка-ёлғиз аёлларимизнинг манфаатлари ётибди. Уларнинг яшаш шароитидаги муаммоларини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, албатта, давлат сиёсатининг нақадар тўғри мақсад белгиланганига амин бўламиз.

Албатта бундай ижобий натижаларга, ютуқларга осонликча эришилаётгани йўқ. Юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар узқичи қўлаб, пухта ўйланган режа асосида амалга оширилаётгани бугунги ютуқларимизда бош омил бўлмоқда.

Бу эзгу амалларнинг бардавом бўлиши учун эса муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, **кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Агар белимизни маҳкам боғлаб, пок ният билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, қўзлаган марраларимизга эришамиз.**



Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантиришга оид Президент фармони қабул қилинди.

БУ ЙЎЛЛАР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИДИР...

Айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида бунёдкорлик ишлари мисли кўрилмаган даражага чиқди, десак адашмаймиз. Заонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилган кўплаб иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Янги тураржойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар шаҳар аҳли ва меҳмонларига кенг қулайлик яратаётир. Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда транспорт воситалари кўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, кенг қўламли ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон манфаатларини тўла таъминлашдир.

Узоғимиз яқин, оғиримиз енгил бўлди

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Тошкент ер усти халқа метро линиясининг биринчи босқичи — «Дўстлик-2 — Кўйлик» йўналиши фойдаланишга топширилгани ҳам ана шундай тарихий воқеалардан бири бўлди.

— Президентимиз янги метро йўналишининг очилиш маросимида «Бу йўл ҳамма нарсага тезлаштиради. Харакатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам», деб бежиз таъкидламади, — дейди Яшнобод туманидаги «Катта Кўйлик» маҳалласидан Саидахон Эшмўминова. — Дарҳақиқат, бу йўл пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига жуда катта қулайликлар яратди. Кўйлик бозори атрофи неча йилларки, транспорт хизмати масаласида муаммоли ҳудуд ҳисобланарди. Шаҳар марказига қатнов кўп. Айниқса, эрталаблари, ишга бориш ва кеч кирганида ишдан қайтиш маҳали автобусларда тиқилинч, йўлларда тирбандлик авжига чиқарди. Шаҳар марказидан Кўйликкача бўлган 10 километрлик йўлни босиб ўтишга камида бир соат вақт сарфланарди. Янги метро линияси ана шу

муаммони буткул ҳал этди. Энди ҳудуд аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари шаҳар марказига, тоза, чиройли, замонавий ва арзон транспортда бемалол етиб олишлари мумкин. Мени яна хурсанд қилган жиҳати, бу транспорт тури хавфсиз ва экологик тоза ҳам ҳисобланади.

Дарҳақиқат, метронинг ушбу участкасида етти бекат барпо этилган. Йўналиш узунлиги 11,5 километр. Бир вақтлар собиқ «Чкалов» метросидан Кўйлик бозоригача метрода бориш мумкин, десангиз, ҳеч ким ишонмас эди. Бугун минглаб йўловчилар пойтахтнинг турли бурчагидан метрога тушиб, Кўйлик бозоригача келмоқда.

Бу ҳали бошланиши

— Чиндан ҳам бу жуда савобли қурилиш бўлди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдуҳолик Абдураззоқов. — Нафақага чиққач, анча вақт ўзимизнинг ҳудудда, «Тарнов-боши» маҳалласини бошқардим. Маҳалла раиси бўлдим. Транспорт масаласида жуда кўп муурожаатлар тушарди. Бир неча марта янги йўналишли таксилар, автобусларни жорий қилишга ҳаракат қилганмиз. Аммо барибир катта шаҳарда метросиз бу муаммонинг ечими йўқ экан. Ҳозирда бекатлардан бири шундоққина маҳалламиз бўлиб ишга туширилди. Энди аҳолимиз транспорт муаммосидан ҳолос бўлди.

Мени энг қувонтирган жиҳати — бу ҳали бошланиши эканидир. Президентимиз тез орада метро линияси трактор заводигача етказилишини айтди. Ҳозир етти бекат ишга тушган бўлса, яқин йилларда яна ўттизга яқини фойдаланишга топширилади. Тошкент айлана ерусти метро йўли билан қамраб олинади. Натижада юз минглаб, балки миллионлаб инсонларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлади. Йўл қурганининг савоби, ажри катта. Бу бунёдкорликда иштирок этган барча қурув-

Истиклолнинг ҳар бир йили улғу бунёдкорлик ишлари, ҳар томонлама юксалиш довлари билан Ватанимиз тарихига муҳрланиб бормоқда. Гўзал пойтахтимиз Тошкент ҳам тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгилиниб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб, замонавий мегаполисга айланмоқда.

чилар, бош-қош бўлган раҳбарларга маҳалламиз аҳли номидан миннатдорчилик билдираимиз.

Чиндан ҳам, бу ҳали транспорт масаласидаги ислохотларнинг бошланиши, ҳолос. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мутахассисларининг хабар беришича, малкур лойиҳа беш босқичда амалга оширилмақда. Унинг доирасида умумий узунлиги 54,8 километр, 35 метро бекати, 2 депо ва 1 техник кўрик пункти қурилади.

Метро қуриш осон иш эмас

Президентимиз таъкидлаганидек, бу каби маҳобатли қурилишларнинг амалга оширилиши осонликча битмайди. Бунинг ортида фидокорона меҳнат ва жонбозлик ётибди.

— 2019 йилнинг август ойида Тошкент халқа метро линиясининг биринчи босқичи бўлган «Дўстлик-2 — Кўйлик» линиясида 2 минг 303 метрлик янги рельслар ётқизилиб, дастлабки поездлар синов тариқасида ҳаракатланган эди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ахборот-таҳлилий медиа маркази директори Алишер Болтабоев. — Янги қуриб битказилган бекатлар йўловчиларга қулайлик яратувчи замонавий технологиялар, йўлқирани электрон тўлаш имконини берувчи турникетлар ҳамда эскалатор билан жиҳозланган. Иккинчи қаватдаги бекатларнинг ҳар бирига имконияти чекланган йўловчилар учун махсус лифти ҳам ўрнатилган. Ҳар бир бекат миллий меъморчилик услубига хос тарзда қурилиб, кўриниши ва безатилиши жиҳатида бир-бирини такрорламайди. Ишлатилган замонавий қурилиш материаллари бекатларга ўзгача чирой бағишлаган.

Таъкидланишича, ушбу йўна-

лишда поездларнинг ўртача юриш тезлиги соатига 60 километрни ташкил этади. Оралик масофага босиб ўтиш вақти — 19 дақиқа, бекатларда тўхташ вақти — 15 сония, ҳар бири 4 вагондан иборат 5 поезд қатнайди. Россия Федерациясида мамлакатимиз метро линияларининг эстакада йўналишида ҳаракатланадиган замонавий ва юқори сифатли, йўловчилар учун барча қулайликларга эга вагонлар тайёрланиб, юртимизга келтирилган. «Дўстлик-2 — Кўйлик» бекатлари фойдаланишга топширилиши ҳисобига 225 та янги иш ўрни яратилган. Лойиҳа тўлиқ фойдаланишга топширилгач, кунига 46 мингга йўловчи ташлиши режалаштирилган.

Тошкент ер усти халқа метро линиясининг иккинчи босқичи Кўйлик бозори билан «Олмазор» бекатини боғлайди. Учинчи босқичда «Олмазор»дан «Беруний» бекатигача бўлган қисм барпо этилади. Кейинги босқичда иншоот «Беруний»дан «Бодомзор» бекатигача қурилади, сўнгги босқичда яна «Дўстлик» бекатига уланади.

Байрам арафасида Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида ҳам янги икки бекат очилди. Эндиликда «Минг ўрик» бекатидан янги «Туркистон» бекатигача поездда бориш мумкин. Лойиҳага кўра, бу йўналишда «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари барпо этилган. Тошкент метрополитенидан кунига 240 минг йўловчи фойдаланади. Жами 21 километрдан иборат учта янги — Юнусобод, Сергели ва Кўйлик йўналишлари қурилиши билан эса бу кўрсаткич 150 мингдан зиёдни ташкил этиши режалаштирилган.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



Президент фармони билан 113 нафар
фуқаро афв этилди.

Бутун дунёни қамраб олган коронавирус пандемияси туфайли юртимизда ҳам синовли кунлар кечмоқда. Таъкидлаш ўринлики, айна шароитда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, қийналганларни суяш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: бир марталик моддий ёрдам кимларга ва қандай мақсадлар учун ажратилмоқда?

Айни кунларда карантин қоидалари юмшаб, юртдошларимиз қатор ижобий ўзгаришлар ва енгилликлардан баҳраманд бўлишса-да, эҳтиёжманд қатлам учун синовли дамлар ҳали ўтиб кетганича йўқ.

Мухтарам Юртбошимиз томонидан яқинда эълон қилинган «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги навбатдаги қарор эса ана шундай қийналган одамларнинг қаддини тиклаб, давлатимизнинг инсонпарвар сиёсатини намоён этди.

Мазкур қарор моҳиятини теранроқ ёритиш, шу йўналишдаги ҳужжатлардан фарқи жиҳати, қарорга асосан белгиланган имтиёзлар кимларга нисбатан татбиқ этилиши ва бир марталик моддий ёрдамлар қай тартибда ажратилиши юзасидан экспертларга — мазкур қарор ижроси учун масъул вазирликлар мутасаддиларига мурожаат қилдик.

Маблағлар нима мақсадда ажратилмоқда?

— Президентимизнинг мазкур қарори билан аҳолининг айрим қатламларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади, — дейди **Молия вазири ўринбосари Жамшид Абруев**. — Жумладан, ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга, боқувчисини йўқотган оиланинг 16 ёшга бўлган фарзандларига, «темир дафтар»га киритилган эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига моддий ёрдам кўрсатилади. Ушбу жараёнда жами 810 мингдан зиёд болага давлат бюджетидан 400 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Ҳозирги кунда Пенсия жамғармаси орқали нафақа ёки пенсия олиб келаётган ногиронларнинг сони 110 мингга яқин. Мана шу болаларга ҳар ойда берилаётган нафақа билан биргаликда сентябрь ойида 500 минг сўм миқдоридagi бир марталик моддий ёрдам қўшиб берилади.

Қарорда кўрсатиб ўтилган боқувчисини йўқотган оилаларнинг сони 177 мингга яқин. Булар — отаси ёки

онаси эрта вафот этган оилалар фарзандларидир. Улар ҳам кўмакка муҳтож тоифага киради ҳамда худди шундай бир марталик ёрдам олишади.

Бу пул нима учун ажратилляпти? Қарорда кўрсатилганки, моддий ёрдам эҳтиёжманд оилаларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик кўришлари-га кўмаклашиш мақсадида ажратилмоқда. Ушбу оилалар фарзандлари зарур ўқув қуроллари, кийим-кечаклар олишини ҳисоб қилган ҳолда ҳар бирига 500 минг сўмдан моддий кўмак кўрсатилмоқда.

Шунингдек, Президент қароридида мамлакатимиздаги барча мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари 1 октябрга қадар марказлашган тартибда гриппга қарши эмланиши кўзда тутилган. Бу жараён мутлақо беғул амалга ошиб, барча харажатлар республика бюджетидан молиялаштирилади.

Президент қарори билан эҳтиёжманд оилаларнинг болаларига тўланадиган моддий ёрдам Пенсия жамғармаси томонидан Халқ банки орқали уларнинг пенсиясига қўшиб тўлаб берилади. Кейинчалик мазкур харажатлар республика бюджетидан қўллаб берилади.

Миллиондан ортиқ одам эмланади. Тизим бунга тайёрми?

— Қарорга мувофиқ, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларининг республикадаги барча мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимларини марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар беғул гриппга қарши эмлаш ҳақидаги таклифи маъқулланди, — дейди **Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Шохрух Шораҳмедов**. — Бу жараёнда вазирлигимиз мутахассислари ҳар бир таълим ва соғлиқни сақлаш муассасасига борган ҳолда ходимларни эмлашдан ўтказишни ҳамда тегишли соғлиқни сақлаш муас-

сасаларини вакцина ва тиббиёт биюмлари билан таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, аввалги йилларда ҳам гриппга қарши эмлаш учун республика бюджетидан маблағ ажратиларди, лекин у айрим тоифаларга татбиқ этиларди. Асосан Меҳрибонлик уйида ишловчи ходимлар, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ишловчилар ҳар йили гриппга қарши эмланган. Президентимиз бу йил мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлайдиган барча ходимлар вакцинация олиши ҳақида топшириқ бердилар. Шундан келиб чиққан ҳолда сентябрда мактаб, боғча ва шифохоналарнинг ходимлари эмланади.

Қўпчиликини бир савол қизиқтиради: бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими бу нарсага тайёрми? Ишонч билан айтиш мумкинки, бу жараёнга анчадан буён тайёргарлик кўриб келинмоқда. Октябргача 1,5 млн. киши гриппга қарши тўлиқ эмлаб бўлинади. Бугунги кунда тизимда бунинг учун тўлиқ имконият ва шарт-шароитлар яратилган.

«Темир дафтар» — қотиб қолган рўйхат эмас

— Қарорда белгиланганидек, дастлабки асосий эътибор аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда ижобий ташаббус сифатида синовдан ўтган «темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига қаратилади, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова**. — Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жойлардаги фуқаролар йиғини ва секторлар томонидан «темир дафтар»га кирувчи оилалар рўйхатини шакллантиришда аҳолининг қуйидаги тоифаларига асосий эътибор берилмоқда: оиланинг меҳнатта лаёқатсиз ногиронлари ва сурункали касалликка чалинган аъзолари мавжудлиги; оиланинг яққа-ёлғиз кексалар, бевалар ва ўзгалар қармоғига муҳтож кам таъминланган-

лардан иборатлиги; беш ва ундан ортиқ фарзанди бор оилалар; коронавирус пандемияси сабабли қўлланилган карантин чоралари натижасида ўзининг даромад манбаини йўқотган (шу жумладан, четдан қайтган меҳнат муҳожирлари), бироқ «темир дафтар»га киритилмай қолган оилалар; оиланинг ҳақиқатда эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтожлиги.

Шунингдек, бир қатор масъул ташкилотлар қатори Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бўлимлари раҳбарларига «темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостларини шакллантириш ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш вазифаси қўйилди.

Унутмаслик керакки, «темир дафтар» — қотиб қолмаган рўйхат. У доимий равишда янгилаб борилади. Оддий мисол, карантин чоралари кучайтирилган даврда бозорлар ёпилиб, у ерда қулик тиркичилик қиладиганлар маълум муддат даромадсиз қолгани учун «темир дафтар»га киритилган, дейлик. Бутун карантин чекловлари бекор қилиниб, бозорлар яна фаолият бошлади, бу ерда ишловчилар тиркичилигини қайта йўлга қўйиб олди. Демак, ўз-ўзидан улар «темир дафтар»дан чиқиши, уларнинг ўрнига айни дамда муҳтожликка тушиб қолганлар кириши керак. «Темир дафтар» шу боис мунтазам янгиланиб турилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур қарори билан жорий этилган ижтимоий ёрдам аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшashi, давлатимизнинг яна бир инсонпарварлик ташаббуси сифатида катта аҳмиятга эгадир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА ёзиб олди.



Эгасиз ашёларни расмийлаштириш тартиби белгиланди.

Мамлакатимиз ерости ва ерусти захираларига бойлиги билан жаҳонда ўз ўрнига эга. Афсуски, яқин 25 йил давомида соҳа эътибордан четда қолиб, мавжуд ресурслардан аҳоли манфаати йўлида самарали фойдаланилмади. Соҳага илм-фан ва замонавий технологияларни жалб қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, соҳадаги илм-фан, кадрлар тайёрлаш, техника ва технологияларнинг эскириши, ҳозирги замон талабига жавоб бермаслиги, янги конлар кам топилишига олиб келди.

ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАР халқимиз манфаатига хизмат қилиши керак

Кейинги уч йилда бошқа жабҳаларда кузатилганидек, геология соҳасида ҳам жонлиниш кўзга ташлана бошлади. Хусусан, табиий ресурсларни қидириб топиш ва иқтисодий барқарорлик йўлида ишлатиш, соҳа учун илмий салоҳиятга эга замонавий кадрларни тайёрлаш бўйича мутлақо янгича ёндашув пайдо бўлди. Ҳўш, бу чора-тадбирлар амалда ўз натижаларини қандай намоен этмоқда ва соҳа ривожига билан боғлиқ қандай янгиликлар кутилаётир?

Бурғулаш унумдорлиги бир йилда 25 фоиз ошди

— Сўнги пайтда амалга оширилган ўзгаришлар туфайли геология-қидирув соҳасида бир қатор ижобий натижалар кўзга ташланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Нодирбек Тиловодиев. — Олтин, кумуш, уран, мис, молибден ресурслари сезиларли даражада қўлайиб бораётгани фикримизга яққол мисолдир. Жумладан, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги Кулжуктов ҳамда Ауминзотов тоғларида 3 та олтин кони, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ва Жиззах вилояти Арнасой туманида 2 та уран кони аниқланди.

Шундай бўлса-да, юртимизда соҳада ишга солинмаган имконият ва салоҳият жуда катта. Давлатимиз раҳбарининг шу йил Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатномасида геология соҳасини ривожлантириш устувор йўналиш этиб белгиланди. Президентимизнинг ушбу мақсадни амалга оширишга қаратилган 4 та қарори қабул қилинди. Натижада, биринчидан, геология илм-фанини тиклаш, замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича Геология фанлари университети ташкил этилди ва унинг таркибига 4 та илмий-тадқиқот институти бирлаштирилди. Иккинчидан, соҳани модернизация қилиш ва рақамлаштиришга оид ишлар доирасида замонавий бурғулаш ва лаборатория ускуна-

лари олиб келинди. Жумладан, рудадаги элементларни аниқлаш 40 тадан 63 тагача қўлайтирилди. 20 та янги конга онлайн аукционда, очик ва шаффоф тарзда салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этишга эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда бурғулаш унумдорлиги ўтган йилга нисбатан 25 фоиз ошди. Жумладан, рудадаги элементларни аниқлаш қўлами 40 тадан 63 тагача қўлайди. Йил бошидан буён 150 та янги кон давлат балансига олинди. Шунингдек, 32 та геология-кон захиралари Халқаро JORC стандартларига ўтказилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган

“**ЭНДИЛИКДА НАМАНГАН ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ҲАР БИР ҲУДУДДА ГЕОЛОГИК, АЙНИҚСА, ГИДРОГЕОЛОГИК ҚИДИРУВЛАР БЎЙИЧА ДОИМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.**”

чора-тадбирлар доирасида 155000 га. майдонда тезкор гидрогеология изланишлар олиб борилди. Сув танкис ҳудудларда суткасига 90 000 кубометр таъминлайдиган сув захиралари тасдиқланди.

42 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилмоқда

Давлатимиз раҳбари яқинда геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича тақдимотда таъкидлаганидек, Ўзбекистонда янги геология тизими яратилмоқда, уни ривожлантиришдан мақсад — табиий ресурсларни халқимиз манфаатига йўналтириш, иш жойлари ташкил этиб, одамларни бой қилишдан иборатдир.

— Президентимиз геология соҳасида туб ислохотлар, фундаментал ва амалий тадқиқотларни кескин фаоллаштириб, инновацион ва замонавий услубларни

жорий қилишда инвестицияларни кенгайтириб, янги конларни иқтисодий эътиборга қўшиш ва энг асосийси, халқ манфаатига хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратди, — дейди Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Бобир Исломов. — Юртимизда ероси бойликлари имконияти юқори. Янги механизм асосида 203 та кон ва майдонлар тадбиркорларга таклиф этилиб, бутунги кунда жами 375 та лицензия расмийлаштирилди. Инвестиция дастурида 605 млн. долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириляпти. Жорий йилда 42 млн. долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари топириғига кўра, ҳар бир вилоятда геология экспедицияси ташкил қилиниши ҳудудларда янги истиқболли инвестицион лойиҳаларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини яратишга имконият беради. Ҳозирда янги истиқболли участкалар аниқланган бўлиб, бу янги инвестицион лойиҳаларни жорий қилишга имконият яратади.

Асосий йўналишлардан яна бири — Навоий кон-металлургия комбинатида 5-завод қурилиши муносабати билан уни хомашё билан таъминлаш мақсадида 2 та лойиҳа амалга ошириляпти. Жумладан, Лолазор майдонида 10 тонна олтин ресурси, Жасавул кони (у ерда 74 тонна кумуш, шу билан бирга, таркибида олтин ҳам мавжуд) аниқланди. Бутунги кунда геология-қидирув ишлари халқаро стандартларга мос тарзда олиб бориляпти.

Ҳар бир ҳудудда доимий экспедициялар ташкил этилади

Яна бир муҳим масала — ерости сувларидан оқилона фойдаланиш, янги ер майдонларини ўзлаштириш. Ерости сувларидан фойдаланишда 2 та асосий йўналиш белгиланди. Биринчиси — аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси бўлиб, бу борада йил охиригача суткасига 193 минг

кубометр сув захираси тасдиқланади. Ҳисоб-китобимизга кўра, бу миқдор 1 млн. аҳолини сув билан таъминлаш имкониятини беради. Иккинчи йўналиш эса — ўзлаштирилмаган майдонларни фойдаланиладиган ерга айлантириш ва ерости сувлари ҳисобидан уларни сугориш. Ҳозирда Наманган вилояти Чуст туманида бу борада ишлар бошланган бўлиб, Олмос қишлоғида қўшимча 400 гектар ер майдони қишлоқ хўжалиғига фойдаланишга топширилади. Эндиликда Наманган тажрибаси асосида ҳар бир ҳудудда геологик, айниқса, гидрогеологик қидирувлар бўйича доимий экспедициялар ташкил этилади.

Хулоса ўрнида

Табиий бойликларимизни халқ манфаати учун хизмат қилдириш энг адолатли иш ҳисобланади. Чунки Аллоҳ инъом этган ушбу хазиналарнинг ҳақиқий эгаси халқимиздир. Геология соҳасида яратилаётган янги тизим айни шу мақсадни амалга ошириши билан аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбари келгуси йили геология-қидирув ишларини 2 баробар кенгайтириб, янги истиқболли майдонларни аниқлаш, соҳага замонавий лаборатория техникаларини жорий қилишни жадаллаштириш бўйича вазифа белгилади. Бу тизим қисқа вақт ичида самара беришни таъминлаш режаси қўзланаётганидан далолатдир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»



Мингга яқин юртдошимиз Россиядан олиб келинди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



**НУРОНИЙЛАР МАСЛАҲАТИ
ҲАР ҚАДАМДА АСҚАТАДИ**

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласида «Нуронийлар жамоатчилик кенгаши» ва йиғинидаги «Кексалар маслаҳати» гуруҳи аъзолари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Содикжон Турдиев нуронийларнинг жамиятимиз ҳаётида, фарзандлар тарбиясида тутган ўрнига тўхталиб ўтди. Президентимиз ташаббуси билан «Фахрий мураббий» ордени таъсис этилгани ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шундан сўнг, «Мажнунтол» маҳалласидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож нуронийлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ўзгалар кўмагига муҳтож инсонлар шифокорлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўриқ давомида шифокор назоратига доимий муҳтож фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, 2 нафар нуроний стационар даволанишга ётқизилди.

— Соғлиқни сақлаш ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган Қўшма Қарор асосида короновирус инфекциясига чалинган ёки тумон қилинган

шахсларнинг хонадонларида карантин тадбирларини ташкил этиш бўйича йиғинда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходими Хайринисо Мирзажонова. — Низоли оилаларда маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилада камол топаётган фарзандларни баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида 4 та оила маҳалладаги 4 нафар фаол нуронийга васийликка бириктирилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан тумандаги 2 та дорихона ва 2 та озик-овқат дўконидан нарх-наво бўйича ўрганишлар ўтказилди. «Саломатлик учун 5 минг қадам!» шиори остида тумандаги «Абай» маҳалласида карантин қондаларига қатъий риоя этилган ҳолда нуронийлар иштирокида пиёда юриш тадбирлари ташкил этилди.

Носир ҲАЙДАРОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ МЎҶАЗ
МАСКАНДА ТАРБИЯ ТОПАДИ**

Нукус шаҳридаги «Таслак» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги 53-мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.



«Уй-жой қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий архитектура услубида барпо этилган икки қаватли бино 385 ўринга мўлжалланган.

— Муассасада болажонларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун кенг имкониятлар яратилди. — дейди муассаса мудираси Раъно Уразимова. — Гуруҳ хоналари зарур ўқув қуроллари, ўйинчоқлар ва янги мебеллар билан жиҳозланган. Турли аттракционлар ўрнатилган ўйин майдончалари, мусиқа ва спорт заллари болаларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтиши учун хизмат қилади.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Учкўприк туманидаги «Катта қашқар» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Намунавий лойиҳа асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган йиғиннинг янги биносида ходимлар ва маҳалла аҳолиси учун барча зарур шароит ва қулайликлар яратилган.

— 32 хонадан иборат икки қаватли замонавий бинода кишлоқ оилавий поликлиникаси, про-филактика инспектори хонаси ва кутубхона ҳам жойлаштирилган. — дейди «Катта қашқар» маҳалласи раиси Иброҳимжон Холматов. — Барча хоналар замонавий



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**МАҲАЛЛА ИДОРАСИ ИККИ
ҚАВАТЛИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ**

мебель жиҳозлари билан таъминланган. Шу билан бирга, 5 та муҳим ташаббус ижроси доирасида кутубхонада ёшларга компьютер саводхонлигини ўргатиш учун компьютерлар ўрнатилиши ва интернетга ула-ниши режалаштирилган. Ғарб ва миллий меъморчиликимизнинг уйғунлашу-

ви асосида бунёд этилган икки қаватли замонавий бино қурилишига 3 миллион 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Шунингдек, янги бино қарийб 100 миллион сўмлик мебель жиҳозлари билан таъминланган.


Севинч ҲУСАНОВА.

**100 НАФАР ХОТИН-ҚИЗНИНГ
БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ**

Қизилтепа туманидаги «Ғойибон» маҳалласида «Ишчи кийим таъминот» ишлаб чиқариш кичик корхонасига қарашли тикув цехи иш бошлади.

Янги цехда ишсиз ёшлар, эҳтиёжманд оилалар аъзоларидан иборат 100 нафар хотин-қизнинг иш билан бандлиги таъминланди.

— Коллежни тугатиб иш излаётгандим. — дейди Насиба Алимова. — Шу маънода маҳалламизда тикув цехининг иш бошлагани айни муддао бўлди. Бу ерда меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар яратилган. Иш жойимиз уйимизга яқин, оиламиз бюджетига ҳисса кўшаётганимдан хурсандман.



Лойиҳа қиймати 2,5 миллиард сўмни ташкил этган цехда тайёрланадиган текстиль кийим-кечаклари буюртма асосида ички бозорга чиқарилиши ҳамда кейинчалик экспортга йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Сирож АСЛОНОВ.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ЯНГИ УЙЛАР БЕПУЛ БЕРИЛДИ

Жомбой туманидаги Узуновул массивида эҳтиёжманд 15 та оилага янги уйлар топширилди. Ҳар бири икки хонали, кичик ҳовлига эга уйлар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга бепул, ҳеч қандай тўловларсиз берилди.

Йил якунига қадар яна 10 та шундай уй қурилиб, уй-жойга муҳтож кишиларга топширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, ҳудуддан 48 хонадонли кўп қаватли уй қурилади ва ижтимоий ётоқхона сифатида оғир вазиятдаги фуқароларга ажратилади.

— Умрим ижара уйларида ўтди. — дейди айни пайтда пенсияда бўлган Ҳ.Муқаррамова. — Қачондир ўз уйим бўлади, деб орзу ҳам қилолмаганман. Бугун ана шу бахт насиб этганидан бошим осмонга етди. Давлатимиздан миннатдорман.

Янги уйларни топшириш маросими яна

бир хайрли тадбирга уланди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 10 нафар фарзандининг хатна тўйи ҳам ўтказилди.

Ёрмат РУСТАМОВ.



Балиқчиликни қўллаб-қувватлаш бўйича Президент қарори қабул қилинди.

РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИ: 5 сентябрдан қайси фаолият турларига рухсат берилади?

Мамлакатимизда карантин талабларини қисқартириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан берилган кўрсатмаларга мувофиқ, Республика махсус комиссиясининг навбатдаги қарори қабул қилинди. Қарор билан жорий йилнинг 5 сентябридан қатор фаолият турларига рухсат берилмоқда. Хўш, қайси фаолият турларига рухсат берилди? Қандай янги тартиблар белгиланди? Қайси чеклов чоралари сақлаб қолинди?



МАКТАБЛАР ФАОЛИЯТИГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ



2020 йил 5 сентябрдан бошлаб **умумий овқатланиш объеклари** (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) фаолиятига рухсат берилди. Бунда уларнинг банкетлар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишига йўл қўйилмайди, столлар оралигида 2 метрдан кам бўлмаган ижтимоий масофа таъминланади, бир стол атрофида 4 кишидан кўп бўлмаган (оила аъзолари бундан мустасно) миждозларни жойлаштиришга рухсат берилмайди.

Шунингдек, **томоша ва маданий-кўнгилочар объекти** (фақатгина театр ва кинотеатр), **парклар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар фаолиятига, диний ташкилотларда жамоавий ибодатлари** (жума ва шанба-якшанбалик диний хизматлар) амалга оширишга рухсат берилмоқда. Бунда юқоридagi объектиларда санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Қолаверса, қарор билан **йўналишли таксида** («Дамас» русумли енгил автомобиллар бундан мустасно) **йўловчи ташиш фаолиятига** ҳам рухсат берилди. Ота-оналарнинг фикрлари ва маҳаллий депутатлар кенгашлари тақлифларига мувофиқ, сентябрь ойдан **мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг анъанавий ва масофавий шаклдаги фаолияти** йўлга қўйилади.

ҚАЙСИ ЧЕКЛОВ ЧОРАЛАРИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ?

Махсус комиссия қарори билан бир қатор карантин чекловлари 2020 йил 5 сентябрдан кейин ҳам сақлаб қолинмоқда.

Жумладан, фуқароларнинг жамоат жойларида **ижтимоий масофани (2 метр) сақлаши, тиббий ниқобда** бўлиши талаб этилади, бунда улар томонидан санитар талаблар бузилган тақдирда қатъий чоралар (жаримага тортиш) қўрилади. Супермаркет ва бошқа йирик дўконларнинг кириш-чиқиш жойлари пирометрлар, дезинфекцион «тўшақлар», антисептик воситалари билан жиҳозланиши шарт.



Буюм ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари, буюм савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконларда санитар тозалаш ишларини ўтказиш учун **ҳафтада бир кун санитар кун** эълон қилинади. Давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарда **йиғилишлар ўтказишни тақиқлаш**, зарур ҳолларда йиғилишларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш талаб этилади.

Шунингдек, **оммавий тадбирлар ўтказишга йўл қўйилмайди**, тўйхоналар, тунги клублар, дискотека, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) ва компьютер ўйинлари марказлари фаолияти тақиқланади. Оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимлар фуқароларнинг **уй-жойи ва ҳовлисининг ўзида 30 кишидан кўп бўлмаган** (фақат яқин қариндошлар ва ушбу туман ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа қариндошлар) ҳамда санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилиши шарт.

65 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқаролар ҳамда сурункали касаллиги бўлган шахсларнинг **«ўзини ўзи яқкалаш» ҳаёт тарзида яшаши тавсия этилади** ва оғоҳлантирувчи тарғибот ишлари амалга оширилади. Йўналишсиз таксиларда йўловчи ташиш учун автотранспорт воситаси салонидида ҳайдовчи ўриндиги йўловчилар ўриндигидан шаффоф пластик ёки махсус плёнка билан тўсилган бўлиши шарт.

ҚЎШНИ ДАВЛАТ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

2020 йил 1 сентябридан бошлаб **Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси** ўртасидаги автотўл ўтказиш пунктларига нисбатан **кириб-чиқиш бўйича чекловлар санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда бекор қилинади**. Бунда қатор тартиблар жорий этилмоқда.

Хусусан, охириги 14 кун Қирғизистон Республикасида бўлиб турган ёки сўнгги 72 соат давомидаги коронавирус инфекциясига ПЗР тест текширувининг манфий натижалари тўғрисида маълумотномаси мавжуд бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасига кириб келганда карантин назоратига олинмайди. Қирғизистон Республикасига чиққан ҳамда фақат ушбу мамлакат ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўз юртига қайтиб киргандан сўнг карантин назоратига олинмайди.



Юқоридagi ҳолатлардан ташқари барча вазиятларда Ўзбекистон Республикасига кириб келувчи шахслар ўрнатилган тартибда карантин назоратига олинади.

ХАЛҚАРО ҚАТНОВЛАР ТИКЛанаДИ

Комиссия қарори билан **Коронавирус пандемияси даврида мунтазам халқаро авиақатновларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқнома** тасдиқланмоқда. Шу боис тегишли соҳа масъулларига барча турдаги халқаро қатновларни (авиа, темир йўл ва автомобиль) тиклаш бўйича хорижий малакатлар билан музокаралар ўтказган ҳолда **қатновларни босқичма-босқич тиклаш** чораларини қўриш вазифаси юклатилди.

Мазкур вақтинчалик йўриқнома 1 сентябрдан эътиборан кучга кириши ҳамда мазкур йўриқнома кучга киргандан сўнг хориждаги фуқароларни тўлов асосида меҳмонхонага карантинга жойлаштириш шarti билан чартер қатновларини ташкил этиш бўйича **туроператорлар ҳамда авиакомпанияларга рухсатномалар бериш амалиёти тўхтатилиши**, шу билан бирга, аввал берилган рухсатномалар **2020 йил 1 октябрга қадар амал қилиши** белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қўшни давлатларда рўйхатдан ўтган ва республикага вақтинчалик олиб кирилган **автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилишига рухсат берилди** ҳамда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида бошқа хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини қайтариб олиб чиқиш муддати **2020 йил 1 ноябрга қадар** узайтирилди.



Республика махсус комиссияси қарори асосида тайёрланди.

Биринчи курсга қабул қилинган талабалар учун ўқиш 2 октябрдан бошланиши режалаштирилган.

Жорий йил юртимизда коррупция билан боғлиқ шов-шувли хабарларга бой бўлди. Айниқса, айрим имонсиз кимсалар пандемиядан ҳам «унумли» фойдаланиб, бойлик орттириб қолишга уринишгани ачинарлидир. Кам таъминланган оилалар, пандемияга қарши чоралар, қурилишлар учун ажратилган маблағларнинг талон-торождан ташқари, ўта шармандала, юртимиз шаънига жиддий пугур етказадиган ўғирликларни ҳам кузатдик.



Талон-торождликлар

ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?



Масалан, Ўзбекистон ва хориждаги тадбиркорлар, корхона-ташкilotлар ва оддий инсонларнинг ҳомийлик кўмаклари ҳисобидан шакллантирилган «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси»га тегишли 2,4 миллиард сўмнинг ўзлаштирилгани, 2022 йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг раҳбарлари саммитига тайёргарлик кўриш учун ажратилган пулларнинг салкам 7,5 миллиард сўми ўғирлангани ҳақидаги хабарлар жамиятнинг ларзага солди.

Юқоридаги ва бошқа ҳолатлар жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинган. Айримлар коррупция учун ҳатто мол-мулкнинг тўлиқ мусодараси билан бир қаторда, ундан-да жиддийроқ жазоларни тайинлаш таклифларини билдиришаётгани ҳам рост. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқаро ташкилотлар рейтингига кўра, коррупция кенг ривожланган давлатлар қаторида тилга олинади. 2019 йилги рейтингда Африканинг Нигерия, Мозамбик, Уганда каби давлатларини ортда қолдириб, 158-ўринни эгаллаганмиз.

Тўғри, бундай «натига»га кеча ёки бутун эришиб қолмадик. Бу йиллар мобайнида тўтланиб, газак олиб борган муаммо. Эндиликда иллатга қарши жиддий кураш бошлангани, жараёнлар халқ муҳокамасига кўйилаётгани сабаб кўп ҳолатлар очилиб қоляпти, холос. Ҳўш, бу талон-торождликлар қачонгача давом этади? Муаммони буткул ҳал этиш учун қандай чоралар кўриляпти? Юқоридагилар доирасида **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал БУРҲОНОВ**нинг фикрлари билан қизиқдик.

Янги агентлик рейтингни кўтариш учунгина тузилдими?

— Хориж таърибасини олади-ган бўлсак, у ёки бу мамлакатнинг демократик ҳуқуқий ривожланганлик даражаси айнан коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатнинг саяё-ҳаракатлари билан белгиланади, — дейди **А.Бурҳонов**.

— Европа мамлакатларида коррупция билан кураш бўйича мустақил органлар ташкил этилган. Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index) бор. Индексда 180 та давлат иштирок этган. Бугун биз унда 158-ўринни эгаллаганмиз. Афсуски, жуда паст ўринда.

МДХ давлатларидан Грузияни оладиган бўлсак, у 2007 йилда мана шу индексда 79-ўринда эди. 2008 йилда Грузияда Коррупцияга қарши курашиш бўйича кенгаш тузилади. Бугунги кунда Грузия 42-ўринни эгаллаб турибди. Яъни Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тузилиши орқали халқаро индексдаги поғонамиз ҳам яхшиланади. Албатта, бу биргина индекс учун қилинган иш эмас. Коррупцияни қабул қилиш индексиде бир поғона кўтарилишимиз ёки тушишимиз Ўзбекистоннинг ялғи ички маҳсулотига жиддий таъсир қилади. Ҳар қандай давлатда коррупциянинг даражаси ўша мамлакатнинг иқтисодийётига, ижтимоий ҳаётига ва энг асосийси, халқаро ҳамжамиятдаги ўрнига жиддий таъсир қилмасдан қолмайди.

Жазони кучайтирмай натижага эришиб бўладими?

— Кўпчилик ижтимоий тармоқларда агентлик тузилди, кейинги йил қанчадир ҳоким, қанчадир вазир пора билан ушланади ёки жазога тортилади, деб ўйляпти, — сўзида давом этади **А.Бурҳонов**. — Бу нотўғри. Агентлик фаолиятининг натижаси мезони сифатида коррупционерлар сонини аниқлаш билан эмас, балки халқаро рейтингларда ўрнимизнинг ўзгариши билан баҳоласа бўлади. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан аҳоли орасида тадқиқотлар ўтказилганда, афсуски, аксарият фуқароларимиз бу иллатни йўқота олмаймиз, қийин, деган. Бизнинг мақсадимиз кейинги йил тадқиқот ўтказганимизда озгина бўлса-да, жамоатчилик фикри ўз-



гаргани, соҳаларда коррупциявий ҳолат камайгани сезилиши керак.

Кимнидир жазолашни эмас, фуқаролар коррупциянинг камайганини ҳис қилишига эришмоқчимиз, халқаро рейтинглардаги ўрнимизни яхшиламоқчимиз. Битта поғонага кўтарилишимиз ҳам жуда катта натижа бўлади. Бунинг учун кўп ишлашимиз керак. Буни уддалай оламиз. Энг асосийси, давлат раҳбари даражасида сиёсий ирода бор. Президентимиз ҳам агентлик олдида очиқ, ошқора фаолият юритиш вазифасини қўйган. Коррупциоген ҳолатни йўқ қилиш бўйича тегишли ҳужжатга ўзгартириш киритишга давлат раҳбари ҳам, парламент ҳам тайёригини билдирган.

Декларация тўлдириш ўғирликнинг олдини оладими?

Агентлик мутахассисларининг таъкидлашича, ҳозир «Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Кейин парламентта тақдим этилади. Ўйлаймики, йил охиригача бу қонун лойиҳаси шакллантирилиб, қабул қилинишига эришилади. Қонун орқали неча йилдан буён кутилаётган давлат хизматчилари даромадларини декларация қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилади.

Биламики, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокама-сига кўйилганда кўплаб муҳокама-

ларга сабаб бўлди. Айрим мансабдор шахслар четда қоляпти, деган эътирозлар билдирилганди. Аммо ўшанда негадир бу эътирозлар ҳисобга олинмади. Янги қонун ана шу камчиликни тўлдириши мумкин. Шунда барча мансабдор шахслар, яъни давлат бюджетидан молиялаштирилаётган ташкilotлар раҳбарлари ва умуман, давлатдан ойлик-маош олаётган давлат хизматчиларининг даромадларини декларациялаш тизимига ўтилади.

Форум ўтказиб, тадбир уюштириб, коррупцияни енгиб бўладими?

Аммо кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган сўровлар аҳоли коррупционерларга нисбатан жазони кучайтириш ва муқаррарлигини таъминлаш орқалигана натижага эришиш мумкин деб, ҳисоблашни кўрсатмоқда. Масалан, амалдаги Жиноят кодексига кўра, бундай ишга қўл урган шахс келтирган зарари миқдорига қараб 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Лекин бу жазо камдан-кам ҳоллардагина қўлланилади. Айрим пайтларда коррупционер келтирган зарарини қоплаш (қўлга тушган эпизоди бўйичагина) билан жазодан қутулиб қолиши ҳам мумкин. Қамок жазоси қўлланилганида ҳам кўпдан-кўп енгиллаштирувчи сабаблар ҳисобга олинди, анча кам муддатлар белгиланади. Бундан ташқари, жиноятчи муддатдан олдин озод қилиниши ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Бизнингча ҳам, муқаррар ва қатъий жазолар белгиланмас, қонунларда бундай жиноятлар учун «юмшатовчи ҳолатлар», амнистиянинг қўлланиши тақиқланмас экан, қуруқ тадбир уюштириб, форум ўтказиш билан овоза бўламыз ва муаммони ҳал этиш, халқаро рейтингимизни кўтаришга эришолмаймиз.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Навоийда 170 тонна металл конструкция ишлатилган мегакўприк очилди.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА тайёргарлик қандай ташқил этиляпти?

Хар йили совуқ кунлар яқинлашиши билан мавсумга жиддий тайёргарлик бошланади. Бусиз иложи йўқ. Чунки олдиндан иситиш ва энергия билан таъминлаш чораси кўрилмаса, ҳаво совиб кетганда қийин ахволга тушиб қолиш тайин. Биламизки, кўглаб аҳоли яшаш жойларида бу борада муаммолар қалашиб этибди.



Мисол учун, шаҳарлардаги айрим кўп қаватли уйларнинг томлари таъмирталаб бўлса, баъзиларида канализация тизими эскириб кетган, ертўлаларида сув тўпланади. Баъзи шаҳарларда эса иситиш тизимига эга бўлмаган кўп қаватли уйлар кўглаб топилади. Хонадонлар газ ёқиб қўйиб иситилади. Эҳтиётсизликка йўл қўйилса, фожиага олиб келиши ҳеч гапмас. Қишлоқ шароитида эса бу борадаги муаммоларни санаб саногойга етиш қийин. Биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси олдида ўтин-кўмир фаллаш ташвиши туради. Шубҳасиз, газ, электр энергиясидаги узилтишларни ҳал этиш масаласи кун тартибига чиқади.

Ҳўш, бу йил юртимизда куз-қиш мавсумига қандай ҳозирлик кўриляпти? Юқоридаги муаммоларга жойларда қай даражада ечим топилади?

Худудларга чиққан ҳолда муаммоларга ечим изланади

— Кўп квартирали уйларни ва иссиқлик таъминоти тизимини, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича олдимизда ўта муҳим вазифалар турибди. — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Ғофир Жамалов. — Тўғриси айтганда, республикада коронавирус инфекцияси тарқалиши натижасида худудларда эълон қилинган карантин кўп квартирали тураржой фонди ва ижтимоий соҳани куз-қиш даврида барқарор ишлашига ўз вақтида тайёрлаш борасида амалга оширишимиз зарур бўлган тадбирларнинг бироз қўзилишига сабаб бўлди.

Бу йўналишда ишларни бошлаган бўлсак-да, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш учун яна бир қатор чора-тадбирларни амалга

оширишимиз зарур. Жумладан, жорий йил 17 июль куни Президентимиз ҳузурида ва 17 август куни Бош вазир раҳбарлигида Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишларида берилган топшириқларнинг жойларда ижроси самарали йўлга қўйилишига эътибор қаратиляпти.

Аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш ва уни беталафот ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасида республика штаби ташқил этилди. Белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда худудларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларини ташқил этиш ва амалга ошириляётган ишларни ўрганиш мақсадида 17 та вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ишчи гуруҳлар томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ўрганилади ва амалий ёрдам кўрсатилади. Хусусан, кўп квартирали уйларни ва ижтимоий соҳа объектларини ҳамда иссиқлик, ичимлик сув, электр энергияси, табиий газ таъминоти тизимларини мавсумга тайёрлаш, аҳолига кўмир, суюлтирилган газ етказиб бериш, озик-овқат таъминоти захираларини яратиш каби муҳим масалалар ўрганилади ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш ишлари ташқил этилади.

87 та қозонхона, 73,1 км. иссиқлик тармоқлари мукаммал таъмирланади

— Совуқ кунларда аҳолини иссиқлик билан таъминлаш бирламчи масалага айланади. Шу маъ-

нода мавсумга тайёргарлик доирасида 87 та марказий ва маҳаллий қозонхоналар, 852 та қозонлар, 73,1 км. иссиқлик тармоқлари мукаммал таъмирланади, 917,2 км. иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланади, 99,1 км. иссиқлик тармоқлари изоляция қилинади. Шунингдек, 185,3 км. ичимлик сув тармоқлари мукаммал таъмир, 488,2 км.

ичимлик суви тармоқлари жорий таъмирдан чиқарилади.

Мазкур ишлар шу кунга қадар 25-30 фоизга бажарилган. Хусусан, иссиқлик таъминоти бўйича 24 та марказий, 10 та маҳаллий қозонхона, 118 та қозон, 169 та насос агрегатлари, 238 км. иссиқлик тармоқларида мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда 13 км. иссиқлик тармоқларида иссиқлик қопламаларини янгиллаш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги пайтда



бу борадаги ишлар жадаллаштирилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда марказлашган иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари тасарруфига жами 633 та марказий ва локал қозонхоналар ҳамда иссиқлик тармоқларида синов текширув ишлари амалга оширилди.

УЖМШларга жами 174,3 млрд. сўм ажратилади

— Ёгин-сочинли кунларда уй томондан чакка ўтиб турса ёки бошқа носозлик юз берса, уни бартараф этиш мураккаб бўлади. Натижада ушбу ноқулайликка қиш бўйи чидашга мажбур бўласиз. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 3212 та кўп квартирали уй-жойларни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари

амалга оширилмоқда. Жумладан, уйларнинг 732,6 млн.кв.м. том қисми, 1080 та уйларнинг фасад қисминин, 3 685 та кириш йўлаклари, 1888 та уйларнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммунал-кацияларни таъмирлаш юмушлари бажарилляпти. Шу билан бирга, 274,95 минг.кв.м. уй олди йўлакларни бетонлаш ҳамда уйларга тўташ худудларни ободонлаштириш режалаштирилган. Барча ишлар тасдиқланган Манзилли дастур асосида олиб борилмоқда. Худудлардаги кўп квартирали уй-жой фондини таъмирлаш, атрофдаги худудларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларига 111,1 млрд. сўм ва маҳаллий бюджет, ширкат, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 63 млрд. сўм, жами 174,3 млрд. сўм миқдорда маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда иссиқлик таъминоти тизими мавжуд бўлмаган 7 минг 883 та кўп квартирали уйларни хатловдан ўтказиб, ушбу уйларда истиқомат қилувчи аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда, мавсумда уйларни иситиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Хулоса ўрнида

Куз-қишга тайёргарлик кўриш бўйича режалаштирилган ишларни ўз вақтида яқунлаш ва мавсумни беталафот ўтказиш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган. Боиси, изгиринли дамларга ҳозирлик учун бутунги илиқ-иссиқ кунларнинг ҳар бир лаҳзаси ғанимат. Энг муҳими, бажариладиган чора-тадбирларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарур. Қолаверса, пандемия шароити барча ишни тўғри ташқил этиш, турли вазиятларга чалғиб бирор-бир жиҳатни эътибордан четда қолдирмасликни талаб этади. Акс ҳолда аҳоли норозилигини келтириб чиқарувчи, кўглаб одамларнинг қийналишига сабаб бўлувчи ҳолатлар вужудга келиши мумкин.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Андижонда иқтисодиёт ва қурилиш
институтини ташқил этилди.

КАЛТА ПАЙПОҚНИ КИМ КИЯДИ

ёки бундан бошқа муаммо йўқми?

Яхши эслаймиз, бир пайтлар қишлоқлар марказида кутубхоналар, қишки ва ёзги клублар бўларди. Қайсидир асарни топиб ўқимоқчи бўлган одам шаҳарга бориб китоб излаб овера бўлмасди. Клубларда эса хўжалик ишчилари, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган турли маданий тадбирлардан ташқари, кинофильмлар намойиш этилар, ҳатто, пойтахт театрлари гастролга келиб, спектакль кўйиб беришарди. Бу анъаналар йўқолиб кетганига анча бўлди.

Кейинги пайтда бу масалага бошқача ёндашилаётганига гувоҳ бўляптимиз. Президентимизнинг тегишли қарорларига асосан, аҳолига кинотеатр ва кутубхона хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича ишлар бошланди. Чекка ҳудудларда ҳам маданий муассасалар фаолиятини жонлантириш, қишлоқ одамлари маънавий даражасини юксалтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Албатта, бу ишларни кўнгилдагидек амалга ошириш маданият, маънавият, таълим соҳалари вакиллари зиммасига қатта маъсулият юклайди. Бу ерда гап фақат бино-иншоотлар қуришда эмас, маънавият-маданият масканларининг фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйишда, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилдиришда, десак хато эмас.

Яқинда «Ўзбекистон» телеканалда намойиш этилган бир кўрсатувда Республика Маънавият ва маърифат маркази мутасаддиси ёшларнинг кийиниш услубларини танқид қилар экан, калта пайпоқ кийиш «гей»ларнинг рамзи деган маънода фикр билдириши ижтимоий тармоқларда муҳокамаларни кизитиб юборди. Кимдир бу фикрни ўта бемаъни деб баҳолаб танқидлар, ўзини тиёлмагани, ҳатто, ҳақоратлар ёғдирган бўлса, бошқа биров экспертнинг ёнини олиб кўплаб асосларни келтирди. Аслида ким ҳақ? Биз айнан калта пайпоқнинг қандай келиб чиққанига аниқлик киритмоқчи эмасмиз, балки бу кўринишда муаммо кўтарилиши қанчалик аҳамиятли экани ҳақида тўхталиш ниятида-миз. Хўш, бу усул билан маънавият, тарбия соҳасида кутилган натижага эришиш бўладими?

Фақат зиёнга ишлайдиган тарғибот

— Албатта, кийиниш, ташқи кўриниш жамиятда муҳим аҳамият касб этади, — дейди психолог



Шаҳноза Азизова. — Четдан кириб келаётган турли модаларни кўр-кўрона қабул қилиш нотўғри, у баъзан маънавий муҳитга салбий таъсир қилиши ҳеч гапмас. Лекин ечим қаерда, ёшларимизни қандай қилиб нотўғри, зарарли одатлардан сақлай оламиз? Улар урфга айланган раётган кийим ва одатларни буниси яхши, буниси ёмон деб ажратиб кўрсатиш билан нимага эришамиз? Энди телекўрсатувда маънавият соҳаси эксперти айтган калта пайпоқ ва ажралиб турувчи соч турмаги масаласига келсак, улар ёшлар томонидан оммавий тарзда қабул қилингани ва урфга айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бу ноҳоз иш бўлган тақдирда ҳам, уни қилганларни Лут қавми издошлари билан солиштириш тесқари реакцияни келтириб чиқариши табиий эди. Бунга ўхшаш мисол сифатида севги рамзи дея қараладиган «юрак» шакли хусусида қанчадан-қанча танқидлар билдирилганини биламиз. Лекин у йигит-қизлар орасида ҳамон ўша тимсол сифатида кўрилади. Маънавиятчилар бу усул ҳеч қандай самара бермай келаётганига қарамай, тарғибот усулларини ўзгартирмай келишаётгани қизиқ.

Ёшларни муносиб ишга йўналтирайлик

— Ёшларимизни интернет, телефон каби воситаларга боғланиб қолгани, реал ҳаётдан узоқлашиб бораётгани, хотин-қизларимизни хорижий сериаллар кўришдан ортамаътани ҳақида бот-бот гаплашамиз, — дейди олий тоифали ўқитувчи Холбозор Тилолов. —

Лекин уларга маънавий савиясини ўстириш учун шароитлар яратиб берилганми? Негадир бу ҳақда фикр юритиш эсимизга келмайди. Хўссан, қишлоқларда ёшларнинг ўзи истаган бадиий асарларни қаердан топиб ўқиши ҳақида қизиқиб кўрмаймиз. Тўғри, кейинги пайтда Президентимиз ташаббуси билан аҳоли, хўссан, ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, кўчма кутубхоналар ташкил этиш бўйича хайрли ишларга қўл урилди. Аммо бу анъана ҳамма жойга етиб боргани йўқ ва баъзан унутилиб қолиши ҳам бор гап.

Кейинги пайтда киноижодкорларимиз томонидан замонавий ва тарихий мавзуларда жиддий фильмлар ишланди. Улар телеканаллар орқали реклама қилинаётди. Лекин чекка ҳудудда яшовчи ёшлар бу киноасарларни томоша қилиш имконига эгами? Афсуски, йўқ. Демак, ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш борасида ҳали керакли ишлар амалга оширилмаган.

Ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритилар экан, калта пайпоқ, соч турмаги ва ҳоказолар атрофида ўралашмай, шу масалаларни кўтариб чиқиш, унинг ечими ҳақида таклифлар билдириш керак эмасми? Яна бир масала — қишлоқларда бир пайтлар ҳаммомлар бўларди. Уларнинг бошига ҳам кутубхонаю клубларнинг қисмати тушди. Ҳаммомнинг маънавиятга нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Тарихда ҳам ҳаммомлар халқимиз ҳаётида муқим ўрин эгаллаган. Тозалик, соғлиққа қанчалик фойдали эканини таъкидлашга ҳолат

йўқ. Шу маънода у кишиларни тозаллик маданиятига, гигиенага ўргатади, десак янглишмаймиз. Ҳозир қишлоқ туғул шаҳарларда ҳам ҳаммомни учратмайсиз. Тўғри, ҳозир деярли барча хонадонларда ҳаммомлар қуриляпти. Ваҳоланки, шаҳарларда ҳаммомлар ишлаган пайтда ҳам хонадонларда иссиқ сув, ювиниш шароитлари бўлган. Шунга қарамай, одамлар ҳаммомга бориб турган. Ҳозир эса... Бу муаммо эмасми?

Қолаверса, чекка ҳудудларда электр энергияси, газ узилишлари тўлиқ баргараф этилмаган. Бундай ноқулайликлар ёшлар таълим-тарбиясини йўлга қўйишга жиддий халал бериши ҳам сир эмас. Бунга муҳокама қилиш керак эмасми?

Хулоса ўрнида

Кўп ҳолларда биз муаммонинг асл сабабидан чалғиб кетамиз ва унинг оқибатлари ҳақида бош қотираемиз. Юқоридаги ҳолат ҳам бунинг яққол исботидир. Ахир, сабабни баргараф қилмай туриб унинг оқибатидан қутулиш мушкул. Бу билан салбий ҳолатларни тилга олмаслик керак, демоқчи эмасмиз. Аввало, унинг қанчалик долзарб ва аҳамиятли масала эканига эътибор қаратишимиз зарур. Асосли бўлса, бунга исботловчи далилларни келтириш ва одамларга оғир ботмайдиغان тарзда тушултириш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, ҳаётимизда ҳал қилинишни кутиб турган кўплаб муаммолар бор ва биринчи навбатда, уларнинг ечими ҳақида бош қотириш фойдалидир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Маданият, спорт ва туризм ходимлари
касаба уюшмаси тузилди.

Биламизки, ҳар қандай мукофот бу нафақат эътироф белгиси, балки унинг ортида тақдирланган шахсга манфаат келтирувчи имтиёзлар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, куни кеча тақдирланган «Мард ўғлон» Давлат мукофоти соҳиблари олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз қабул қилиниши мумкин.



ОТМга киришда имтиёзли тоифалар кўпайиб кетмадими?

Сир эмаски, кейинги пайтларда айнан ОТМга киришда фуқароларнинг айрим қатламларига тақдим қилинаётган шу каби имтиёзлар жамиятда кескин мунозараларга сабаб бўляпти. Кўпчилик буни фарзандларимизни муваффақиятларга ундовчи рағбат сифатида талқин қилса, баъзилар ёшларни табақалаш, таълимнинг сифатини пасайишига сабаб бўлиши мумкинлигини иддао қилади. Бундайлар қаторида ҳатто депутатлар ҳам бор.

Ҳўш, ўзи олий таълим муассасаларига киришда қимлар учун имтиёзлар белгиланган? Имтиёзлар кўпайиб кетмаяптими? Шу хусусда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуда ВОРИСОВА**нинг фикрлари билан қизикдик.

Имтиёзлар коррупцияга йўл очадими?

— Менимча, ўқишга киришда имтиёзлар берилиши тўғрисидаги янгиликлар чин дилдан ўқиб, тайёргарлик кўриб юрган ёшларимизни ўйлантириб қўйди, ҳатто қалбини оғритди. — дейди **Мақсуда Ворисова**. — Уларнинг ўйлари, оғриқларини тушунишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эга экани белгиланган. Демак, ота-онаси қаерда хизмат қилиши ёки фуқаронинг айрим ютуқларга эга бўлиши Конституцияда белгиланган меъёрдан устун қўйилиши мумкин эмас. Нима учундир мактабни аъло баҳоларга битириб, олтин медаль соҳиб бўлган абитуриентга ҳеч қандай имтиёз йўқ, лекин республика фан олимпиадалари ғолибларига имтиёз белгиланган. Ёки бўлмаса, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибларига белгиланган имтиёз. Агар шу танловда олий таълимга имтиҳонсиз кириш имтиёзи бекор қилинса, танловда қатнашувчи қизлар таркиби қандай ўзгарар экан?..

Фикримча, қаерда ўринсиз

имтиёз яратилса, ўша жойда коррупция деган балога кенг эшик очилади. Шунинг учун ҳам узок ҳаёт йўлининг бошида турган фарзандларимизни коррупция оғуси билан сугормайлик, бошқаларини эса адолатсизлик билан ҳаётдан норози қилмайлик.

Қимлар ўқишга имтиҳонсиз кириши мумкин?

Дарҳақиқат, бизнингча ҳам, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида тўлиқ ёки қисман квота доирасида ва ундан ташқари имтиёз олувчи абитуриентлар тоифалари кўпайиб кетгандек, гўё. Асосийларини санаб ўтаман. Зулфия номидаги, «Мард ўғлон» Давлат мукофотлари соҳиблари тўғрисида юқорида гапирилди. Бундан ташқари, «Ниҳол» мукофоти сазовор бўлган ёшлар маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлигига имтиёзли равишда, «Тарбиячи» республика кўрик-танлови ғолиблари тегишли ОТМларнинг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Шунингдек, 2019/20 ўқув йилидан бошлаб, асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1-3-ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича максимал балл берилиши белгилаб қўйилган. Қатор халқаро олимпиадаларда 1-3-ўринни эгаллаган абитуриентлар тест синовисиз ва кўшимча имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилиниши ҳам барчамиз яхши биламиз. Қолаверса, чет тиллари бўйича айрим сертификатларга эга ёшлар ҳам имтиёзга эгадирлар. Бу ўринда жорий йилдан Фарғона вилоятининг Сўх тумани ёшлари учун кўшимча давлат гранти асосидаги 500 та ўрин миқдоридан мақсадли қабул параметрлари борлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Алоҳида имкониятга эга абитуриентлар

Шунингдек, айрим вилоятлардаги ОТМларга ўқишга қабул қилишда тест синовлари натижалари бўйича 68 ва ундан юқори баллга эга бўлган, олис чўл туманларида истиқомат қилаётган абитуриентлар, Наманган вилоятидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатда аъло баҳоларга ўқиган битирувчилар имтиҳонларисиз кўшимча давлат гранти асосида. «Темурбеклар мактаби» битирувчиларига эса баллар кўришида имтиёз берилади.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари махсус тавсияномалар асосида доимий яшаш жойидаги ОТМларнинг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташқари давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Ҳарбий соҳа мутахассисларининг фарзандлари

Бутун энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётгани — ҳарбийларнинг фарзандларига ва ўзларига тақдим этилаётган имтиёзлар ҳисобланади. Бунда ҳарбий қисм кўмондонлиги (раҳбарияти) ва Ёшлар иттифоқининг тавсияномасига асосан, ҳар бир ҳарбий қисмдан бир нафардан юқори натижаларга эришган ёш ҳарбий хизматчи кўшимча давлат гранти асосида ОТМларга ўқишга қабул қилинади. Бундан ташқари, Куролли Кучлар таркибига кирувчи вазирликлар(идоралар)да ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, айрим шартлар асосида, ОТМларга киришда ажратилган беш фоизли қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этадилар.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ярадорлик, контузия, шикастланиши ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган Қуролли Кучлар таркибига кирувчи ва-

зирликлар(идоралар)нинг ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари ОТМларга киришда белгиланган қабул кўрсаткичларидан ташқари танловсиз давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилади. Деярли юқоридагидек имтиёзлар ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари учун ҳам амал қилади.

Имконияти чекланган ёшлар

Ногиронлиги бўлган шахслар тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловдан озод этилган. ОТМларга абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига кўшимча равишда ногиронлиги бўлган шахслар учун икки фоизли давлат гранти асосидаги квота ажратилган. Бунда айрим шартларга амал қилиниши керак. Умуман, 2020/21 ўқув йили учун кириш имтиҳонларида ногиронлиги бўлган шахслар учун 2799 та кўшимча давлат гранти ажратилган.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланган чин етимлар учун кўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратилади. Жорий йил улар учун жами 1 400 ўрин ажратилди. 2020/21 ўқув йили қабулидан бошлаб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга хотин-қизлар учун давлат гранти асосида 940 та грант квота жой ажратилмоқда.

Зўрларга имтиёз шарт эмас

Мутахассислар юқоридаги имкониятларнинг аксарияти умумий ажратилаётган квотадан ташқарида экани ва бошқалар манфаатига зарар етказмаслигини таъкидлайди. Аммо шу имтиёзлар эвазига квотани кўпайтириш мумкинлиги кўпчиликнинг эътиборидан четда қолади. Албатта, жамият ривожини учун хизмати синаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири. Бизнингча, юртимизда рағбатлантиришнинг ОТМга имтиҳонсиз киришдан бошқа йўллари ҳам ўйлаб топиш вақти келган.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Бўстонликда туризмни ривожлантириш
учун янги қулайликлар яратилмапти.

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг мунозараларга сабаб бўлмоқда. Яъни дехқон хўжалиқларига ер участкаларини мерос қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи билан ажратиш тартиби ўрнига уни ижара асосида бериш тизими жорий этилаётгани турли саволларни туғдирмоқда.

Хўш, ўзи нима гап? Ерларни хусусий мулк сифатида ажратиш жараёни кечаётган бир пайтда нима учун дехқонлардан ер участкасини умрбод мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи олиб қўйилмоқда? Бунга қандай омиллар таъсир қўрмакда? Агар ер ижара асосида бериладиган бўлса, унга нисбатан муносабат ўзгармайдими?

Янги тизим ерга муносабатни ўзгартирмайдими?

Лойиҳага кўра, ушбу қонун кучга кирган кундан бошлаб дехқон хўжалиги учун ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиш тартиби бекор қилинади. Ерлар боғдорчилик ва узумчилик фаолияти учун 30 йилдан 50 йилгача, сабзавотчилик, полизчилик ва бошқа дехқончилик экинлари етиштириш фаолияти учун 5 йилдан 15 йилгача ижарага берилди. Дехқон хўжалиги тасарруфидаги ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор бўлганда ёки ижара, шу жумладан, иккиламчи ижара мuddати тугаганда, дехқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилган ҳисобланади.

Энди ҳақли мулоҳазалар туғилди: мамлакатимиз экин ерларининг атиги 11,3 фоизини ташкил қилувчи ерлар дехқонларнинг хусусий мулки деб ҳисобланмаса-да, дехқон тили билан айтганда, «умрбод»га берилгани учун улар ўзларини ер, яъни мулк эгаси, деб ҳис қилишади, айнан шу учун ҳам қалбида келажакка ишонч, онгида эса узоқ муддатли режалари тузилган бўлади, оилаларининг келажакини шу ер билан боғлашади.

Ерни 5-15 йилга ижарага олиб ишлатувчи оила учун эса ер — шунчаки вақтинча фойдаланиб, ташлаб кетиладиган ёки маҳаллий



ЕР УЧАСТКАСИ

Энди дехқонга умрбод берилмайди...(ми?)

ҳоқимлик томонидан олиб қўйиладиган матоҳ, уни асраб-авайлаш, ҳолатини яхшилаш учун ҳеч қандай рағбат бўлмайди. Эртасига ишонч ва режалари бўлмаган одам юрти учун жон куйдирадими, доақал атрофини йғиштирадими? Йўқ!

Ёки бўлмаса, боғ яратиш учун 30 йилга ерни ижарага олган дехқон боғи бир кун келиб бирор «ҳоқим буванинг» истаги ўлароқ, бошқа кимгадир ўтиб кетишини билиб турса, қўли ишга борадими? Таъбир жоиз бўлса, бунда дехқон ва ернинг ўртасида ришта ҳосил бўладими?

Нега мулк ҳуқуқи ўзгармоқда?

Хўш, нима учун янги тартиб жорий этилмоқда? Қонунчиликка ўзгартириш киритишга қандай асослар сабаб бўлмоқда?

— Аввало, 1992 ва 1998 йилларда қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларда дехқон хўжалиги тушунчаси ўз ичига томорқа ер участкасида дехқончилик қилишни ҳам қамраб олган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутов. — Қонунчиликка кўра, дехқон хўжалиги учун ажратилган ерга уй-жой қуриш мумкин эмас, томорқа ерига эса — мумкин.

Шундай бўлса-да, амалиётда аҳоли ўртасида бу икки хил турдаги ердан фойдаланиш усулини бир деб тушуниб, дехқон хўжалиги ерларида ҳам уй-жой қуриш авж олиб кетган. Бу, ўз навбатида, экин ерлари майдонлари камийиб кетишига сабаб бўлган. Ерларни асраш, унумдорлигини ошириш ва агротехника талабларига риоя қилиш, каби мажбуриятларни бажариш иккинчи даражага тушиб қолди.

Шунингдек, дехқон хўжалиги ер фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун берилди, худди шу фаолият учун фермер хўжалиқларига эса ер фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади. Бу борада дехқон ва фермер хўжалиқларининг ҳуқуқий мақомини яқинлаштириш ҳам кўзда тутилмоқда.

— Ерга бўлган «мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи» эски совет даврида, яъни ерга эгалик ҳуқуқи

Боғ яратиш учун 30 йилга ерни ижарага олган дехқон боғи бир кун келиб бирор «ҳоқим буванинг» истаги ўлароқ, бошқа кимгадир ўтиб кетишини билиб турса, қўли ишга борадими? Таъбир жоиз бўлса, бунда дехқон ва ернинг ўртасида ришта ҳосил бўладими?

бўлмаган вақтда вужудга келган бўлиб, дастлаб бу ҳуқуқ шахсий тураржойлар тагидаги ерларга нисбатан жорий этилган, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Нодир Тилляев. — Бунга сабаб тураржойлар шахсий мулк сифатида мерос қилиб қолдирилиши мумкин бўлгани учун унинг тагидаги ер ҳам шундай ҳуқуқ билан ўта бошлаган. Бу ҳолатда дехқон хўжалиги ерларида уй-жой бўлмагани учун «мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи»ни қўллаш ноўрин. Бундай ерлар бутун дунёдаги каби «ижара» ёки «мулк» ҳуқуқи асосида берилиши лозим бўлади.

Мамлакатимизда ерга нисбатан мулк ҳуқуқини жорий этиш янги институт сифатида аҳоли пункти ерларига нисбатан яқиндан бошлаб татбиқ этилмоқда. Ўз навбатида, яқин келажакда қишлоқ хўжалиги ерларига нисбатан мулк ҳуқуқини жорий этиш белгиланмаган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд маъмурий-бошқарув, иқтисодий тизимлар ва инфратузилмалар ерга «ижара» ҳуқуқи асосида қурилган бўлиб, бирданига «мулк» ҳуқуқини жорий этиш қатор амалий ва ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқаради.

Дехқон еридан маҳрум қилинадими?

Яна бир жиҳатта эътибор қаратиш керак: агар ижарага бериш тартиби жорий этилса, ҳозирги вақтга қадар ерга умрбод эгалик қилиб келадиган дехқон хўжалиқларидан бу ҳуқуқ олиб қўйиладими?

— Қонун лойиҳасининг 3-мод-



дасида: «Қонун кучга кирган кундан бошлаб дехқон хўжалиги учун ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан «ажратиш тартиби» бекор қилинади. Бунда ушбу қонун кучга киргунга қадар мавжуд дехқон хўжалиқларига нисбатан амалдаги мулк ҳуқуқлар сақланиб қолинади» дейилган, — дейди Н.Тилляев. — Яъни қонунда «... ҳуқуқдан маҳрум қилиниши» ёки «... ҳуқуқнинг бекор қилиниши» белгиланмаган. Фақат янги ташкил этиладиган дехқон хўжалиқларига ерларни бошқача шартда, яъни ижара асосида бериш тартиби жорий этилиши таклиф қилинмоқда.

Ўрганишларга кўра, дехқон хўжалиқлари фаолияти етарли даражада тартибга солинмаган, уларнинг сони ва ажратилган ерларнинг ҳисобини юритиш ҳамон йўлга қўйилмаган ҳамда дехқон хўжалиқлари тўғрисидаги маълумотлар турлича юритилмоқда. Яна бир жиҳат ҳам борки, у ҳам бўлса, аҳоли сонининг ошиб бораётгани ҳисобига бир кишига тўғри келадиган ер улуши тобора камайиб бораётганлигидир. Қонун лойиҳасида шу каби муаммоли масалаларга жиддий ёндашилган.


Мазкур қонун билан ер участкаларини ноқонуний ёки турли баҳоналар билан олиб қўйилишининг олди олиниб, ерга бўлган ҳуқуқ кафолатлари янада кучайтирилади. Шунингдек, фермерларнинг асосий экиндан бўшаган ер майдонларида бир ёки бир нечта мавсумда ижара асосида дехқон хўжалиги билан шугулланишга рухсат берилиши вақтинча бўш турган ерлардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

Тошкентда «Samsung» маиший совутгичлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушди.

Шубҳасиз, сўнги ҳафтадаги муҳим воқеликдан бири, бу — Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан энгил автомобилларнинг орқа ойналарига парда тақиб юришга оид иш кўриб чиқилиб, тегишли қарор билан бу ҳолат қоидабузарлик эмаслиги тасдиқлагани бўлди. Очиги, мазкур масала кўндан бери баҳсларга сабаб бўлиб келаётган, турли даражадаги судларнинг парда масаласида ижобий қарорига қарамай, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳайдовчиларни парда учун жаримага тортишдан тўхтамаётганди...

ҲАЙДОВЧИ ОРҚА ЁН ОЙНАГА ПАРДА ЎРНАТСА БЎЛАДИМИ?



Ҳўш, қонунларимизда айни ҳолат қандай баҳоланади? Унинг аниқ ҳуқуқий тизими мавжудми? Ойнага парда тутиш ҳайдовчига қанчалик ноқулайлик туғдиради?

Иссиқдан тўлов эвазига ҳимояланиш мумкин...

Юртимиз иқлим шароити бир-мунча иссиқ ва йилнинг ярмидан кўп қисми қуёшли кунларга тўғри келади. Бу вазиятда эса транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари учун қуёшдан сақланиш муаммога айланади. Масаланинг қонуний ечими сифатида БҲМнинг 10 бараваридан 50 бараваригача миқдордаги тўлов эвазига ички ишлар органлари рухсатномаси асосида ойналарининг туси ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишга рухсат берилган.

Мазкур тартибга риоя этилмаган ҳолатларда эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддасига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг йиғирма беш бараваридан қўқ баравари миқдоригача жарима тўлаш белгиланган.

— Аслида ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) оддий безак эмас, — дейди **Тошкент — Қашқадарё» йўналишида ҳаракатланувчи Исломжон Азимов.**

— Бу ўринда гап автотранспорт воситаси ичидаги инсон саломатлиги ҳақида кетмоқда. Саломатликни табиий йўл билан сақлаганлик учун жарима ундирилиши ёки уни сотиб олишни тақлиф қилиш қанчалик мантқиққа тўғри келади? Қолаверса, кўпчиликнинг бунга қўрби ҳам етмайди. Натихада ёз кунлари аксарият йўловчилар орқа ойнага сочик ёки парда тутишга мажбур бўлади. Аммо йўл-патруль ходимлари бу ҳолатни қоидабузарлик сифатида баҳолаб, ҳайдовчини жаримага тортади. Ахир, орқа ён ойнага парда тутиш ҳайдовчига ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмаса, уни тақиқлашдан нима наф?

Парда ҳайдовчига ноқулайлик туғдирадими?

Маълумки, бугунгача йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари орқа эшикка парда ўрнатилганларни юқоридаги кодекснинг 126-моддасида қайд этилган «ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш» деган қисми билан жазолаб келаётганди.

Ҳўш, «ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атроф» тушунчаси нима дегани ўзи? Афсуски, қонунчилигимизда бу атамага таъриф берилмаган. Лекин «Ўзстандарт» агентлиги томонидан имзоланган ва биз учун расман амал

Умумий техник регламентнинг 74-бандида энгил автотранспорт воситаларининг орқа ойнасига чий парда ва дарпарда ўрнатишга рухсат этилгани ёзилган. Кўпчилик мана шу жойда чалғийди. Яъни шу бандда орқа ойна айтилган, аммо орқа ён ойнага (орқа эшик) рухсат берилади дейилмаганку, деб иккиланади. Ҳа, тўғри, ҳеч қаерда орқа эшикка парда ўрнатишга рухсат берилсин, деган жойи йўқ, аммо тақиқлансин деган жойи ҳам йўқ-да!

Йиқилган курашга тўймайди... (ми?)

Анча вақтдан бери давом этиб келаётган можаро — автомобилларнинг орқа ён ойналарига парда ўрнатиш маъмурий ҳуқуқбузарликми ёки йўқми, деган саволга кўни кеча Олий суд узил-кесил нўқта қўйди: қонунбузарлик эмас!

ИИБ Олий судга Бухоро шаҳар маъмурий судининг 2019 йил 6 сентябрдаги қарори ва Бухоро вилояти маъмурий судининг 2019 йил 2 октябрдаги қарори устидан назорат тартибида шикоят киритган эди. Унга кўра, бухоролик Ботир Баҳранов 2019 йил 18 апрель кўни Бухоро кўчалари бўйлаб «Nexia» автомобилида ҳаракатланиш вақтида ЙҲХБ ходими томонидан тўхтатилган. Текширув вақтида автомашинанинг орқа ён эшик ойналарига парда ўрнатгани учун унга нисбатан баённома расмийлаштирган.

Шундан сўнг Б.Баҳранов унга нисбатан тузилган маъмурий баённома устидан шикоят қилиб, судга ариза беради. Туман судида ютқач, ИИБ ходимлари бу қарор устидан вилоят судига шикоят қилишди. Вилоят судида ҳам ютқач, Олий судга шикоят қилишди. Охир-оқибат парда масаласи энг юқори суд инстанциясига етиб борди. Олий судда эса фуқаролар ҳақлиги, ички ишлар органлари ходимлари эса ноҳақлиги расман белгиланди.

— Мамлакатимиз ҳудудида амалда бўлган давлатлараро стан-

дартда (ГОСТ 33988–2016) автотранспорт воситаларининг орқа ён эшик ойналарига парда ўрнатиш тақиқланиши ҳақидаги қоидалар мавжуд эмас, — дейди **Бухоро синови ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ходими Ф.Ирисов.** — Шунингдек, амалдаги техник регламентга кўра, парда ўрнатилган ойнада ёруғлик ўтказувчанлиги даражасини текшириш имкони мавжуд эмас. Чўнки мазкур текшириш фақатгина туси ўзгартирилган ойналарда ёруғлик ўтказувчанлигини текширишни назарда тутати. Демак, парда ўрнатилиши ойналарнинг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ҳисобланмайди.

Олий суд ахборот хизматининг қайд этишича, суд юқоридаги қонун талаблари ва ишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб, машинанинг орқа ён ойнасига парда ўрнатган ҳайдовчининг ушбу ҳаракатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас, деб топди. Демак, ўз-ўзидан ойдинлашадик, орқа ён ойналарга парда тутиш ҳеч қандай қоидабузарлик сифатида баҳоланмайди.

Айтиш керакки, парда масаласида Фарғона ва Самарқанд вилояти судларида ҳам юқоридаги каби қарорлар чиқарилган. Яъни судлар ҳайдовчининг шикоятини қаноатлантириб, орқа эшик ойналарига парда тақиқни қонуний, деб топган ва жарима жазосини бекор қилган. Албатта, суд қарор қабул қилишда давлат органлари ёки бошқа муассасаларнинг расмий муносабатлари ёхуд қонунни қўллаш бўйича тушунтиришларига эмас, балки қонун талабига асосланиб қарор қабул қилади. Зеро, суднинг вазифаси, энг аввало, қонун устуворлигини таъминлаш. Ишонамизки, бундан буён айни масалада ҳеч кимга жарима қўлланмайди.

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

ҲА, ТЎҒРИ, ҲЕЧ ҚАЕРДА ОРҚА ЭШИККА ПАРДА ЎРНАТИШГА РУХСАТ БЕРИЛСИН, ДЕГАН ЖОЙИ ЙЎҚ, АММО ТАҚИҚЛАНСИН ДЕГАН ЖОЙИ ҲАМ ЙЎҚ-ДА!

қиладиган давлатлараро стандартга кўра, ҳайдовчи нигоҳи билан қамраб олинадиган 180 даражадан ташқаридаги майдон теварак-атроф ҳисобланади. Демак, орқа эшик ҳайдовчининг жойидан теварак-атроф ҳудудига кирмайди, чунки у 180 градус майдонда жойлашмаган.

— Ўз-ўзидан орқа эшик ҳайдовчининг жойидан теварак-атроф ҳудудига кирмаса, демак, мантқиқан олиб қараганда, орқа эшикка парда ўрнатилганлик учун жарима ҳам қўллаб бўлмайди, — дейди **ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиев.** — Миллий қонунчиликда орқа эшикка парда ўрнатиш мумкин эмас, деган конкрет тақиқловчи қоида мавжуд эмас.

Пандемия ижтимоий соҳада бажарилиши керак бўлган вазифалар талайгина эканини кўрсатиб қўйди. Шу билан бирга, ҳар қандай вазиятга тайёр туриш кераклиги, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш учун мустаҳкам ва бир маромда ишлайдиган тизим яратиш зарурлигини исботлади. Тўғри, бугун ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ҳар доимгидан-да, кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Аммо давлат ғазнаси ва ҳомийлар томонидан бериладиган бир марталик ёрдам уларнинг муаммосини буткул ҳал қилмайди.



ИЖТИМОЙ ТАДБИРКОРЛИК ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРАДИМИ?

Ҳўш, унда қандай йўл тутиш керак? Бу борада мамлакатимизда қандай чора-тадбир кўриляпти? Қачонгача бир марталик кўмак бериш билан масаланинг ечимини ахтарамиз? Аслида муаммонинг оқибатлари билан эмас, сабаблари билан курашиш керак эмасми?!

Ижтимоий тадбиркорлик талаблари қандай бўлади?

— Албатта, бир марталик ёрдам пули бу муаммони тўла бартараф эта олмайди, — дейди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Отабек Ҳожиниёзов. — Шу боис «Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилишга қаратилган ишлар олиб борилляпти. Унинг мақсади — аҳолининг ижтимоий заиф қатлами турмуш даражасини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат. Ижтимоий корхонанинг ишига, асосан, ижтимоий жиҳатдан барқарор бўлмаган ёки ногиронлиги бўлган шахслар жалб этилади. Ушбу корхона юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ташкил этилиши кўзда тутилган.

— Таъкидлаш керак, ижтимоий тадбиркорлик, албатта, катта фойдага йўналтирилган бизнес эмас, — дейди Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори ўринбосари Ботир Аҳмедов. — У давлатнинг ижтимоий соҳадаги маълум бир функцияларини давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлик субъектларига ҳам йўналтириш дегани. Ижтимоий тадбиркорликка йўналтириладиган маблағлар 5-7 йилгача бўлган муддатда ўзини ўзи ривожлантириши лозим. Шу ўринда ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона қандай бўлади, деган савол туғилади. Бунда асосий масала — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини иш билан таъминлашдан иборат. Ижтимоий корхона сифатида реестрга киритилиши учун корхона штат жадвалининг камида 70 фоизи ана шундай тоифа вакиллари бўлиши зарур.



Фавқулдда ҳолатларда қандай наф келтиради?

Қонун лойиҳасида табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулдда хусусиятга эга бўлган бошқа ҳолатларини бартараф этиш ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида йўналишларидан бири этиб белгиланмоқда.

— Ҳужжатга ушбу йўналиш киритилишига коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазият сабаб бўлди, — дейди О.Ҳожиниёзов. — Коронавирус билан боғлиқ ҳодисалар кўрсатдики, эпидемия ва бошқа фавқулдда ҳолатларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товар ва маҳсулотлар, айниқса, тиббий воситалар ва дори-дармонларга талаб кутилмаганда ошиб кетиши ва етишмовчилик кузатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда етишмовчиликни қоплашнинг энг қулай йўлларида бири, бу — бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонани тезкорлик билан ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришдир. Бу услуб жаҳонда жуда кенг қўлланилмоқда.

Хусусан, жаҳонга машҳур «ARMANI» модалар уйига қарашли барча тикув корхоналари тиббиёт ходимларини коронавирус инфекциясидан ҳимоя қилувчи бир марталик ҳалатлар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Шунингдек, «GUCCI», «YSL», «BALENCIAGA» каби машҳур брендлар ҳам ўз фаолиятини тиббий ниқоблар ва ҳимоя кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришга тайёр эканини эълон қилди.

ДАРВОҚЕ...

Ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир яратилаётган иш ўрни учун БҲМнинг 25 бараварига-ча, бироқ жами ҳар бир тадбиркорлик субъекти учун БҲМнинг 500 бараваридан ошмаган миқдорда 3 йил муддатга, бир йиллик имтиёзли давр билан, Марказий банкнинг асосий ставкасида, яратилган иш ўрнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг камида бир йил ишлаши шартли билан микрокредитлар ажратиш тартиби жорий этилади.

Нега шу вақтгача эътибор қаратилмаган?

Кейинги пайтларда, айниқса, пандемия билан боғлиқ ҳолат сабаб ҳомийлар, турли сабаблар билан пул йиғиб, уни эҳтиёжмандларга тарқатишга бош қўшаётган инсонлар кўпайди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Аммо яхшилик қиламан, деб айрим кимсаларнинг маломатга қолаётган ёки аксинча тўпланган маблағни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юбориш ҳолатлари ҳам кузатилиб турибди. Айнан шу жиҳатларга барҳам бериш учун ҳам ижтимоий тадбиркорликни тартибга солиш керак эмасми? Бизда нега шу пайтгача бунга эътибор берилмаган?

— Ижтимоий тадбиркорлик — биз учун янги йўналиш, — дейди О.Ҳожиниёзов. — Негаки, саховатпеша-

ликни тадбиркорлик билан боғламаганмиз. Аммо замонавий дунёда ушбу жаҳон ҳам қонуний тартибга солиш эҳтиёжи туғилмоқда. Дунё ҳамжамиятида «ижтимоий тадбиркорлик» феномени ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари ҳамон ўзининг бошланғич босқичида турганини ҳам қайд этиш лозим. Ўз ўрнида ижтимоий тадбиркорлик ҳуқуқий майдонининг йўқлиги имтиёзлар ва преференциялар бериш қоидалари ишлаб чиқилмагани, бинсоларни сотиб олиш ва ижарага олишда қийинчиликлар, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ муаммолар ва ҳоказолар каби салбий оқибатларга олиб келади. Бундай қийинчиликлар, айниқса, ижтимоий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратаётган МДҲ мамлакатларида сезилмоқда.

Шу ўринда қандай йўл тутиш керак, деган ҳақли савол туғилади. Энг аввало, қонуний асос яратиш зарур. Янги қонун лойиҳаси айнан шу асосни яратиш учун ишлаб чиқилди. Унга кўра, давлатимиз томонидан ижтимоий лойиҳалар учун инвестициялар жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизми ҳам ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, давлат томонидан ижтимоий тадбиркорлар ва корхоналарга имтиёзлар ва преференциялар тақдим этилади. Яъни давлат мулки объектларини ёки уларга бўлган мулкий ҳуқуқларни имтиёзли ёки «ноль» қиймат бўйича берилади. Солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар тақдим этилади.

Хулоса ўрнида

Бугун ижтимоий тадбиркорлик институтини яратиш ва уни ривожлантириш учун давлат томонидан тўлақонли қўллаб-қувватлаш тизимини амалиётга жорий этишнинг аниқ фурсати. Агар биз уларга субсидиялар ва грантлар ажратмасак, имтиёзлар ва преференциялар тақдим этмасак, бир марталик ёрдам ва бошқа чора-тадбирларга ундан-да кўпроқ маблағ сарф этишга мажбур бўламиз.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Олий таълим муассасаларининг юқори курслари учун дарслар онлайн тарзда бошланди.

Нега ҳар йили

ҚОНУН

ҳужжатларига ўзгартириш киритилади?

Ўтган икки-уч йил мамлакатимиз тарихида туб бурилиш ясаган ислохотлар, янгиликлар ва ўзгаришлар даври сифатида қолади, десак муболаға бўлмайди. Албатта, бу ўзгаришлар қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар: қонунлар, Президент фармон ва қарорларига таянган ҳолда амалга ошириляпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 20 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатдан иборат бўлиб, ҳар йили ўртача минг-икки мингта яқин ҳужжат қабул қилинади.

Аммо айрим ҳужжатларнинг ижтимоий ҳаётга таъсир доираси кам бўляпти, айримларини эса бир-икки йилда янги тахрирда чоп этишга тўғри келмоқда. Бойси бу жараён, яъни қонун ҳужжатларини қабул қилиш ёки ўзгартириш оддий бир жараён эмас. Бунда бир қатор жиҳатларга — қонун ҳужжатларининг амалда самарали қўлланилиши, ортиқча маъмурий-тартиб таомилларни қисқартириши ва халқ манфаатларига мос бўлишига катта аҳамият бериш талаб этилади.

Қонун ҳужжатлари реал ишлаши учун эса улар аввал бошданок ҳар томонлама пухта ўйлаб, турли таҳлиллар ва баҳолашлар, муҳокамалар ва асосланган ҳужжатлардан сўнг қабул қилиниши лозим. Ҳўш, ҳужжатларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири, аҳамиятлилиги даражаси, яшовчанлигини ошириш учун нималар қилиш керак? Нега ҳар йили қайсидир ҳужжатга ўзгартириш киритишга тўғри келмоқда?

Муаммо нимада, уни қандай бартараф этиш мумкин?

— Қонун ҳужжатларини пухта тайёрлаш, уни баҳолаш тизими мавжуд эмаслиги соҳада бир қатор муаммо ва камчиликларни келтириб чиқаради, — дейди Адлия вазирлиги ҳуқуқдаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими Дилдора Анварова. — Масалан, қонунларда ҳавола ва нормаларнинг қўллиги, яъни қонун ижтимоий ҳаётга тўғридан-тўғри таъсир этмаслиги, унинг асосий иловалари қонуности ҳужжатлари-



да кўрсатилиши айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Аввало, бу қонундан кўра, қонуности ҳужжатининг аҳамиятлилиги даражасини ошириб юборади. Шунингдек, қонун бандларини билсангиз-да, ундан амалий ҳаётда фойдалана олмайсиз.

Масалан, 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунда ундан зиёд ҳаволаки нормалар мавжуд. Уни ўрганиш ва тушуниш оддий аҳоли учун оғирлик қилади. Яна бир ҳолат: қонунлар оммавий ахборот воситаларида кўп бор эълон қилинади, аммо кўп ҳолларда қонуности ҳужжати берилмайди.

Қонун ҳужжатларининг амал қилиш муддатлари қисқаргани, яъни айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганига бир-икки йилдан кўп бўлмаган муддатда янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, 2018 йил 9 апрелда қабул қилинган «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига бир йил ўтиб, қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси 2019 йилнинг 17 июлида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаи порталига жойлаштирилган.

«Ex ante», «ex post» усуллари қанчалик самарали?

Шунингдек, айрим қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз ёки вазифанинг ижроси бўйича тўлиқ тизим яратилмай қолиши қонуннинг шу бандининг ҳаётга татбиқ этилмай қолишига сабаб бўлади. Маълумки, халқро тажрибада «Ex post» орқали баҳолаш тизимли хатоларни аниқлашга ёрдам беради ва шу орқали таҳлил методологияси такомиллаштирилади. «Ex post» усули қонун ҳужжатлари таъсири тизимли баҳолашда қўлланилади. Ҳўш, бу усул бизда қанчалик

самарали?

— Бунинг учун, аввало, ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичидаёқ уларнинг таъсирини баҳолаш ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг самарали механизмларини жорий этиш талаб этилади, — дейди Адлия вазирлиги мутахассиси Дилмурод Ражабов.

— Яъни «ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжати қанчалик муҳим, ундан қандай натижалар кутилмоқда ва ҳужжат мазкур кутилаётган самарали натижаларга эришиш имконини берадими» деган муҳим саволларга ҳали у қабул қилинмасдан туриб, аниқ жавоблар бўлиши шарт. Бунинг учун уни халқро тажрибада қўлланиладиган «ex ante» методида баҳолаш зарур. Ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг 2-3 йилда амалиётда унинг ишлаши, кутилган натижага олиб келиши, бўшлиқлари каби муҳим мезон ва кўрсаткичлар бўйича «ex post» усулида таҳлил қилиниб, баҳолини ҳамда баҳолаш натижалари кенг жамоатчиликка эълон қилиниши керак.

Баҳолашда шаффофликни таъминлаш мақсадида тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича «махсус платформа» ташкил қилиш, унинг мобиль версиясини ишга тушириш талаб этилади. Уни кенг жамоатчилик билан таништириш учун қонун ижодкорлигига бағишланган телелойиҳа, радиоэшиттириш ва туркум мақоалалар чоп этиш зарур. Ушбу чора-тадбирлар, энг аввало, қабул қилинаётган ҳужжатнинг халқчил бўлишига, кенг омманинг фикр-мулоҳазалари билан бойитилишига олиб келади.

Шунингдек, бу жараёнда лойиҳани амалга ошириш давомида юзага келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий натижалар баҳоланади. Асосийси, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар, бюрократик тўсиқлар, самарасиз тартибга солиш жараёнларининг олди олинади.

ДАРВОҚЕ...

Қонунларни баҳолашда халқро тажриба қандай?

Францияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини баҳолаш «ex ante», «ex post» методлари асосида амалга оширилади. Бунда ҳукумат таркибида фаолият юритувчи қонун ҳужжатлари таъсирини баҳоловчи департамент томонидан қонун ҳужжатлари лойиҳалари таҳлил қилинади, сўровлар ўтказилиб, прогнозлаш орқали уларнинг амалиётга киритилиши маъқулланади.

Қонунлар коррупцияга йўл очмаслиги керак

Яқинда тузилган Ёшлар парламенти билан давра суҳбатда Сенат раиси Танзила Норбаева қонун ижодкорлиги ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди: «Тан олиш керак, ҳозир ишлаётган айрим қонунлар коррупцияга йўл очади ёки соф рақобатга йўл бермайди. Бу қонун ёки нормалар ўз вақтида айрим шахсларнинг манфаатларига мослаб ишлаб чиқилгани ҳам ҳақиқат». Сенат раисининг сўзларидан ҳам бу борада қилиниши керак бўлган ишлар бисёр эканини англаш мумкин. Қувонарлиси шундаки, бу борада кейинги йилларда депутатлар анча ҳушёр ва фаол иш олиб бормоқда.

Жорий йил давлат дастурига биноан, мутасадди ташкилотлар тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, аввалги қонунларни ҳам кўриб чиқиш, қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни тегишли «Йўл харитаси» асосида амалга ошириш белгиланган. Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ушбу жиҳатларга эътиборли бўлиш зарур. Бунга эса қонун ҳужжатларини тартибга солиш, таъсирини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин. Чунки қонунлар халқро хизмат қиладиган ҳақиқий демократик мамлакатда тараққиёт бўлади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Мобиль телефон рақамини ўзгаришсиз бошқа компанияга ўтказиш мумкин.

Кўп қаватли, ички ва ташқи дизайни ҳайрат уйғотувчи маданий-маиший иншоотларни, барча қулайликлари билан бунёд этилган тураржой объектларини кўрганда, йўқдан бор қиладиган қурувчилар меҳнатига тасанно айтасиз. Мамлакатимизда қурилиш ҳажмининг сифат ва салмоқ жиҳатидан ошиб бораётганини кейинги йилларда барпо этилаётган бинолар мисолида кузатиш қийин эмас. Ярим йиллик яқунларига кўра, қурилиш-таъмирлаш ишларига 8,1 триллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланиши ва янгидан-янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

ҚУРИЛИШДА ШАФФОФЛИК ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Қурилишда сифат назоратининг аниқ тизими яратилганми?

Қурилиш объекти фойдаланишга топширилса, у ҳар томонлама кўздан кечирилади, мустаҳкам қурилганми, иситиш тизими, газ, электр таъминоти жойидами ва ҳоказо саволлар берилади. Агар бу соҳада давлат назорати бўлмаса, унинг аниқ тизимлари ишга туширилмаган бўлса, бу барча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетди, деганидир.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида охириги тўрт йил мобайнида қурилиш соҳасини тартибга солувчи 33 та қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. «Шаффоф қурилиш» тизимининг ишга туширилгани, қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими жорий этилгани, уларнинг ихтисослашуви, қурилиш-монтаж ишлари турлари, мутахассис кадрлар ва ишчи-ҳодимлар сони, асосий ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида маълумотлар ягона электрон базаси яратилган назоратни кучайтириш омилига айланмоқда.

Янги қарор: унинг мазмун-моҳиятида нима ётади?

Вазирлар Маҳкамасининг «Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан Қурилиш вазирлиги зиммасига бир талай вазифалар юклатилди. Хўш, қарор тағ-замирида нима ётади? Унинг қабул қилиниши аҳамияти нимада?

— Юртимизда қурилиш салмоғи кескин ошмоқда, — дейди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида назорат инспек-

цияси масъул ходими Муҳаммаджон Мўминжонов. — Эскирган, кўримсиз ҳолатга келиб қолган бинолар ўрнида янгисини мустаҳкам, пишиқ-пухта тиклаш учун ҳар томонлама назорат кучайтирилсагина, узоқ йиллар хизмат қиладиган иншоотлар фойдаланишга топширилади. Жорий йилда қишлоқ жойларда жами 12 004 та, шаҳарларда кўп квартирали 18 010 та уй-жой, инвестиция дастури доирасида эса 2379 та объект ва бошқа кўплаб маданий-маиший биноларни қуриб, ниҳоясига етказиш белгиланган.

Катта режа шунга яраша саъй-ҳаракатни, назорат бошқарувининг ҳолиси ва изчил, шаффоф тизимини талаб қилади. Мазкур қарор Президентимизнинг жорий йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Унинг аҳамияти шундаки, қурилиш-таъмирлашда сон эмас, сифат бирламчи бўлиши керак.


Сир эмас, қурилиш соҳасида турли кўзбўямачиликлар — маблағ ўзлаштириш, материалларни талон-торож қилиш, объект қурилишининг асоссиз равишда кечиктирилиши ёки сифатсиз топширилишига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Қарор шу жиҳатлар-

дан давлат қурилиш назоратини амалга оширишнинг такомиллашган янги тартибини белгилайди. Мазкур маъмурий регламентда давлат қурилиш назорати, қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар, қурилиш тугалланмаган объект, инспекторлик текширувларига қўйилган талаблар ўз ифодасини топган.

Объект хавф-хатар тоифасига ажратилади

Қарорга мувофиқ, давлат қурилиш назорати яқунлари бўйича зарур ҳолларда далолатнома, ёзма кўрсатма, тақдимнома ва бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилади. Айти пайтда бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширувдан ўтказилиши бўйича хорижий давлатлар тажрибасига ҳам назар солинди.

— Россия Федерацияси, Белорусь Республикаси тажрибаси ўрганилди. — сўзида давом этади М.Мўминжонов. — Назорат қурилиш объектларининг хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш юзасидан тегишли органларга тақдимнома юборилади. Бино ва иншоотларнинг зилзилага бар-



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2018 йилда қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва пудратчи ташкилотлар сони 24 118та бўлиб, 2019 йилда бу рақам 29 112 тага, жорий йилда эса 38 718 тага етди.

дошлилигига таъсир қилувчи, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланса, бундай тақдимномани тегишли орган ва ташкилотларга юбориш турли кинғирликларга жазо белгиланиши учун асос бўлади.

Давлат қурилиш назоратида объект хавф-хатар тоифалари бўйича тўрт гуруҳга ажратилади: хавфлилик омили паст, ўрта, юқори ва ўта юқори бўлган объектлар. Тоифа ўша иншоотнинг енгил ёки мураккаб конструкцияда бунёд этилишига боғлиқдир ва бунга қараб қурилиш объектининг даврийлик муддатларини ҳам белгилаш мумкин.

Фойдаланишга топширилган объектни ҳар томонлама кўздан кечириб, ўз эътирозларини билдиришга бюортмачининг тўла маънода ҳаққи бор. Миллиардлаб маблағ сарфланган янги бино бекаму кўст, бюортмачи хоши-истакларига мос бўлиши керак. «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида қурилган, шошма-шошарлик билан экспертизадан ўтказилган ва қисқа муддатда фойдаланишга топширилган иморат кўпга бормайди. Шу жиҳатдан олганда, қурилиш объектларига янги маъмурий регламентнинг белгиланиши бу каби салбий ҳолатларга чек қўяди, дея умид қиламиз.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

1 сентябрдан хорижга олиб чиқиб кетиш мумкин бўлган нақд валюта миқдори ошди.

БИРИНЧИ ҲОЛАТ: суҳбатдошингиз юз-кўзида касби ёки ҳунари билан жамиятга хизмат қилиш, эл манфаатини ўйлаш, оиласи фаровонлигини таъминлаш ҳисси мужассам. Қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, ўз ҳаётинан рози бўлиб яшаётган замондошимиз шахсий манфаатларини жамият ўлчовлари билан уйғунлаштира олган. У яққа ҳолатда ҳеч ким эмаслигини, бахту саодат калити, аввало, ўз қўлида эканини чуқур англайди...



БОҚИМАНДАЛИК қачонгача кўзимизни кўр қилади?

Давлатнинг этагига осилиб яшаш бизга ёт эмасми? Қачон ўзимиз ҳаракатни бошлаймиз?

Сўровнома натижалари нимани кўрсатади?

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ходимлари томонидан ҳар йили юртдошларимиз ўртасида турли мазмундаги сўровномалар ўтказилиб, респондентларнинг муайян воқеликка нисбатан муносабатлари ўрганилади.

— «Ўз ҳаётингиздан мамнунмисиз?» саволи остида 2019 йилда ўтказилган сўровнома натижаларида 75,3 фоиз фуқаро бахтли, фаровон яшаётганини қайд этган, — дейди ушбу марказ масъул ходими **Марат Хожимухаммедов**. — Ўз умридан қисман мамнунлар ҳам бор. Ҳаётнинг фақат негатив, яъни салбий жиҳатларини кўриб яшаётган респондентлар бор-йўғи 2,1 фоизни ташкил қилди. Айнан шу типдаги одамлар меҳнат қилгиси келмайди, хорижий давлатларни орзу қилади, боқимандаликдан уялмайди. Фаол, соғлом ҳаётий позицияси бўлган, жамият ривожига ўзининг кичкина улушини қўшаётган кишилар кўпроқ экани қувонарли ҳодисадир, албатта.

Гурур туйғуси «ўлганми»?

Республикамизда 9145 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Географик жойлашуви, аҳоли сони, инфратузилмаси билан бир-биридан фарқланувчи маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришнинг оқилона тизими шаклланганки, кўпни кўрган, ҳаётий тажрибаси катта оқсоқоллар кундалик иш жараёнида феъл-атвори, дунёқараши турлича бўлган кишиларга дуч келишади.

— Маҳалла раиси бўлиб ишлаганим юки жуда оғир, — дейди Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Янгикўрғон» йиғини раиси **Улуғбек Мустафоев**. — Чунки ҳар бир одамнинг дардини тинглаш керак. Худудимиздаги Бойбўта, Маҳалла, Янгиобод ва

Янгикўрғон қишлоқларида 4060 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўзига тўқ, тадбиркорлик орқасидан мўмай даромад топаётган ишбилармонларни кўрсам, одам меҳнатининг орқасидан нималарга эришмайди-я, деган фикр кўнглимдан ўтади. Лекин камбағаллигидан, қўли калталигидан нолийдиган қишлоқдошларимиз ҳам бор. Улар осмондан чалпак ёғилишини кутади, бошқача айтганда, олма пишиб, оғзига тушиши керак.

Уй шароитини кўрсангиз, 8-10 сотих томорқаси бор, тер тўкиб ишлашга ҳафсала йўқ, қақраб ётади. Ёнида ариқ, экинзорини гулла-тиб-яшнатиб, рўзгорини бадастир қилиш мумкин. Лекин ялқовлик, дангасалик, «Берсанг ейман, урсанг ўламан!» қабилда ўйлаш бу тоифадагиларда гурур туйғусини ҳам ўлдириб қўйган, назаримда

Мавзуга оид маълумот:

Копенгаген(Дания)да фуқароларнинг жамиятдан, ўз тақдирини бахтиёрлик даражасини ўрганувчи олим **Майк Викинг** ташаббуси билан «Бахт музейи» очилди. Музейга келиб-кетувчилар бахт ҳақидаги ўз тасаввур ва хотираларини деворга ёзиб қолдирадилар.

Тўрт мучаси соғ, савлатидан от хурқадиган, ери бор эркаклар қабулимга келиб: «Бизга ёрдам пули бермайсанми? Ҳеч жойда ишламасан», деганида, тўғриси, ўзбеклигимдан афсусланиб кетаман.

«Назорат локуси» нима?

Инсоннинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати, феъл-атворига қараб, унинг маънавий дунёсига баҳо бера оласиз. Психологик тадқиқотларда шахс руҳий кечинмасини аниқлашга йўналтирилган илмий-

назарий ёндашувлар бор.

— Психологияда «назорат локуси» деган тушунчага дуч келамиз, — дейди психология фанлари доктори **Умарали Қодиров**. — Назорат локуси (лат. locus – манзил, франц. contryle - текшириш) инсоннинг ўз муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги сабабини ташқи таъсир ёхуд ўз имкониятларига боғлиқ ҳолда идрок этиши билан боғлиқдир. Шунга кўра ташқи ва ички назорат локуси фарқланади. Бу атамани 1954 йили америкалик психолог **Жулиан Роттер** фанга киритган. Кейинчалик назорат локусини аниқлашга йўналтирилган «Роттер сўровномаси» ишлаб чиқилди. Мактабда паст баҳога ўқийдиган ўсимир бунинг сабабини ташқи, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган таъсир билан боғлаш йўлини тутади. Меҳмон келиб қолса, дарс тайёрлай олмайди,

баҳона тайёр. Ички локусда эса ўқувчи «икки» баҳо олиб қолса, сабабини ўз хатти-ҳаракатлари билан изоҳлайди, яъни у ўша фанга қизиқмайди, дарсга яхши тайёргарлик кўргиси келмайди. Бундай назорат локуси шакланган киши ҳар қандай натижа учун ўзини масъул, деб ҳисоблайди.

Бу ҳолат катталарда қандай кузатилади? Позитив фикрли замондошларимиз бор, ҳар бир ўтган кунига шукр қилади, топганига қаноат қилиб, чумолидай меҳнат қилади. Иккинчи гуруҳга мансублар эса доимо

ҳаётинан, етар-етмас турмушдан нолийди, гўёки унга жамият ва давлат фаровонлиги яратиб бериши керак. Кузатишларга кўра, даромади катта иш ўрнига эга эмаслиги, моддий жиҳатдан етишмовчилик, маҳаллий ҳокимият вакилларининг улар ҳолидан хабар олмаслиги тўрт мучаси соғ, экин-тикин, мол-ҳол қилиши ярайдиган айрим кимсаларда ташаббускорлик, интилувчанлик, ўз устида ишлаш кўникмасини сўндиради.

ИККИНЧИ ҲОЛАТ: ўз туриш-турмушдан нолийдиган одамнинг фикрича, ҳамма ўғри, порохўр ва фирибгар. Тўқ, фаровон яшаётган одамлар гўёки пулни фақат ноқонуний йўллар билан ишлаб топади. Ҳаётнинг фақат қора нуқталарини кўриб яшаётган бундай шахслар учун хорижий давлатлар гўёки жаннат. Ўз юртида ризқ-насиба топишга қийналадиган бу тоифадаги кишилар жамиятда кечаётган ислохотларга фақат салбий баҳо беради...

Бироқ уларда ташқи назорат локуси жуда ривожланган бўладики, уларнинг таржимаи холи ўрганилса, мактабда ҳам ялқов бўлган, битиргандан сўнг бир ҳунарнинг бошини тутиб, уни пухта ўлаштирмагани, бирор ташкилотда ёлчитиб ишламагани маълум бўлади. Шу боис улар танбал, мудом боқимандалик кайфиятида юради, жамиятдан норози. Стресс ва депрессияга ҳам кўпинча шу тоифадагилар тушади. Энг ёмони, меҳнати туфайли муайян натижаларга эришган, халқ эътирофига сазовор бўлган юртдошларимизга нисбатан уларда ҳасад туйғуси пайдо бўлгандир. Излаган имкон топади. Битта юрт, бир хил шароит, бир хил имконият тақдим этилса-да, ички назорат локусидаги кишилар ижобий натижани қўлга киритадилар.

Қўлида гулдай касби ёки ҳунари бўлиб, жамиятдан ўз ўрнини топа олган, оилавий ҳаётда ўзгалар ҳавас қиладиган даражада бахту саодатга эришган, энг муҳими, ўтаётган умрига минг қарра шукроналик келтирадиган ватандошларимизга ҳавас қилсан, киши. Улар республикамизнинг барча жойларида миллионлаб топилади ва ён-атрофидигилар учун ибрат намунасидир. Бундай юртдошларимиз сони кўпаяверсин.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Барча аукцион савдолари натижалари QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштирилади.

Сўнги ҳафтадаги кўпчилиكنи қизиқтираётган долзарб масалалардан бири — янги ўқув йилида умумтаълим мактабларида дарс жараёнлари қандай ташкил этилиши билан боғлиқ мавзу эди. Одамларни таълим шакли қатъий карантин давридагидек онлайн кўринишда давом этадими ёки анъанавий шаклга қайтиладими, деган савол ўйлантириб келаётган эди. Жорий йилнинг 28 август кунини давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида айна масалага тўхталиб ўтилди.



МАКТАБЛАР фаолиятига қандай талаблар асосида РУХСАТ БЕРИЛАДИ?

Йиғилишда мактабларда таълим жараёнини бир вақтнинг ўзидики хил — ҳам онлайн, ҳам анъанавий шаклда ташкил этишга қарор қилинган маълум қилинди. Бунда улардан қай бирини танлаш ота-оналарнинг ихтиёрида қолдирилади. Албатта, бу қарорга ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ. Аввало, кенг жамоатчилиكنинг фикри ўрганилди ҳамда дунё ҳам-жамиятидаги ҳолат, ушбу масалага ёндашувлари таҳлил қилинди.

Хусусан, Халқ таълими вазирлиги томонидан алоҳида сўровнома тузилиб, ҳар бир ота-онанинг фикри батафсил ўрганилди. Бу тадбирда 5 миллион 500 минг нафар ота-она иштирок этди. Уларнинг 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни анъанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган. 24 фоизи эса масофавий шаклда — теледарслар орқали давом эттиришни маъқул кўришган. Йиғилишда Халқ таълими вазирлигига ота-оналар ҳамда маҳаллий кенгашлар таклифларидан келиб чиқиб, янги ўқув йилини 14 сентябрдан бошлаш, мактабларда ҳаракатлар схемасини ишлаб чиқиб, тажрибадан ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Хўш, 14 сентябрдан ҳудудларда мактаблар фаолияти анъанавий шаклда давом этар экан, уларга қандай санитария талаблари қўйилади? Хавфсизликни сақлаш учун мутасаддилар нима ишларни амалга оширмақда? Ўқитувчи ва ўқувчилар коронавирусдан сақланиш учун қайси жиҳатларга эътибор қилиши керак?

Мактаблар эпидемик ўчоққа айланмаслиги керак!

Айтиш керакки, «Ўзбекистон Республикасида COVID-19 пандемияси даврида умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус мактаб-интернат-

ларининг фаолиятини ташкиллаштириш бўйича вақтинчалик санитария-эпидемиологик талаблар» Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва ҳисобга олинди.

Хужжатга кўра, машғулотларни соат 8:00 дан сўнг бошлаш ва 17:30 дан кечиктирмасдан тугатиш тавсия этилади, машғулотлар уч сменада ташкиллаштирилиши, пандемия даврида оммавий тадбирлар (йиғилишлар, концертлар, туғилган кунлар ва шу кабилар) ўтказиш вақтинча тўхтатилиши ҳамда барча болалар ва уларнинг қонуний вакиллари ниқобларда келишлари шарт экани қайд этилган.

Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар мактабга киришдан аввал «эрталабки филтрлаш» бўйича махсус пунктдан ўтиши ҳамда махсус диспенсердан антисептик восита ёрдамида кўлларини зарарсизлантириши белгиланган.

Дарвоқе...

2020-2021 ўқув йили учун режага асосан, 1-, 4-, 5-синфларнинг жами 558 номдаги дарслик ва ўқув-методик қўлланмалари чоп этилди. Шундан 346 номда — умумтаълим мактаблари, 160 номда — имконияти чекланган болалар, 52 номда — мультимедиа иловалари ҳисобланади.

Жорий йилдан 1-9-синфлар учун «Тарбия», 5-, 8-, 9-синфлар учун «Информатика», 4-, 5-синфлар учун «Технология», 4-синф «Ўзбек тили», 10-11-синфлар учун «Она тили» ва «Ўзбек тили» ўқитувчилари учун методик қўлланмалар яратилиши асосий янгиликлардан ҳисобланади.

Филтрлаш маълумотлари махсус журналга қайд қилиб борилади.

— Ҳозирги кунда мактаблар очилишига катта тайёргарлик кўрилмоқда ва бир қатор ҳужжатлар қабул қилиняпти, — дейди **Коронавирусга қарши куралиш штаби аъзоси Барно Абдусаматова**. — Агарда битта синфда учтадан ортиқ ўқувчида касаллик аниқланганидан бўлса, ушбу синф вақтинчалик ёпилади. Синфнинг ўқитувчи ва ўқувчилари карантинга олинади. Синфхонада эса дезинфекция ишлари олиб борилади. Мактаблардаги санитария-эпидемиологик ҳолат назорати мактаб мутасаддилари, ҳудудий шифохона тиббиёт мутахассислари ҳамда жойлардаги Санитария ва эпидемиология бўлинмалари ходимлари биргаликда ўзаро ҳамкорликда олиб борилади.

Ўрнатилган санитария-эпидемиологик талабларга кўра, ходим ёки ўқувчилар ниқоб, респираторсиз мактабга киришига руҳсат берилмайди. Шунингдек, юқумли касалликлар белгилари бўлган ўқувчилар ва мактаб ходимлари ушбу белгилар аниқланган вақтдан бошлаб тез ёрдам гуруҳи ёки ота-оналар (қонуний вакил) келгунига қадар зудлик билан изоляция қилинишлари шарт.

Талабга яраша шароит борми?

Албатта, бу талабларни бажариш учун мактабларда керакли воситалар: изоляция хоналари, махсус тиббий билимга эга ходимлар ҳамда тозаланиш таъминлаш учун сув ва бошқа керакли маҳсулот ва жиҳозлар мавжуд бўлиши зарур. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан айна шу масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишда мамлакатимиздаги мавжуд 9942 та мактабнинг барчаси ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланмагани,

шунингдек, таълим муассасаларининг 1 057 тасида тиббиёт хоналари мавжуд эмаслиги таъкидланди. Маҳаллий мутасаддилар бу муаммоларни тезда ҳал этиш чораларини кўриши кераклиги айтилди.

Шунингдек, кўпгина марказдан олис ҳудудлардаги таълим муассасаларида қўл ювиш тугул ичимлик сувининг ўзи катта муаммо. Бу борада маҳаллий ҳокимликлар ва сектор раҳбарларига керакли топшириқлар берилган. Улар артизиан қудуқлари сувини филтрлаш орқали мактабни сув билан таъминлаш ёки ташиб келиниши зарур бўлган ҳудудларда истеъмолдан кўпроқ микдорда ташиб келиш чорасини кўришади.

Дезинфекция воситаларини ўқитувчи сотиб оладики?

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда пандемия шароитида мактаб фаолиятини ташкиллаштириш учун ўқитувчилардан талаб этилаётган турли санитария-гигиена воситалари акс этган рўйхатлар тарқалмоқда. Чиндан ҳам, дезинфекция воситаларини ўқитувчилар олиб келишадими?

— Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда мазкур масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди, — дейди **Халқ таълими вазирлиги мутахассиси Лайло Рустамова**. — Унда мактаблар учун пирометр ва дозаторлар харид қилиш ҳамда уларни ҳудудларга етказиш бўйича мутасадди вазирликларга топшириқлар берилди. Мактабларни дезинфекция ва антисептик воситалари билан таъминлашга эса вилоят ҳокимликлари масъул этиб белгиланди. Пандемия шароитида умумтаълим мактабларига пирометр, дезинфекция воситалари, дозаторлар ҳамда антисептиклар марказлашган ҳолатда етказиб берилади. Ўқитувчилардан мактабларида бу каби ҳолат қузатилаётган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишини сўраймиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Эндиликда Тошкент ва пойтахт вилоятида рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кунни ташкил этади.

✓ ҲОКИМЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА: танқидга қачон тўғри муносабатда бўламиз?

Хар бир мурожаат ортида инсон тақдири, уни ўйлантираётган муаммолар ётади, албатта. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда халқ дарди билан яшаш, хусусан, уларни қийнаётган муаммоларга тезкор ечим топиш учун мурожаатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда эса ОАВнинг ҳам ўз ўрни бор. Газетамиз орқали ҳам Қорақалпоғистон Республикасининг айрим ҳудудларида кўп вақтдан буён тўпланиб қолган муаммолар бўйича бир қатор танқидий мақолалар чоп этилди. Ҳўш, мақолаларда сўз юритилган муаммоларга ечим топилдими?



Сув муаммоси ҳал бўлди... (ми?)

Газетамизнинг 20-сонида «Узумбоғ қачон ўз номига муносиб бўлади» сарлавҳали мақола



чоп этилган эди. Унда Кегейли тумани Узумбоғ овули фуқаролар йиғинидаги Тентек арна овули аҳолисининг томорқа ерлари учун сув етиб келмаётгани, шу боис экинларнинг қувраш арафасида экани танқид қилинган эди. Мақола чоп этилгач, кўп ўтмай, туман ҳокимлиги томонидан муаммо атрофлича ўрганилди.

— «Mahalla» газетасида сув билан боғлиқ муаммо баён этилгач, туман ҳокимлигидан мутахассислар келиб, шарт-шароитимизни ўрганиб кетишди, — дейди мурожаатчилардан бири Арзибай Бекбаулиев. — Уч-тўрт кун ичида бир нечта экскаватор олиб келиниб, овул ариқ ва каналларини қазиб, кўтарма насоссиз сув чиқарган қилиб беришди ва сув билан боғлиқ муаммо барҳам топди. Бунинг учун тахририят ходимлари ва туман ҳокимлигига миннатдорлик билдираман.

Газетанинг 22-сонида чоп этилган «Дастур доирасидаги ишлар нега ҳўжакўрсинга бажа-



рилмоқда?» номли мақолада Нукус шаҳридаги бир қатор фуқаролар йиғинларида «Обод маҳалла» дастури асосида олиб борилган ишларнинг чала қолиб кетгани танқид остига олинган эди. «Хаво йўллари» маҳалласи раиси Уснатдин Холмуродовнинг таъкидлашича, шу кунларда томини шамол учуриб кетган уйларга шифер қоқиш, чала қолган чиқиндиҳона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши бошланган.

«Шикоят қилиб, туманимиз обрўсини туширяпсиз»

Албатта, газета танқидий мақоласидан кейин мутасаддиларнинг муаммони ҳал этишга уриниши қувонарли. Лекин афсуски, танқидни ҳамма ҳам бирдек қабул қилмайди. Жумладан, газетамизнинг 26-сонида Қонлиқул



тумани «Наврўз» маҳалласи ҳудудидаги Ахун овули, Қора ҳўжа, Сақу овулларидаги анча йиллардан буён тўпланиб қолган муаммолар ҳақида «Мурожаатга масъулларнинг ҳанузгача жавоби йўқ» сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Мутасаддилар ушбу масалани ҳал этишнинг янгиचा усулини танлашибди.

— Газетада маҳаллаимиздаги муаммолар ёритилгач, мутасаддилар аҳоли билан учрашиб, муаммони ҳал қилиш ўрнига ҳокимлик амалдорларидан бири шахсан ўзимга: «Нима қилардинг мурожаат қилиб, интервью бериб, туманимизнинг обрўсига путур етказдинг», деб гина қилганига

тушунмадим, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, «Жасорат» медали соҳиби, биринчи гуруҳ ногирони Нурлибой Даулетбаев. — Туман обрўсини ўйлаган раҳбар жойлардаги муаммолар ечимини излаши керак эмасми?! Умид қиламизки, туманимиз ҳокими ушбу масалаларга бефарқ бўлмасдан ўз ташаббуси билан муаммоларимизни ҳал қилиб беради.

Ҳокимлик доим ҳақ... (ми)?!

Танқид ҳеч кимга ёқмаслиги аниқ. Аммо уни ҳар ким ўзича қабул қилади. Кимдир бошқалар олдида уятли бўлмаслик учун камчилигини тузатишга ўтади, бошқаси хатосини англаб етгани ҳолда муаммони ҳал қилади. Яна бир гуруҳ одамлар эса танқид қилувчини айбдор қилиш орқали ўзини оқлаш йўлини танлайди.

Газетамизнинг 25-сонида эълон қилинган «Ҳоким маҳалла раисларини ишдан олди. Нега?» сарлавҳали мақолага туман ҳокимлиги зудлик билан муносабат билдиргани қувонарли ҳол. Аммо мақолада ёритилган масалани атрофлича ўрганган туман ҳокимлиги матбуот хизмати бизни айб-лашга уринди. Жумладан, ҳокимлик муносабатида: «...Тўёки «ушбу



мақолани ёзиб интернетда чоп этсам, ишга тикланишинг аниқ» деган олдиндан ваъда бериш каби буюртмачини ишонтиришга қаратилган маъно ва мазмунлар сезилмоқда» дейилади. Шунингдек, мухбир масалани бир ёқлама ўргангани илҳом қилинади.

Аслида эса, вазиятни ёритиш

учун туман ҳокимлигига мурожаат қилганимиз ва мутасаддининг фикри ҳам берилган. Бу эса мақолага бир ёқлама ёндашилган, деган қарашга мос келмайди. Шунингдек, жавоб хатида ёзилишича, йиғин раисларини ишдан бўшатишда туман ҳокими аралашмаган, уларга мажбурий равишда ариза ёздирилмаган.

— Бизга мажбурий ариза ёздирганини юзма-юз учрашиб, тасдиқлаб беришим мумкин, — дейди мурожаатчи Х.Жанназаров. — Бир вақтда етти кишидан ариза ёзганидан ҳам мажбурий экани яққол кўриниб турибди-ку?

Жавоб хатида ҳеч қандай қонунбузарликка йўл қўйилмаганини исботлашга уринилган. Шу билан бирга, қонунга зид равишда нима учун маҳаллага бошқа ҳудудда яшайдиган фуқаролар раис этиб тайинланишига (!) карантин сабаб қилиб кўрсатилган. Тўғри, карантиннинг ўша вақтдаги талабларига кўра, сайлов ўтказиш мумкин эмас эди. Аммо савол туғилади: маҳалла раислигига шу маҳалланинг ўзидан бошқа муносиб номзод топилмас эдимиз?!

Бундай баҳсталаб мавзуда ишга қонуний баҳони фақат суд бера олишини яхши биламиз. Аммо ҳокимлик муносабатида «Сари шунгил» маҳалласи раиси Н.Капанов, Жана жап овули раиси Б.Байжановлар судга ариза беришгач, Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг очик мажлисида кўриб чиқилиб, ноқонуний ишдан бўшатишга, ишга қайта тиклаш бўйича ажрим қилингани ҳақида ҳеч нима демаган.

Нима ҳам дердик, ОАВнинг вазифаси ҳўкм чиқариш эмас, балки ҳолатни атрофлича ўрганиб, уни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишдир. Умид қиламизки, бунди тўғри тушунган Хўжайли тумани ҳокимлиги мутасаддилари таҳдидли тавсиялар ўрнига газета ўқишни ва шу орқали ҳокимликларнинг танқидий мақолаларга билдираётган илиқ мунсабатларини ўзлаштиради.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Видеодарслар учта телеканал орқали доимий эфирга узатилади.

Номи «30 кишилик» тўй, аммо...

Бу — бир жиҳатдан қараганда жуда яхши. Негаки, ресторону базмгоҳларда тўй қилавериб, ёшлар катталарга, меҳмонларга хизмат қилиш, дастурхон ёзиш каби азалий анъаналарни унутмаган эди.

Бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади...(ми?)

Ўзбек — жуда серфарзанд болажон халқ. Базмгоҳларда ўтказилаётган аксарият тўй-тананаларда болалар қатнашмасди. Эндиликда улар бемалол яйраб ўйнаётти. Тўй соҳибининг яқинлари меҳмонларга елиб-югуриб хизмат қилишяпти.

— Бундан 25-30 йиллар муқаддам тўйлар шунақа ҳовлиларда ўтказиларди. — дейди Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Наймантепа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Эркин Омонов. — Буни қарангки, «бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади», деганларидек, пандемия сабаб бўлиб тўйлар яна илгаригидек уйда ўтказилмоқда. Бунинг яна бир яхши томони шундаки, илгари ресторанда тўй қилиш учун 40-50 миллион сўм пул сарфланган бўлса, энди шу маблағ оила бюджетига қоляпти.

— Дарҳақиқат, шундай. — дея суҳбатга қўшилди мазкур йиғин фаоли Рустам Эшқувватов. — Мана, яқинда қўшним тўйдан иқтисод қилган маблағига ёш оила учун совутич, телевизор, кир ювиш машинаси, юшоқ мебель харид қилди. Демак, одамлар секин-аста бундай камхарж, ихчам тўйларнинг афзаллигини тушуниб етаяпти.

Танганинг орқа томони нимани кўрсатмоқда?

Энди танганинг орқа томонига ҳам бир назар солайлик. Ҳозирда уйларда ўтказилаётган тантаналарнинг барчасида ҳам юқоридаги каби ижобий ҳолат кузатилаётгани йўқ.

Одам табиати шундайки, у ҳар қандай янгиликни дарров ўзлаштириб, ўз қаричига мослашни хуш кўради. Дастлаб 30-40 киши учун ёзилаётган дастурхонлар ҳозирга келиб 100-150 кишилик тантаналарга айланиб кетяпти. Бу карантин қоидаларини кўпол равишда бузиш эмасми? Ахир, ҳали юрти-

Инсон табиати ғалати. Бундан бир йил муқаддам 200 кишилик тўйга норози бўлиб юрганлар бугунга келиб 30 кишилик тўйни ўтказишга берилган рухсатни ҳам ғоят катта қониқиш билан қарши олишди. Карантин чекловлари юмшатилиши биланоқ, юртимизда оилавий тантаналар бошланиб кетди. Махсус комиссиянинг тавсиясига кўра, эндиликда тўйлар ресторанда эмас, уй ва ҳовлиларда ўтказилапти.



тўёна берганман. Қолаверса, эл назаридаги одамман, таниш-билишларим мўл. Бунинг устига, 5 нафар укам, 3 нафар синглим бор. Турмуш ўртоғимнинг опа-укалари ҳам 10 дан ортиқ. Ука-сингиллар, жиянлар, қайниукаларнинг узини тўпласак,

мизда коронавирус балоси тўлик бартараф этилганича йўқ-ку!

— Бунисиям майли, айрим бойваччалар шаҳарнинг энг донғи кетган ресторани жижозлари ва хизматкорларини ҳовлиларига кўчириб кела бошладилар — дейди Самарқанд туманидаги «Ражабамин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Толиб Хайдаров. — Ўтган ҳафта қўшни қишлоқда ўзига тўқ оила тўй қилди. ФХДЁ бўлимига бориш учун оз эмас, кўп эмас, нақ 15 та юра «Сартива» келди. Бу кетишда яна кимўзарга тўй қилиш бошланиб кетмасмикин?

Ҳа, раиснинг куюнганича бор. Айрим маҳаллаларда наҳорга берилаётган ош тушгача қўзилиб кетмоқда. Чунки тўй соҳибни 30-40 кишилик жой ҳозирлаб, одамларни 4-5 босқичга бўлиб, ҳар хил вақтда ошга таклиф қиляпти. Салкам пешингача берилаётган ошда жами 300-400 кишигача қатнашмоқда. Хўш, нимага шундай бўляпти?

— Бешта қиздан сўнг ўғил кўрган эдим, — дейди Пайариқ туманидаги «Эрназарқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Шухрат Олимов. — Ёлғиз ўғлимни уйлантириб, элга катта бир тўй беришни қарийб 25 йил мобайнида ният қилиб, маблағ тўплаган эдим. Ахир, бир умр бошқаларнинг тўйларига бориб, уларнинг кўпчилигига

60 нафардан ошлиб кетади. Бунинг устига, синфдошлар, қадрдонлар, маҳалла-қўй дегандек. Хуллас, энг қисқа рўйхат ҳам 200 нафарга етиб қолади. Бировини айтмасам, ўпка-гинага қоламан. Ўйлаб-ўйлаб, наҳор ошни тўрт босқичда беришга қарор қилдик. Кечки никоҳ базмига 100 кишилик жой тайёрладик.

Оддий кузатувчи эмас, фаол курашчи бўлишимиз лозим

Эҳтимол, оқсоқолнинг гаглариди жон бордир. Аммо жорий қилинган карантин чекловлари ким учун аслида? Сиз ва сизнинг оила аъзоларингиз, узоқ-яқин қариндошларингизнинг соғлиғини сақлаш, уларни коронавирус балосидан асраш мақсадида амалга оширилаётган тадбир эмасми? Худо кўрсатмасину, тўйга келганлардан биттаси шу касалликни юқтирган бўлса-чи? Кимнингдир кўнглини оламан, деб минглаб одамларга бало юктириб қўймаймизми? Афсуски, Шухрат ака бу саволларга жавоб бера олмади.

Хуллас, айрим одамлар, айниқса, қишлоқларда истикомат қилаётган баъзи кишилар ҳали-ҳануз коронавирус пандемиясининг нима эканини, нима учун бу балога қарши дунё миқёсида кураш бораётганини тўла-тўқис англаб

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Тўй ўтказиш тартибини бузганлик учун жарима миқдори қанча?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказувчи шахс томонидан мазкур тадбирларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик фуқароларга БХМнинг 10 баравари (2 млн. 230 минг сўм) миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, тўйхоналар, кафе ва рестораниларнинг мансабдор шахси томонидан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик БХМнинг 30 баравари (6 млн. 690 минг сўм) миқдориди жарима солишга сабаб бўлади. Тўйхона, кафе ва ресторанилар эгаси томонидан ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 1 йил давомида тақрор содир этилган бўлса, БХМнинг 50 баравари (11 млн. 150 минг сўм) миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

етмаяпти, назаримизда. Бизнингча, бу борадаги барча тарғибот ишларини жойлардаги масъуллару маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарларига ташлаб қўймасдан, ҳар биримиз оддий кузатувчи эмас, фаол курашчи бўлишимиз лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Худудларда павловния плантациялари ташкил қилинади.

Бундан бир аср аввал маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий: «Катта тўй қилиб хотун олган бечораларнинг ҳолига йиғламоқ керак. Уч кунлик тўйнинг азаси баъзи оилаларда ўн йил, ҳатто бир умр сурар, балки беватан ва хонавайронликка сабаб бўлур», деб ёзганди. Орадани шунча вақт ўтса-да, ушбу сўзлар ўз қийматини, долзарблигини йўқотгани йўқ.

Афсуски, бу маърифатпарварларимиз ўғитига қулоқ тутмаётганимизни аниқлади. Дабдабали тўйлар эса ўтган вақт ичида қанчадан-қанча оилаларнинг боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлди. Жорий йилда пандемия шароитида тўйларни ихчам ўтказиш талаби кўйилди. Бироқ яқинлари ва ўзининг соғлигини хатарга қўйиб бўлса-да, яна дабдабали тўй қилишни афзал кўрадиганлар топилапти. Хўш, қачонгача бир кунлик дабдаба учун умримизни сарф этамиз? Бу дарднинг шифоси борми?

— Тошкент шаҳрида июнь ойининг охири ва июль ойининг бошида ўтказилган 4 та тўйда 110 та касалланиш ҳолати аниқланган эди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазири матбуот котиби Фурқат Санаев. — Бундан ташқари, тугилган кунларда ўнлаб одамларнинг бир жойга тўпланиши сабаб ҳам қақармаган юртдошларимиз ҳам бор. Тўйларни ихчам — 30 киши билан ўтказиш шарт бўлса-да, бир кунда уч-тўрт мартадан одам қақариш ҳолатларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Буни тартибга солишда маҳалла фаоллари ва профилактика нозирларининг ролини янада кучайтириш, карантин қоидаларига қатъий амал қилишни таъминлашимиз зарур. Касалликни даволаш эмас, унинг олдини олиш чораларини кўриш ижобий натижа беради.

Қачонгача касалликни даволаш билан шугулланамиз?

Албатта, касалликнинг олдини олиш зарур. Бугун бу борада аниқ чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Хўш, шундай экан, нега яна карантин қоидаларини бузиб, оилавий тантана ва тўйларни ўтказиш ҳолатлари кузатишмоқда? Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари бундан нега беҳабар?

— Бугун нафақат профилакси-

ЯНА ДАБДАБАЮ, ЯНА АСЪАСА: ҚАЧОН ХАТОЛАРИМИЗДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРАМИЗ?



тика нозирлари, балки ҳар бир ходимга карантин қоидалари пухта ўргатилиб, аҳоли соғлиғи ва тинчлигини сақлашда қандай жиҳатларга аҳамият қаратиш кераклиги ҳақида тушунча бериб борилмоқда, — дейди Ички ишлар вазирилик Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси катта инспектори, катта лейтенант Фурқатжон Ғайбуллаев. — Бу борада ҳам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Афсуски, шундай тадбирлар давомида карантин қоидаларини кўпол равишда бузаётганлар ҳам учраб турибди. Жиззах вилояти Пахтакор тумани ИИБ ходимлари томонидан карантин талаблари бузилганлик ҳолати аниқланди. Маълум бўлишича, «Дилором» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро «Дўстлик» йиғини худудида жойлашган тўйхоналардан бирида карантин қоидаларини кўпол равишда бузиб, тўй маросимини ўтказган. Афсуски, бундай мисоллар оз эмас. Аниқланган ҳолатлар бўйича қонуний чора кўриляпти. Бундан ОАВ орқали ҳам халқимиз хабардор бўлиб бормоқда. Карантин қоидаларига бепишандлик билан қараётганларнинг борлиги профилактик ишларни янада самаралироқ ташкил этиш вазифасини қўймоқда.

Фақат жариманинг ўзи камлик қилади

— Тўйлар халқимизнинг оғриқли муаммосидир, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази мутахассиси Феруза Азимова. — Бундан юз йил аввал ҳам жадидлар жўровоз бўлиб исрофгарчиликка йўл қўймастик, бир кунлик тўйга сарфланадиган маблағни болаларнинг маънавиятини бойитиш учун сарф этишга чақирган эди. Жумладан,

маърифатпарвар шоир Исҳоқхон Ибрат: «Ҳали ҳам биз ўз динимизга ҳаракат қилмай, ақча топсак, ҳою-ҳавас, овлоқ тўйларга ўн минг сўм беҳуда исроф қиламиз», деган эди. Жадид адабиётининг яна бир етук вакили Чўлпон эса илгари бундай беҳуда исрофгарчилик бўлмаганини эслатади. Бугунги пандемия даврида соғлигимизни гаровга қўйиб, дабдабага берилишимиз бу иллатдан тўла халос бўлиш учун халқимизнинг тафаккурини ижобий томонга ўзгартириш кераклигини кўрсатади.

Ёшлар орасида ана шу вазиятдан фойдаланиб, савобли ишга бош қўлишни истайдиганлар учраётгани кувонарлидир. Масалан, Қашқадарё вилояти Китоб туманида карантин даврида ихчам тўй ўтказган келин-куёв Бобурхон ва Юлдузхонлар ўз бахтли кунлари хурсандчилигини тумандаги 5-сонли Меҳрибонлик уйи болажонлари билан баҳам кўрди. Улар тўйдан тўёна сифатида тарбияланувчиларга 100 дан ортиқ турли бадий китоблар совға қилди. Бу оила илк куниданоқ бошқаларга ибрат бўлди.

Оммани ижобий томонга бирдек йўналтириш учун жамият тафаккури ўзгариши, инсонлар фойда ва зиён нимада эканини аниқ билиши, ҳис этиши керак. Бугун юртимизда китобхонликка, маънавиятга катта эътибор қаратиляпти. Бу ишлар самара бериши учун танқид қилиш эмас, рағбатлантириш, мафкуравий курашнинг оптимал усулларини ўйлаб қўришимиз керак. Масалан, тўйини Меҳрибонлик уйида ўтказган ёшларни нега бошқаларга ибрат қилиб кўрсатмаймиз? Уларнинг тўйида иштирок этган болажонларнинг дилсўзларига қулоқ тутсак, кўнглимизда худди шундай яхшилик қилиш

ДАРВОҚЕ...

Улуғ маърифатпарвар Абдурауф Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» номли асаридан шундай ривоятни келтиради: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: «Тўйда биринчи куннинг таоми ҳақ, иккинчи куннинг таоми суннатдур, лекин учинчи куннинг таоми риёдир». Тўйни бир-бирдан қолмаслик учун қилганларга қарата эса А.Фитрат яна бир ривоятни келтиради: «Набий (с.а.в.) дедилар: «Икки одам бир-бирларидан ўтиш учун тўй ва зиёфат қилсалар, биронтасиникига борманглар, уларнинг таомларидан еманглар».

истаги туғилиши табиий. Шундай экан, жазолаш билан бирга, масаланинг бу жиҳатларига ҳам эътибор қаратишимиз зарур.

Хулоса

Оғирлиги бир грамм ҳам чиқмайдиган инфекция бутун инсоният тақдирини ҳал этишга дохил экани бу дунёнинг нечоғли омонатлигидан далолатдир. Ана шундай вақтда бир кунлик ҳою-ҳавасни деб жамгарган маблағимизни ҳавога совуриш камлик қилганидек, яқинларимиз ва ўзимизнинг соғлигимизни ҳам хатарга қўйиш маънавий дунёимиз нақадар қашшоқ эканини кўрсатади.

Бугун дунё бошидан ўтказаятган синовдан қай аҳволда чиқишимиз, келажак авлодга нима қолдиришимиз бугун қандай амалларни қилишимизга боғлиқ. Келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун эса ўткинчи нарсалар ортидан югуришни бас қилиб, ўтган умримиз ҳақида мулоҳаза қилишимиз шарт. Зеро, ўзгаришни истамаган жамиятни ҳеч ким бахт манзилига олиб бора олмайди!

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ҚАЧОНГАЧА ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ ҲОЛДА ЁТАДИ?



✓ Қонунчиликка асосан, давлат муҳофазасига олинган моддий маданий ёдгорликларни нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача жарима солишга ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолашга сабаб бўлади.

Яқинда Навоий вилоятидаги 5 та тарихий обида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритилаётгани ҳақидаги хабар воҳаликларга ғурур-ифтихор бағишлади. Булар — «Қосим-Шайх», «Мирсаид Баҳром», «Работи-Малик», «Сардоба» ҳамда «Мавлоно Ориф Деггароний» маданий мерос объектларидир. Бу бутун мамлакатимизда бўлгани каби Навоийдаги тарихий обидаларга ҳам эътибор тубдан ўзгаргани, қадамжолар ободонлаштирилиб, зиёратгоҳларга айлантилгани ҳосиласидир. Бирок...

Чорбоғ қачон номига муносиб бўлади?

Тарихдан маълумки, Кармана бекилиги Бухоро амирлигининг иккинчи пойтахти ҳисобланган. Шу боис Бухоро амираи Абдулахадхон даврида Карманада кўлаб сарой ва чорбоғлар бунёд этилган. Жумладан, «Кўҳна кўрғон» маҳалласи ҳудудида 1900-1905 йилларда қурилган «Мирза Чорбоғ» тарихий обидаси мавжуд.

Афсуски, бутун мазкур тарихий маскан тобора йўқ бўлиб кетмоқда. Саройнинг ёнғоқ ва кедр дарахтидан ясалган эшиклари маҳаллий аҳоли томонидан кўпориб кетилган бўлиб, амирнинг тахти ҳам ўғирланган ва олтин топиш илчида ўрни ҳам қовланган. Ўтган йили саройнинг қутуш залидаги пойдевор қулағач, ёғоч синчлари ҳам кимлар томонидандир талон-торож қилинди. Сарой ҳовлиси эса чиқиндиҳонага айланган. Афсуски, ўз даврида амир хорижлик элчиларни қабул қилган мазкур маскан бутун афтода ҳолатга тушгани ҳеч бир мутасаддини ташвишга солмаяпти.

— Бу ҳақда фуқаролар йиғинимиз томонидан туман ва вилоят ҳокимликларига мурожаат қилганмиз, — дейди «Кўҳна кўрғон» маҳалласи раиси ўринбосари Раъно Хидирова. — Вилоят маданий мерос бошқармасидан келиб кўришган. Аммо ҳали ҳеч бир ўзгариш бўлмади. Саройдаги талон-торожчиликлар эса йиллар давомида содир этилган. Ҳар ердан ўз фойдаси учун ўлка излайдиганлар тунда бўлса-да умарадиганини олади. Бор-йўғи ташиб кетилган саройнинг қулаётган деворларини ҳимоялаш учун Маданий мерос бошқармаси чора кўриши керак. Ҳудуднинг чиқиндиҳонага айланганига эса, албатта, маҳалла ахли айбдор ва бу борада эътиборсизликка йўл қўйганимиз бизнинг камчилигимиз.

«Канпирак девор» қалъаси ҳақида эшитганмисиз?

Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани ҳудудида V-VI асрларга оид, яъни Эфталлийлар даврига хос «Канпирак девор» мавжуд. Энг ачинарлиси, қалъа девори гишт ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорлар учун хомашё манбаига айланди.

— 2011 йилда мазкур ёдгорлик археологик қазишмалар олиб борган хорижлик олимлар томонидан мемориал композицияси ва мудофаа салоҳияти бўйича қадим Хитой деворига тенглаштирилган, — дейди Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Дилдора Каттаева. — Ўтган йили «Канпирак девор»нинг археологик ёдгорликлар рўйхатига киритилишини таъминлаш учун вилоят ҳокимлиги ҳамда маданий мерос бошқармасига тавсия берилган ҳамда ёдгорлик кадастр рўйхатига олинган. Аммо текин хомашёга ўрганган айрим тадбиркорлар ҳали-ҳамон бу жойдан ўз манфаати йўлида фойдаланишга чек қўйилмаяпти.

Бағритошлар тошўрмонни ҳам аямаяпти

Бу она замин не сир-синаотларни бағрига яширмаган. Шу билан бирга, у буюк мўъжизалар макони. Учқудуқ тумани марказидан 130 километр узоқликда, Жирақудуқ дарасида жойлашган тошўрмон ҳам шулар жумласидан.

Тошўрмоннинг пайдо бўлиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрича, миллион йиллар аввал табиати бой, гўзал манзарага эга «Мингбулоқ» ботиғига коинотдан бегона бир жисм келиб урилади. Натижада денгиз суви парчаланиб, бу жой асрлар давомида кўш нуридан пандада қолади. Оқибатда бегона жисмнинг кимёвий ва физик хусу-

сиятлари бирлашиб, денгиз атрофидаги ўрмонзорлар, қуруқлик ва сувда яшайдиган жониворлар ўзга бир шаклга, яъни тошга айланади. Яна бир гуруҳнинг қарашларига кўра, бу ҳолат Тетиз денгизи тубидан отилиб чиққан вулқон натижасида юзага келган. Олимлар томонидан эса тошўрмон очиқ осмон остидаги ноёб палеонтологик музей, дея таърифланади.

Таассуфки, нафси йўлида тошни ҳам бемалол кемирадиган инсон зоти зўғумидан тошўрмон ҳам омон қолмаяпти. Чунки уни томоша қилишга келган айримлар кетар чоғида бу мўъжизани пулга чақиш мақсадида бир бўлак бўлса-да синдириб кетишади. Ачинарлиси, тошўрмон кўлами тобора кичраиб бормоқда. Бундан кўринадики, аҳвол шу йўсин давом этса, келажак авлод табиатнинг бу мўъжизасидан беаҳса қолиши ҳеч гап эмас.

Афсуски, ҳалқ депутатлари Учқудуқ тумани Кенгаши сессияларида бир неча бор тошўрмонни давлат муҳофазасига олиш ҳақидаги масала кўрилган бўлса-да, ханузгача бу борада аниқ натижа йўқ.

Яйловга айланган тарихий манзиллар

Биз Навбахор туманидаги Қоронғу ўнғир ва Алишйх дараларини астойдил ачинган ҳолда ана шундай атадик. Чунки қоятошларида минг йиллик битикларни сақлаётган мазкур даралар бутун маҳаллий аҳоли учун чорва молларини боқилга мўлжалланган яйловларга айланган. Даралардаги петроглифли қоятошларни одамлар иморат қуришда фойдаланиш мақсадида синдириб, ташиб кетишмоқда.

Яна бир ачинарли ҳолат, тарихдан ҳикоя қилувчи қоятош битикларига зиён етказилиб, уларнинг устидан «сеғви» иззорлари» битилмоқдаки, бу айрим ёшларнинг маънавиятсизлиги ифодасидир.

Афсуски, ана шундай «муҳаббат баёнлари»ни Қизилтепа туманида жойлашган Ванғози минорасида ҳам учратиш мумкин. XII асрда аждоқларимиз томонидан бунёд этилган тарихий ёдгорликка XXI аср ёшлари қўли билан ана шундай «безак берилмоқда».

— «Канпирак девор» қаровсиз аҳволда қолган эмас, у археологик объект ҳисобланади, — дейди Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси бош мутахассиси Шаҳзод Садинов. — Давлат муҳофаза белгиси ўрнатилган. Туғри, ўтган йили унинг атрофида чиқинди ташланганлик ҳолатлари учради, бу борада туман ҳокимлиги, маҳалла фаолларига мурожаат қилиниб, керакли чоралар кўрилди. Ҳозирги кунда ҳар битта маданий мерос объекти доимий назоратда, уларга жамоатчи инспекторлар маҳаллалар кесимида бириктирилган. «Мирза Чорбоғ» ҳолатига келсак, пул ажратиш бўйича 2020 йил реставрация дастурига киритиш ва давлат томонидан маблағ ажратиш бўйича мурожаат қилинган. Объектга давлат муҳофаза белгиси ўрнатилган, бутунги кунда «Мирза Чорбоғ» хон қароргоҳини қайта тиклаш ишлари пандемия сабаб биров кечикмоқда.

Конституциямизнинг 49-моддасида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асрашга мажбурлиги ҳамда маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган. Юқорида номи қайд этилган қадамжолар маданий бойлик сифатида давлат рўйхатига олинмаган бўлса-да, улар тарихнинг бир бўлаги. Демак, уларни асраб-авайлаш ҳар бир юрдошимизнинг конституциявий бурчи, қолаверса, инсонийлик мажбуриятидир.

Холбиби Сафарова
«Mahalla»

Ўзбекистонлик абитуриент дунёнинг 40 та университети талабаси бўлди.

САНОАТ ЗОНАЛАРИ: амалдаги ва қоғоздаги лойиҳалар

Дунё тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқариш корхоналари аҳоли яшаш жойларидан узоқ бўлган алоҳида худудларда, бир-бирига яқин жойлаштирилса, уларнинг бемалол ишлаши учун зарур инфратузилмани шакллантириш осон бўлади. Барча корхона учун умумий муҳандислик-коммуникация тармоғи барпо этилади. Бир неча йилдан буён бу амалиёт юртимизда ҳам кенг қўлланилмоқда. Кўплаб эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналари ташкил этилгани фикримиз далилидир.

Албатта, ишлаб чиқариш қувватларини бу тахлит бир жойда тўплаш кўп афзалликларга эга. Мисол учун, сув, газ, электр энергияси билан таъминлаш бир йўлга амалга оширилади. У ерда фаолият юритадиган кичик бизнес субъектлари учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича кўплаб имтиёз ва преференциялар берилди. Натижада кичик sanoat зоналари тадбиркорликни кенг ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилиши ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пировардида эса аҳоли ва худудларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз ташаббуси билан Қашқадарё вилоятида ҳам учта худуд – Қарши шаҳри, Шахрисабз ва Нишон туманларида кичик sanoat зоналари ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги «Қашқадарё вилоятида кичик sanoat зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, вилоятдаги яна 7 та худудда 29,8 гектардан иборат 10 та кичик sanoat зонаси барпо этилмоқда. Улардан бири Қамашли туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла худудиди.



10 та лотда 6 та лойиҳа

– Кичик sanoat зонаси худуди 1,2 гектар майдонни эгаллаган, – дейди Қамашли кичик sanoat зонаси дирекцияси раҳбари Элбек Ҳуроқов – Худудга олиб борувчи 500 метр йўлга асфальт ётқизилган, ҳаво электр тармоғи тортилиб, янги трансформатор қурилган, артезиан қудуғи қазилиб, сув чиқарилган. Ташаббускор тадбиркорларни танлаб олиш учун тендерлар ўтказилиб, ғолиблар аниқланди. Ҳозирда sanoat зонамизга 6 та тадбиркорлик субъекти жойлаштирилди. Улар томонидан 10 та истиқболли лойиҳа илгари сурилган. Фаолият йўналиши аниқ, ишга тушириш муддатлари белгиланган. Ишбилармонлар лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, 100 нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаши ҳам керак.

Бир сўз билан айтганда, қарорда белгиланган вазифалар деярли бажарилган. Ер бўлса, бино қуриб, технологияни олиб келаману, ишни бошлаб юбораман, деган, олдида аниқ мақсади, қўлида тайёр бизнес-режаси бор киши учун етарли шароит бор.

Кичик sanoat зонасида биринчилардан бўлиб фаолият бошланган «Металл гулсаф» масъулияти чекланган жамияти томонидан энгил автомобиллар учун юк кўйиш мосламаси (багаж), кийим илгак (вешалка), темир эшик, ошхона жиҳозлари, стол-стул ва шу каби ўндан ортиқ металл ва ёғочдан ясалган буюмлар ҳамда энгил автомобиллар учун ўриндик жилдлари (чехол) тайёрланиб, ички бозорга етказиб берилмоқда. Ўнга яқин киши шу

ерда доимий иш билан банд.

– Кичик sanoat зонасида иккита лойиҳани амалга оширяпмиз, – дейди «Алпено ихтисослашган таъмир қурилиш» хусусий корхонаси раҳбари А.Номозов. – Бири профнастил иккинчиси брусчаткалар ишлаб чиқаришга қаратилган. Айни вақтда барча зарур технологиялар олиб келиниб, ҳар иккала лойиҳамиз фаолиятини бошлаб юборганмиз.

Якка тартибдаги тадбиркор Толмас Дўстмуродовга кичик sanoat зонасида 2019 йилининг сентябрь ойида ер ажратиб берилганди. Тадбиркор томонидан МДФ-мебель ҳамда эшик-ром ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 5 та янги иш ўрни яратилган.

– Кичик sanoat зонасининг маҳалламиз худудидида жойлашгани биз учун айтиш мумкин бўлди, – дейди Алишер Навоий номли маҳалла раиси Ҳамза Шернаев. – Чунки маҳалламизда тадбиркорлар сони кўпайса худудимиз обод бўлади, саховатпеша инсонлар сони кенгайди. Энг муҳими, иш билан банд бўлмаган аҳолининг бандлиги таъминланади.

Ҳўш, қолган тадбиркорлар қани? Нега улар шундай шароитлар яратилган жойга келишмаяпти? Қачон ваъдани бажариб, ишлаб чиқаришни бошлашади, қачон янги иш ўринлари яратишади?

Пайсалга солинаётган лойиҳалар

«Тожмаҳал дунё» масъулияти чекланган жамияти кичик sanoat зонасида 500 миллион сўмлик лойиҳани амалга ошириб, пресслан-

ДАРВОҚЕ...

Вилоятда кичик sanoat зоналари инфратузилма ва коммуникация тузилмаларини яхшилаш учун 7,9 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ташкил этилган КСЗ ташаббускорлари томонидан 255,1 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция маблағлари киритилиши (103 миллиард сўм ўз маблағи, 152,1 миллиард сўм банк кредити) белгиланган бўлиб, улар ҳисобига 2315 та янги иш ўринлари яратилади. Барча лойиҳалар ишга тушгандан сўнг эса давлат бюджетига йилига 80 миллиард сўм маблағ тушиши режалаштирилган.

ган ғишт ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун қурилиши тугалланмаган бино ва ер майдони олган. У лойиҳани 2019 йил сўнгига қадар якунлаб, 16 кишини иш билан таъминлаш зарур эди. Ваъдани ўз вақтида бажармаган тадбиркор кейин лойиҳага ўзгартириш киритиб, энди 5 миллиард сўмлик ташаббусни амалга оширмақчилигини айтиди. Яна қайта тендер ўтказилиб, лойиҳани тўлиқ ишга тушириши учун 2020 йилнинг декабрь ойига қадар муддат берилган. Ҳадемай декабрь ҳам эшик қоқиб қолади. Ўйлаймизки, бу сафар МЧЖ масъулари ваъдасининг устидан чиқади.

Яна бир лойиҳачи – «Бек Мир» масъулияти чекланган жамиятининг қоғозни қайта ишлаш лойиҳаси эса жорий йилнинг ноябрь ойи сўнгига қадар якунланиши керак. Тадбиркор айтилган муддат ичида бинони тўлиқ қуриб битказиб, зарур технологияни олиб келиб ўрнатиш ва ишлаб чиқаришни бошлашга улгурармикан? Буни вақт кўрсатади.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: Қамашлида ер бўлса, бинони қураману ишни бошлаб юбораман, деган тадбиркорлар камми? Бўлса, нега ўтказилган тендер танловларида ғолиб бўлганларнинг аксарияти ерни эгаллаб қўйиб, айтилган лойиҳани ўз вақтида амалга оширишни пайсалга қўйиб, қачон янги иш ўринларини қандайдир муаммолари борми? Ўйлаймизки, мутасаддиларда бу саволларга аниқ жавоблар топилади. Биз эса бу мавзуга яна қайтамыз.

Шоҳиба БОЗОРОВА
«Mahalla»

Ёш оилаларга уй-жой ажратиш шартлари ўзгарди.

Илм ўрганмоқ игна билан қудуқ қазишга менгзалади. Чиндан ҳам, бирон соҳани мукамал эгаллаш, унинг ривожини учун янгилик яратиш машаққатли иш. Буни илм йўлини танлаганлар тушунади. Адабиётларни ўрганиш, тажрибаларни ўзаро таққослаш, керакли ўринда сўровномалар ўтказиш, мавжуд вазиятни тўғри баҳолаш, хулосалар чиқариш ва ўз таклифини ўртага ташлаш. Бу босқичлардан ўтиш учун кишидан катта сабр ва билимга ташналик талаб қилинади. Шу боисми, ҳамма ҳам бу йўлни танламайди. Боз устига, бирон илмий рутба олиш ҳам осон эмас.




ХАЛҚАРО МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ БИЗГА НЕГА КЕРАК?

(2-мақола)

Бир муддат аввал лойиҳаси тақдим этилган Вазирлар Маҳкамаси қарориди Республика Олий таълим ва Илмий-тадқиқот муассасалари халқаро рейтингини баҳолашда фойдаланиладиган QS (Quacquarelli Symonds), Times Higher Education (THE) рейтинг агентликлари томонидан тан олинган «Elsevier» компаниясининг Scopus, Science Direct халқаро илмий-техник базалар рўйхатида мавжуд ихтисослашган илмий нашрларда (Халқаро базалар рўйхати) импакт-фактори тегишли фан тармоғи бўйича белгиланган даражада бўлиб, автореферат шаклида тайёрланган тақдимнома асосида истисно тариқасида диссертация ҳимоясиз илмий даража берилиши мумкинлиги қайд этилганди. Унга кўра, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун салмоқли илмий янгиликлар олган ва камида 12 та (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 8 та) илмий мақола, жумладан, уларнинг камида ярмини кейинги 5 йил ичида чоп этилиши лозим. Фалсафа доктори (PhD) илмий даража учун – муҳим илмий янгиликлар олган ва камида 6 та (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 4 та) илмий мақола, жумладан, уларнинг камида ярмини кейинги 5 йил ичида нашр қилган бўлиши керак.

Ҳақи савол туғилади: нима учун? Ушбу халқаро маълумотлар базаларининг қандай қаромати борки, уларда мақола чоп этилган илмий унвон билан муқофотланади? Ёки шундай қилинса, Ўзбекистон илм-фани ривожланадими? Аслида илм тараққиётига нималар тўсиқ бўляпти? Аини саволлар билан Инновацион ривожланиш вазирлигининг тиббиёт соҳасидаги Илмий-техник кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЕвроОсим тиббиёт академиясининг мухбир аъзоси, Ёқутхон МАЖИДОВАга мурожаат қилдик.



Муаммо нимада?

– Инновацион ривожланиш кўп жиҳатдан чет тилларни, айниқса, ривожланган мамлакатлар тилини билишга боғлиқ – дейди Ёқутхон Маждова. – Тилни биладиган одамгина мутахассислигининг янги тенденцияларини ўз вақтида эгаллай олади, илм-фаннинг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиб, хорижий ҳаммаслар билан тажриба, билим алмашади. Тил билмаслик ва умумтаълим муаммолари эса халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига халақит беради. Бошқа томондан, жаҳон тажрибасини ўрганаётганда илмий, танқидий ёндашуви нунтмаслик керак. Тўғри, барча чет эл назариялари ҳам бениҳсон эмас, улар доим ҳам ўзини оқламайди. Фақатгина маҳаллий ва хорижий ютуқларни синчковлик билан ўрганиш, таққослаш ва таҳлил қилиш орқали тажрибаларнинг ягона самарали вариантини яратиш мумкин.

Илмни ривожлантириш учун...

– Аввало, университетдан кейинги муассасалар учун танлов мезонларини такомиллаштириш лозим. Мактабгача ва мактаб таълимнинг молиявий жиҳатдан қулай ва самарали тизимини шакллантириш шарт. Турли мутахассисликлар бўйича янги китобларнинг таржимасини ўз вақтида таъминлаш зарур. Олий ўқув юртиларига илмий ва ўқув фаолиятида мустақилликни таъминлашни эса даврнинг ўзи

талаб қилмоқда. Фаол ва иқтидорли тадқиқотчилар ва ўқитувчилар учун илмий ишланмаларига мос равишда самарали имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш керак. Бироқ ҳозирда илм-фан ривожланишида Scopus маълумотлар базасида мақолалар чоп этиш энг муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Scopus маълумотлар базаси бизга керакми?

– Scopus, бу – тақриз қилинаётган адабиётлар: илмий журналлар, китоблар ва конференция материалларида берилган ҳаволалар ҳақидаги қисқача тавсиф ва маълумотларни ўз ичига олган энг йирик маълумотлар базаларидан биридир. Scopus илм-фан, техника, тиббиёт, социология, санъат ва гуманитар фанларнинг турли соҳаларида дунё тадқиқот натижаларини ҳақида кенг қамровли маълумотлар беради. Тадқиқотларни кузатиш, таҳлил қилиш ва визуаллаштириш учун интеллектуал воситаларни таклиф этади.

Scopus маълумотлар базасига кириш учун ношир электрон ариза тўлдириб, тегишли сўровнома юбориши керак. Дунёнинг турли соҳаларидан 30 нафарга яқин олим ва кутубхоначилардан иборат Маслаҳат қўмитаси томонидан таклифга ижобий баҳо берилса, нашр ҳавола қилинувчи нашрлар рўйхатига киритилади. Агар рад жавоби олинган бўлса, такрорий ариза бир йилдан сўнг юборилиши мумкин.

Бу маълумотлар базаси томо-

нидан индексланадиган нашрлар орасида бўлишини ягона йўли эмас. Халқаро хизмат экспертлари фикрига кўра, қўмита томонидан кўриб чиқишга лойиқ бўлган мақолаларни мустақил равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Олимнинг халқаро тан олинishi айнан шу базаларда чоп этилган илмий ишига қараб белгиланади. Шунингдек, халқаро грантлардаги талаблардан бири шу мавзуда халқаро мақола талаб қилинади. Қолаверса, университет рейтингини ва иш топиш масаласида шу базаларда чоп этилган мақолалар инобатга олинади.

Халқаро мақола илмий изланувчига нима беради?

– Халқаро журналларда мақола чоп этиш изланувчига дунё олимлари билан мулоқотга кирилиши имконини беради. Бу талаб фақат Ўзбекистон олимлари учун эмас, ривожланган хорижий мамлакатлар изланувчилари олдида ҳам қўйилган. Чунки бундай мақолалар, аввало, икки ёки учта халқаро экспертга тақриз учун юборилади. Уларнинг таклифлари инобатга олиниб, ижобий баҳолангандан кейин журналда нашр этишга рухсат берилади. Нашр этилган мақола мунозара ва тортишувларга сабаб бўлиб, келажакда бажарилиши лозим бўлган илмий ишларни аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир илмий ходимнинг фаолиятини баҳолашда чет элларда нашр этилган мақолаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда илмий салоҳияти юқори бўлган олим ва олималар жуда кўп. Бироқ уларнинг қилган ишларини халқаро базаларда чоп этишга эътибор қаратмаслиги изланишлари натижалари юртимиздан ташқарига чиқмасдан қолиб кетишига сабаб бўлаётир. Изланишлар ва янгиликлар Scopus ёки Web of Science тармоқларида мунтазам чоп этиб борилса, Ўзбекистоннинг жаҳондаги илмий мавқеи янада мустаҳкамланади.

«Mahalla» мухбири
Садоқат МАХСУМОВА ёзиб
олди.

Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом кучга кирди.



Дилором КАРИМОВА:

«САНЪАТ

қалбни тозалаши, асраши лозим»

Ўзбек киносида керак пайтда чақмоқдек чақувчи Дилором Каримовани шундай — ҳар гал ўқилганда янги хулосалар, янги таассуротлар, янги фикрлар берувчи китобга ўхшатиш мумкин. Шунинг учунми, «Илҳақ»даги она сиймоси билан яна қалбларга қайтган, мушоҳадали, маҳоратли актриса билан суҳбатимиз ортиқчаликлардан холи, самимий руҳда ўтди. Давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Дилором Каримова Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди.

Муносиб эътироф ва муносиб рағбат. Муваффақият замирида неча йиллаб қилинган меҳнат, тинимсиз изланиш, касбига борини бериш ва ўз-ўзидан доимий қониқмаслик ҳиссини кўрдим. Ўзбекистон халқ артисти билан кино, соҳадаги муаммолар, фикр ва орзу ҳақида фикрлашдик.

Менга бўлди, сенга бўлди, нима қолди ўзгага?

— Уч-тўрт йил аввал оддий одамлардан: «Ўзбек киносига нима бўлди?», «Нимага бу даражада майдаллашиб кетди?», деган фикрларни эшитардик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Дилором Каримова. — Очиғини айтиш керак, ўша кезларда киноларимиз олди-қочди, ҳаётий бўлмаган, оила муаммоларига ўралашиб қолганди. Яхши фильмлар олинган, бироқ улар қўл билан санарли эди. Бир-бирини такрорловчи фильмлар кўпайиб кетганди. Давлатимиз раҳбарининг кино соҳасига қаратган эътибори сабаб муҳит бутунлай ўзгарди. Санъатнинг олдига муҳим вазифалар қўйилди, у қалбни тозалаши, асраши лозимлиги таъкидланди.

Шу аснода кинематография-мизда тарихий шахсларга эътибор

қаратила бошланди. Фикримча, тарихни, хотирани билмаган киши шахс эмас, у ҳеч ким. Инсон хотираси билан ҳайвондан фарқ қилади. Хотираси тириклар эса ҳайвонга айланмайди. Сўнгги пайтда суратта олинган «Авлоний», «Кўқон шамоли» каби картиналарда миллатимиз тарихи намоён бўлган. Қувонарлиси, бу ишлар давом этяпти. Бироқ, камчиликлар ҳам етарли.

Ўзбек киносида катта йўқотиш бўлиши мумкин

— Бугун кино майдонига катта иқтидорга эга ёшлар жамоаси кириб келди. Энг муҳими, уларга имкон бериш, кучидан унумли фойдаланиш керак. «Илҳақ» фильмида ҳам шижоатли ёшлар билан ишладик. Бироқ масъулларнинг масъулиятсизлиги сабаб маошлар ўз вақтида берилмади. Продюссер ёрдами билан фильм охирига етказилди. Тўғри, кино суратга олиш катта куч, маблағ талаб қилади. Бироқ қайсидир масъулнинг эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги сабаб ижодкорлар қарз олиб яшаши керак эмас. Яхши фильмлар қилнлар, дейиляпти, бироқ маблағ муаммоси ҳал этилмаган. Кино бизнес эмас, санъат бўлиши керак, дейиляпти, бироқ унга ҳаракат қилинмаяпти. Яна бир масала — кино соҳасида ёшларга кенг имконият берилмаяпти. Ўзининг кучи билан етишилб чиққан ижодкор ёшларга имконият бериш, шарт-шароит яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш — кино раҳбариятининг асосий вазифаси бўлиши керак. Ҳадеб уларнинг йўли тўсилаверса, кинони ташлаб бошқа иш билан шуғулланишади. Бу эса кинемиз учун катта йўқотиш бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш ке-

Санъат вакилларининг ҳар бири ўзига хос дунёқараш, тафаккур ва бадиий дидга эга, бир-бирини такрорламайди. Бироқ улар орасида шундайлари борки, шахсияти билан танишганингиз сари қизиқишингиз ортиб бораверади. Спектакль ва кинолардаги чиқишлар чексиз уммоннинг бир томчиси экани, аслида у туганмас хазинанинг ўзгинаси экани ойдинлашади.



МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Дилором Каримова

- 1948 йилнинг 9 февралда Тошкент шаҳрида зиёли оилада туғилган.
- Ижодий фаолиятини 1967 йилдан бошлаган. Айна вақтда мустақил ижодкор.
- Томошабинлар уни ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида қўйилган «Парвона», «Юрак сирлари», «Қароқчилар», «Оқшомдан тушгача», «13-раис», «Юлдузли тунлар», «Алвидо, ҳаёт», «Алдагани хотин яхши» спектакллари ва «Қуёши ботмайдиган юрт», «Забаржад», «Нариги соҳилда қолган болалик», «Новда», «Паризод», «Танҳо қайиқ», «Илҳақ» каби фильмлар ва телесериаллар орқали яхши танийди.

ракки, «Илҳақ» фильмининг уруш сахналари Белоруссияда суратта олинди. Белоруссиялик ижодкорлар жамоамизнинг ишлаш жараёнини эътироф этишди. Меҳнат-кашлиги, янгилликка интилиши, ўз касбини севиши белоруссияликларни тўлқинлантирди.

Кино пул келтириш воситаси эмас

— Минг афсуски, мамлакатимизда кино пул келтириши керак, деган қараш пайдо бўлди. Лекин бу ҳақиқий санъат асарлари яратилмаслиги керак, деган хулосага асос бўла олмайди. Кассабоп фильмлар сабаб ёш авлод дидини саёзлаштириб қўйдик. Натижада улар «Яхши кино шундай бўлар экан-да» деган фикрга келишди. Тўғри, кассабоп фильмларни ҳам санъат асари даражасида олиш мумкин. Бунинг учун ўз касбининг устаси халқ учун, уларнинг дидини юксалтириш учун ҳаракат қилиши керак. Мақсадни касса деб эмас, томошабин эстетик дидини ошириш, яхши фильм олиш учун қўйиш лозим. Шундан хулоса қилиш керакки,

санъат даражасидаги фильмларни олиш вақти келди.

Фикр ҳақида фикр

— Актёрларимиз орасида фикрловчи ва ҳис-туйғуллари кам. Бу борада Европа актёрларига ҳавас қиламан. Уларда фикрлаш биринчи ўринда туради. Фикр орқали ичидаги ҳис-туйғуларини томошабинга етказиб беради. Қўз қарашлари, паузалар, гапдаги интонациялар ёрдамида нимани ҳис қилаётганини биласиз. Актёр қачон маҳоратли бўлади, қачонки, ўйлаётган нарсасини кўрсатиб, етказиб бера олса. Фикр ва туйғу ўзаро боғлансагина ижодкор мукамалликка эришади. Туйғунинг ўзи томошабинни чарчатади.

Оламшумул муаммолар ҳақида ўйловчи, катта фикрлар билан банд аёл родини гавдалантиришни жуда хоҳлардим. Бундай сценарий борми, йўқми, буни билмайман. Бироқ ролим шундай бўлиши керакки, фикрловчи, паузаларда томошабинларга қараб нима демоқчилигини тушунтира олиши керак.

Садоқат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.

«Ўзбеккино» 7 нафар талабани Бутунроссия давлат кинематография институтида ўқитади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ер юзидаги саксон фоиз киши герпес вирусининг ташувчиси ҳисобланади. Лекин биз доим ҳам унга эътибор қаратавермаймиз. Учқуқ чиқса, кўркув ёки шамоллаш аломати, тез ўтиб кетувчи хасталик, деб қабул қиламиз.

Хўш, аслида герпес қандай касаллик? Унинг қандай турлари ёки даражалари бор? Даво чораларини қўллашда нималарга эътиборли бўлиш лозим?

Герпес нима?

Герпес бу — вирусли инфекция бўлиб, кўзгатувчиси оддий герпес вирусидир. Герпетик тошмалар тананинг ҳамма жойида пайдо бўлиши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда у оғиз, бурун атрофида кузатилади. Одатда инфекция билан инсон болалик чоғида тўқнашади, вирус касал оила аъзосидан ёки қариндошлардан ўпич орқали, идиш-товоқ ёки сочиқ орқали юқиши мумкин. Лаб атрофида пайдо бўлган типик тошмалар одатда 7-10 кунгача туради. Тери орқали ўтиб, вирус асаб тоналарига тарқалади. Уни юқтирган одамларнинг 80 фоиздан кўпроғида вирус «уйку» ҳолатида бўлади.

Герпес вирусининг лабдаги шакли унга кўл билан тегиб, сўнг бошқалар билан сўрашганда (агар ўша одамнинг кўл терисида бирор турдаги очик жароҳат бўлса), шахсий гигиена воситаларидан фойдаланиш, камдан-кам ҳолларда эса ҳаво томчи йўли билан юқиши мумкин. Шунингдек, совуқотиш, шамоллаш, тўйиб ухламаслик, сурункали чарчок, стресс ҳолатлари туфайли организмнинг иммун тизими сустлашса ҳам герпес тошмаси тошади.


Организмга кириб олган касаллик вируси асаб ҳужайралари томон ҳаракатланиб, кейин эса бир муддат тинчланади. Организм иммунитет химояси сусайса, дарҳол фаоллашиб, кўпая бошлайди. Шу тариқа вирус «уйғониши» лаб ёки тананинг бошқа аъзоларида тошма тошиши билан намоён бўлади.

Аломатлари қандай?

Лабнинг енгил ачишиши, кичишиши ва шишиб қолгандай туюлиши учқуқ даражидир. Одатда бундай белгилар бир неча соат-

ГЕРПЕС

кўрликка сабаб бўлиши мумкинми?



дан суткага қадар давом этиши мумкин. Агар аломатлар сезилиши билан даволаш чоралари кўрилса, лабдаги яллиғланишнинг олдини олса бўлади. Йўқса, лаб териси шишиб, яллиғланган соха атрофида пуфакчалар юзага келади. Улар бир неча кунда ёрилади. Учқуқ тузалаётганида пуфакча атрофида қаттиқ тери қатлами пайдо бўлиб, бир-икки кунда кўчади.

Олимларнинг таъкидлашича, оддий учқуқ вируси бола организмга кўпинча чақалоқлик даврида тушади. Лекин касаллик аломатлари ондан ўтган иммунитет ҳисобига юзага чиқмай, кейинчалик иммунитет кучи сусайиб, қулай шароит туғилса, вируслар хуржга келиб, касаллик рўй беради. Одам организмга тушган учқуқ вируси умр бўйи сақланиб қолиши ва герпесни даволаш ўта қийин кечиши фанда исботланган. Тиббиётда бу хроник вирус ташувчилик деб аталади.

Нима қилмоқ лозим?

Одатда учқуқни уй шароитида даволашга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, у тез-тез қайталанса, шамоллаш эмас, балки организмда вируслар борлигини билдиради. Бундай ҳолатда шифокор қабулига бориш шарт. Лабдаги учқуқ пуфакчаларини игна билан ёриш ва унга спирт суртиб қўйиш мумкин эмас. Чунки баъзида пуфакча ичидаги суюқлик лаб атрофи ёки юз, кўз ва тананинг бошқа аъзоларига тарқалиши мумкин.

Ривожланиш даври

Пуфакчалар пайдо бўлишидан олдин тери қичишади ва

ўта сезувчан бўлиб қолади. Бу герпеснинг продром давридир. Пуфакчаларнинг сони ҳар хил — бир дондан бир нечта гуруҳлар ҳосил қилиши мумкин. Кейинчалик улар ёрилиб, ярачалар ҳосил қилади. Ярачалар устидан ҳосил бўладиган пўстлоқлар тушиб, ўзидан кейин гиперпигментация қолдиради. Одатда ёш ўтган сайин рецидивлар сони камайиб, касаллик енгил формада кечади. Доимо ёдда сақлаш кераки, герпетик тошмалар тошган одам фақат атрофдагиларга эмас, балки ўзига ҳам хавф туғдиради. Бойси атрофдагиларга юқтиришдан ташқари, ўз танасининг бошқа қисмларига юқтириш хавфи мавжуддир.

Баъзи бир тери касаллиги (асосан, нейродермит) билан оғриган беморларда учқуқ тананда кенг тарқалиши кузатилади. Учқуқ қовоқларга чиққан тақдирда кўзнинг шоҳ пардаси зарарланиб, герпетик кератитга сабаб бўлади. Кўзда оғрик, ёруғликдан кўрқиш, ёт жисм сезгиси ва ажралмалар пайдо бўла бошлайди. Агар ўз вақтида ва тўғри даволанмаса, кўрликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун кўзнинг герпетик инфекцияси таҳмин қилинганида окулистга мурожаат қилиш лозим. Ёдда тутинг, даволаш қанча эрта бошланса, натижаси шунча яхши бўлади.

Ўраб олувчи учқуқдан теридан ташқари асаб ҳам зарарланади. Бунда, асосан, бош оғриғи, шунингдек, оғриқнинг асаб йўллари бўйлаб тарқалиши кузатилиб, кейинчалик асабнинг зарарланган қисмидаги терига майда пуфакчалар тошади. Пуфакча ичидаги тиниқ суюқликка аввал йиринг, баъзан қон аралашши, яқинроқ жойлашган лимфа безлари катталашши, ҳарорат кўтарилиши мумкин. Учқуқ инфекцияларнинг энг оғир кўринишларидан бири марказий асаб тизимининг шикастланишига хос сабаб бўлиши кузатилади. Учқуқнинг олдини олиш учун организмни чинқитириш, мавсумга қараб тўғри кийиниш, бемор билан узвий мулоқотда бўлмаслик керак.

Раъно ТОЖИБОЕВА,
Тошкент тиббиёт академияси
катта ўқитувчиси.

СИЗ УЧУН МУҲИМ

Уй шароитида учқуқни даволашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

● Лабда яллиғланиш аломатларини сезсангиз, безовталикни енгиллаштириш учун мойчечак, тирноқгул (календула) экстрактини жамлаган суртмалар, шунингдек, оққарағай (пихта) мойи билан енгил ишлов бериш мумкин.

● Бир чой қошиқ қора чойни ярим стакан қайноқ сувга дамланг. Совутунча дам есин. Совутган чойга пахтани юмалоқлаб намланг ва учқуқларга қўйинг. Муолажани 3-4 кун давомида кунига бир неча маҳал такрорланг.

● Пахтани камфора мойига намлаб, кунига бир неча маҳал учқуққа суртинг.

Агар сизда учқуқ сурункали равишда чиқётган бўлса, бу организмдаги вируслар таъсиридан бўлади. Бу ҳолатда, албатта, шифокор кўригидан ўтиш зарур.

АРИТМИЯ: қанчалик хавфли касаллик?

Олимларнинг таъкидлашича, ҳафтасига 28 грамм шоколад тановул қилиш юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини 18 фоизга пасайтирар экан. Рационда шоколаднинг доим мавжудлиги тебранма аритмия (юракнинг номунтазам уриши) пайдо бўлиш хатарини камайтириши аниқланган. Ҳафтасига 2 тадан 6 тагача шоколад еган одамларнинг тебранма аритмияга чалиниш эҳтимоли ойда бир мартадан кам шундай ширинлик истеъмол қилганларга нисбатан 20 фоиз паст.

Хўш, аритмия қандай касаллик, унинг белги ва аломатлари нималардан иборат? Бу касалликни қандай даволаш мумкин?

Аритмия – асосан юрак ишлашида узиллишлар келтириб чиқарадиган касалликларнинг катта гуруҳи бўлиб, юракнинг жуда тез уриши, юқори пульс, тартибсиз ритмлар юзага келишидан иборат. Ушбу барча узиллишлар юрак камералари ишлашига таъсир қилади. Одатда, юрак фаолиятида ҳаммаси жойида бўлса, камералар доимий тартибдаги каби қисқаради. Аммо аритмия бошланиши билан юрак камералари қон ўз вақтида етиб келмагани сабабли тартибсиз равишда сиқила бошлайди. Бу инсоннинг умумий ҳис қилишига ўз таъсирини кўрсатади.

Қандай ҳолатлар кузатилади?

Аритмия бошланиши билан одам иситма ёки совқотишни ҳис қила бошлайди. Шунингдек, бош айланиши, тўсатдан онгни йўқотиш, юракдаги оғриқ ёки санчиклар, бош оғриғи, ҳолсизлик, юрак уриши секинлашгани ёхуд аксинча, қаттиқ урганини сезиш, умумий лоҳаслик, неврологик бузилишлар кузатилади.

Аритмия мустақил тахис бўлиши мумкин, аммо унинг тахикардия ва брадикардия каби пастки турлари кўпроқ учрайди.

Тахикардия – юрак ритми бузилиши, унда дақиқада 90 мартадан кўпроқ юрак уриши кузатилади.

Брадикардия – юракнинг бир дақиқасига 60 мартадан кам уриши касаллиги. Ушбу маълумотлар катта ёшлилар учун стандарт меъёр ҳисобланади, болалар учун



уларнинг ёши бўйича махсус даражалаш мавжуд.

Агар сизда тахикардия белгилари бўлса, шифокор қабули ва текширувлардан олдин тинчланиб олинг. Бунга ялпиз, лимон ўт, дўлана ёки валериана қўшилган ўсимлик дамламаси ёрдам бериши мумкин.

Агар брадикардия белгилари кузатилса, аксинча, сизнинг ҳолатингизни кўзга тутиш керак. Бунинг учун аччиқ чой ёки қора қахва (агар тақиқланган бўлмаса) ичиш керак. Қўшимча қилиш керакки, брадикардияни даволашда қўлланадиган барча дори воситалари таркибида қўзғалувчанликни оширадиган кофеиндан фойдаланилади.

Беморлар орасида юракнинг тартибсиз ритми билан намоён бўлувчи классик аритмия тури ҳам кузатилади. Баъзида ритм кучаяди, сўнтра кескин тушади, кейин эса бир неча сонияга юракнинг бутунлай «тўхташи»ни ҳис қилиш мумкин. Бундай ҳолатларда сиз тинчланишингиз керак (тинчлантирувчи чой ичинг) ва агар бу ёрдам бермаса, шошлинч равишда махсус дори-дармонлар қабул қилиш учун шифокор билан маслаҳатлашинг.

Биринчи ёрдам

Аритмия хуружиди, биринчи навбатда, «Тез ёрдам» чақиринг. «Тез ёрдам» етиб келгунча беморнинг аҳолини бирмунча енгиллаштиришга ҳаракат қилинг. Бунинг учун, аввало, беморни тинчлантириш, тўшакка ётқизиш лозим. Тинчлантирувчи дори валериана настойкаси, арслонқуйрук настойкаси, корвалол ва шунга ўхшаш воситалар бериш зарур. Айрим ҳолларда беморни чуқур нафас олдириш, нафасни ушлаб туриш лозим. Бармоқлари билан бурунни қисиб ва кучаниб нафас

чиқаришни, ўпкадаги ҳавони қисиб ушлаб туришни сўраш керак. Юзи қип-қизариб кетади, аммо бу хавфли эмас. Кўпинча ана шундай бир неча кучанишлардан кейин юрак уриши хуружи тўхтайтиди.

Тахис қандай қўйилади?

Аритмия жуда кўп хасталиклар аломати бўлиши мумкин. Умуман олганда, беморларнинг (нафақат юраги оғрувчилар) 20 фоиздан ортиғи аритмиядан азият чекади. Ушбу носозлик эндокрин тизимида бузилиш, нефрит (буйрак яллиғланиши), юрак нуқсонлари, ўсмалар, ўткир респиратор вирусли инфекциялар, грипп, тонзиллит (томоқ бодомсимон безларининг яллиғланиши), вирусли инфекциялар, сурункали пиелонефрит, камқонлик ва бошқа касалликлар белгиси бўлиши мумкин. Шунинг учун, агар бемор аритмия аломатларини сезса, биринчи навбатда, электрокардиограмма қилиш керак. Шундан кейингина касалликнинг асл сабабини қидириш мумкин.

Болаларда бу бироз фарқ қилади: биринчи навбатда, юрак етишмаслиги хасталигига текширилади. Агар нуқсон аниқланмаса, аритмия аломатлари ёлғон бўлиши мумкин, чунки 14-16 ёшгача болаларда вегетатив тизим ҳали етилмаган бўлади. Ушбу аритмия синус ёки нафас олиш аритмияси деб ҳам аталади.

Муолажаси-чи?

Аритмология ёш соҳа ҳисобланса-да, жадал ривожланиб бормоқда. 10-15 йил ортга назар ташлайдиган бўлсак, хасталикка қарши курашишда фақат дори-дармонларга мурожаат қилинган ҳолос. Аммо препаратлар дарддан бутунлай фориғ бўлиш имконини бермаган.

ДАРВОҚЕ...

Катта ёшли соғлом кишиларда бир дақиқада нормал юрак тезлиги 60-80 марта уриш ҳисобланади. Юрак уриши кўпайиши ёки секинлашиши юрак етишмовчилиги белгисидир.

Халқаро миқёсда ўтказилган тадқиқотлар ҳулосаси шунки кўрсатадики, касалликка чалинган инсонларнинг 50 фоиздан ортиғи дори воситаларини тўла-тўқис ўз вақтида қабул қилмайди. Бу ўз ўрнида аритмиянинг сурункали турга ўтишига, ногиронлик ёки эрта ўлим ҳолатларига етаклайди.

Бугунга келиб, аритмияларнинг 90 фоиздан ортиғи интервенцион жарроҳлик амалиёти ёрдамида даволанмоқда. Бемор операциядан сўнг умрбод дори ичишдан ҳалос бўлади ҳамда ҳаёт сифати яхшиланиб, салбий оқибатларнинг олди олинади. Шу ўринда савол туғилади, амалиёт қанчалик хавфсиз? Жарроҳлик муолажаси наркозсиз, кўкрак қафасини очмаган ҳолда фақатгина қон томирлари орқали, маҳаллий оғрикисилантириш йўли билан амалга оширилади.

Овқатланиш қоидалари қандай?

Аритмияни даволашда мувозанатли овқатланиш ва нафас олишга алоҳида эътибор қаратилган махсус жисмоний машқлар муҳим аҳамиятга эга. Аритмиянинг асосий сабабларидан бири электролитлар мувозанатининг бузилиши ҳисобланади (кальций, магний ва калий). Шу сабабли Ўрта ер денгизи парҳези энг яхши ечим ҳисобланади. Унинг таркибига балиқдан олинандиган катта миқдордаги оксил, йил давомида кўтлаб мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш, ёр кислоталари ва кўкатлар кирди. Жисмоний фаоллик ритмик бўлиши керак. Физioterapia машқлари фақат шифокор томонидан белгиланади.

Наргиза НУРИЛЛАЕВА,
кардиолог, тиббиёт фанлари доктори.

Туркиялик мутахассислар қашқадарёлик шифокорларга кўмакка келишди.

БАНДАГА СИНОВ

келиши унга Аллоҳ ғазаб қилганини англамайди. Акс ҳолда...

Биз яшайтган дунё ҳаёти битмас-туганмас имтиҳонлардан иборат. Ундаги синовларнинг ниҳояси йўқ, бирининг ортидан тўхтамай иккинчиси, учинчиси... етиб келади. Зеро, бу дунё – Аллоҳ таолонинг вақтинчалик, жуда оз муддатга берган синов майдонидир, холос.

Аллоҳ таоло ҳар бир бандани абадий дунё учун синайди. Мўмин банда абадий дунёси – жаннатдаги маскани обод бўлишига учун яшайди. Роббисининг ҳузурига борганида пушаймон бўлиб қолишдан, азобига дучор бўлишдан қўрқади. Аллоҳ таоло бу ҳақда бундай огоҳлантиради: «Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар(ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз» («Бақара» сураси, 155-оят).

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига имон келтирган банда ҳаётда дуч келадиган ҳар бир ҳолатда фақат Роббисига юз-

ланади, ёлғиз Ундангина умидвор бўлиб, Унинг розилигини топишга уринади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, унга мусибат беради», деганлар.

Шу боис Аллоҳ таолонинг энг маҳбуб бандалари Пайғамбарлар алайҳимуссалом ҳаммадан кўра кўпроқ азият, озор чекишган. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Инсонлар ичида мусибати энг оғири пайғамбарлардир. Сўнгра уларга эргашган солихлар, ундан сўнг ўшаларга эргашган солихларга бўлади», деганлар.

Юнус алайҳиссалом мусибатга учраганларида: «Лаа илааҳа иллаа анта, субҳаанака, инни кунту минназ золимийн» («Анбиё» сураси, 87-оят) деб Аллоҳ таолога илтижо қилдилар. Аллоҳ таоло дуоларини қабул этди: «Биз унинг дуосини ижобат қилдик ва ғам-ғуссадан нажот бердик» («Анбиё» сураси, 88-оят).

Айюб алайҳиссаломга мусибат етганда: «Эй, Раббим! Менга мусибат етди. Узинг раҳмиларнинг раҳмлироғидирсан» («Анбиё» сураси, 83-оят), деб Роббул аъламийнга юзландилар. Аллоҳ таоло илтижоларини қабул этди: «Биз унинг дуосини ижобат қилдик ва

унга етган зарарни кетказдик» («Анбиё» сураси, 84-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қийинчилик вақтида «Ҳасбуналлоҳ ва ниъмал вакил!» («Оли Имрон» сураси, 173-оят) деб Аллоҳга суяндилар. Аллоҳ таоло: «Улар Аллоҳнинг неъматини ва фазли ила қайтдилар, уларга асло зарар етмади» деб марҳамат қилди («Оли Имрон» сураси, 174-оят).

Демак, ҳар бир банда синовга дучор бўлар экан. Банданинг синовга мубтало бўлиши унга Аллоҳ ғазаб қилганини англамайди. Акс ҳолда пайғамбарлар мусибатга учрамаган бўлишарди.

Шундай экан, мўмин банда Аллоҳ таолонинг синовида учраганида ёлғиз Роббисига юзланиб, Унгагина илтижо қилиши лозим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин худди навниҳол ўсимликка ўхшайди. Барги шамол эсган томонга қайрилаверади, (шамол) тинса, тикланиб қолади. Худди шунингдек, мўмин ҳам

бало-мусибатга қайишади. Кофир эса худди қарағайга ўхшайди, то Аллоҳ уни ўзи хоҳлаган пайтда синдирунича ғўдайиб, типпак тик тураверади», дедилар («Олтин силсила» китобидан Саҳиҳул Бухорий).

Аллоҳ таоло ўз фазли ва раҳмати ила барча мўмин-мусулмонларга офият ато этсин. Узининг розилигини топадиган амалларда бардавом қилсин!

Даврон НУРМУҲАММАД,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси масъул ходими.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Қабртошига Қуръон оятларини ёздириш жоизми?



– Қабртоши қўйдирмоқчиман. Тошга «Ихлос» ва «Фотиҳа» сураларини борган одамлар ўқиши учун ёздирсам бўладими?

МОЛИМОВ.

Тошкент шаҳри.

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Қабр тошига Қуръон оятларини ёзиш мумкин эмас, макруҳ бўлади. Ислому шариасти ҳар бир нарсада мўътадил йўлни ихтиёр этган. Жумладан, қабрга оид ишларда ҳам. Шариаат қабристонларни қаровсиз ташлаб қўйиш ва уларни улуғлашда ҳаддан ошишдан қайтарган.

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларнинг гипс билан сувалишидан, уларнинг устига ёзилишидан ва уларнинг устига бино қурилишидан ва бо-силлишидан қайтарганлар» (Имом Термизий ривояти).

Лекин қабрларни лой билан суваш борасида «Раддул муҳтор» китобида шундай дейилган: «Уламолар томо-

нидан ихтиёр қилинган гап шуки, лой билан суваш макруҳ эмас». Қабрга бирор нарса ёзиб қўйилиши ҳақида Аллома Ибн Обидин раҳимахуллоҳ шундай деганлар: «Қабр билинмай кетиши ва оёқости бўлмалиги учун ёзиб қўйишга эҳтиёж туғилса, (белги сифатида) ёзиб қўйишнинг зарари йўқ». «Қабр устига Қуръондан бирор оят ёзиш макруҳдир» («Раддул муҳтор» китоби).

Демак, қабрга дафн этилган кишига белги бўладиган миқдорда ёзиш жоиз, лекин ундан ортиқ ёзиш жоиз эмас. Агар ёзишга ҳожат йўқ бўлса, ёзмагани авлодир. Қабрга оят ва ҳадисларни ёзиш мутлақ жоиз эмас. Вадлоҳу аълам.

**Ўзбекистон мусулмонлари
идораси фатво ҳайъати.**

ИБРАТ

Қайтар дунё

Отасининг ўлимидан бир фурсат ўтиб, иш билан банд ўғил касалманд кекса онани қариялар уйига топширишга қарор қилди. Ўғил ора-чора онасининг ҳолидан хабар олиб турди.

Кунлар ўтди. Бир куни қариялар уйидан кўнғироқ қилишди: вазият жиддий – она оғир ахволда ётибди, ўғлига айтадиган сўнги сўзи бор экан. Ўғил зудлик билан унинг ёнига шовди. Ажал билан курашаётган она темир каравотда холсиз тўлғанар, ўғил сўнги сўзини эшитмоқ учун унинг лабларига қўлоқ тутди: «Ўғлим, сендан сўнги илтимосим – қариялар уйи хоналарига совуткичлар ўрнаттириб берсанг. Қарилик боис совуқ ва иссиқ кунларда жуда қийналдим. Кейин, бу ерга музлаткич ҳам олиб келиб қўй – баъзида тушлар уйқум қочганида бирор нима топа олмай, оч ётиб, қийналдим.»

Онанинг ўтинчидан хайратда қолган ўғил унга тикилиб қолди. Шунча вақтдан буён бу қийинчиликларга чидаб келиб, оғиз очмасдан, нега умр адоғида ёлвораётганини сўради: «Мен-ку, буларга чидадим, болам! Лекин сендан хавотир-даман. Кун келиб, болаларинг сени бу ерга ташлаб кетишса, сенинг ҳолинг нима кечади, болажоним?!» деб жавоб қайтарди онаизор.

Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,
Зангиота тумани Имоми Аъзам
жоме масжиди имом-хатиби.

**Бурж Халифа осмонўпар биноси Ўзбекистон байроғи
рангларига гавдаланди.**

Бир-бирига тарихий рақиб бўлган Туркия ва Греция Ўрта Ер денгиздаги сув ҳудудлари устида яна ўзаро зиддиятга киришмоқда. Афина даъвосига кўра, Анкара нефть ва газ захираларини қидириб, Греция оролларига тегишли ҳудудларга дахл қилмоқда. Мажарога Европа, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги давлатлар ҳам қўшилмоқда. Айни воқеалар манзарасида Европа Иттифоқи Анқарани ҳудуддан ўз кемаларини олиб чиқиб кетишга чақирди. Акс ҳолда Туркияга қарши иқтисодий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

АДОВАТ илдизлари сабаби нимада?



Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Туркияга биргина Греция эмас, балки Франция, Миср ва БАА ҳам қарши. Исроил эса Грецияни дипломатик йўллар билан қўлаб-қувватламоқда. Туркия эса газ манбаларини қидириш ишларини агрессив шаклда жадаллаштирган. Қидирув-тадқиқот кемаларини Туркия Денгиз кучларининг зирхли ҳарбий кемалари яқиндан муҳофаза қилмоқда.

Ҳўш, бу ерда нималар бўляпти ўзи? Муносабатлардаги таранглик газ манбалари учун ҳолосми? Олисдаги мамлакатлар нега бу жойларга серқатнов бўлиб қолди? Аслида юз бераётган воқеалар хавфли, мураккаб ва минтақадаги оғрикли нуқталарга хавф солади.

Барчаси газ туфайлими?

Бир томондан, буларнинг бари газ туфайли. Минтақадаги бир нечта давлат каттагина газ конларини топган ёки фаол қидиришда. Бу эса қоришқик бир оқибатларни келтириб чиқаради. Бошқа томондан, денгиз чегараларини белгилашдаги жанжаллар давлатлараро зиддиятларни алангалайди. Ҳақиқатан, ҳуқуқларни белгилаб олиш учун музокараларда зиддиятлар таранглашади. Ўтган йили Туркия Ливиянинг Миллий Битишув Ҳукумати билан битим имзолади ва Греция ўзининг иқтисодий ҳудуди сановчи жойларда газ қидиришни бошлади. Шундан зиддият бошланди. Август ойи бошида Греция ва Миср денгиз чегаралари бўйича битим имзолади. Ва Туркиянинг асабига тегиб, газ қидириш учун кемаларни юборишни бошлади.

Қизиғи шундаки, гарчи энергия манбаси излаш муносабатларни таранглаштириб, минтақа давлатларида қуролланишни кучайтирса ҳам, кейинчалик газдан иқтисодий наф олиш учун биргаликда ҳаракат қилишларига тўғри келади. Чунки қувурлар ва бошқа инфратузилмалар яратилиши керак. Агар улар Европанинг муҳим бозорларига чиқмоқчи бўлса, газ

йўли бир неча давлатнинг денгиз-ости ҳудуди орқали ўтиши керак. Ўрта Ер денгизи ҳавзасида газ ишлаб чиқарувчи давлатлар учун халқаро инфраструктура яратилмоқда ва бу, ўз навбатида, зиддиятларни юмшатиб, ҳатто, узоқ давом этиб келаётган Кипр муаммосига ҳам ечим таклиф қилиши мумкин.

Эҳтимолий уруш

Агар Анкара ва Афина ҳарбий тўқнашувга киришса, бу тарихга «энг бахтсиз уруш» сифатида кириши мумкин. Чунки бу ҳолда урушга қўлаб давлатлар қўшилиди. Оддий тасодиф билан Шарқий Ўрта ер денгизиде тўқнашув бошланиб кетиши мумкин. Баъзи экспертларнинг сўзларига кўра, минтақада 1897 йилги каби буюк кучлар тўқнашуви юзага келмоқда. Ўшанда Туркия ва Греция Крит оролини талашини оқибатида ҳарбий ихтилоф бошланишига бир баҳя қолган эди. Европанинг катта кучлари аралашини туфайли Крит Усманийлар ихтиёрида қолган, аммо унга греклар бошқарувидаги автономия мақоми берилган. 1913 йилда Греция оролни расман ўзига қўшиб олган. Орадан бир асрдан зиёд вақт ўтиб, сувости табиий захираларини қидираётган Туркия кемаларининг яна Крит ва бошқа грек ороллари яқинига келиши Афинанинг кескин норозилигига сабаб бўлди.

Ҳар икки давлат ҳам бир-бирини айбламоқда

Афина ҳам, Анкара ҳам бурғулаш ҳуқуқи бўйича халқаро қонунлар доирасида иш кўраётганини даъво қилмоқда. Греция ва ғарбий европаликларга кўра, денгиз қонунлари Афина томонида. Улар Туркияни қароқчилик ва безориликда айбламоқда. Бу орада Греция ва Туркия ўз ҳарбий денгиз

ва ҳаво кучларининг таътилини бекор қилиб, сафарбарлик эълон қилган. Туркия, ўз навбатида, Грецияни «қароқчиликда» айблади ва Афинани Туркия соҳилига яқин ороллари ҳарбийлаштиришдан тийилишга чақирди. Греция Кацеллоризо оролига шартномаларга зид равишда грек кўшинлари жойлаштирилаётгани ҳақидаги даъволарни рад этди. Орол Туркия соҳилидан атиги икки километр узоқликда жойлашган.

Денгиз шартномаси ратификация қилинди

Ўтган ҳафта Греция парламенти Миср билан тузилган денгиз шартномасини ратификация қилди. Бу Туркия Шарқий Ўрта Ер денгизиде сейсмик тадқиқот кемаси ишини давом эттириш ва Кипрнинг шимоли-шарқий қирғоғида ўқ отиш машқларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишдан бир неча соат ўтиб юз берди. Афина-Қоҳира келишуви 2019 йилда йирик сув ости конларини ўзлаштириш бўйича имзоланган Туркия-Ливия келишувига жавоб сифатида кўрилмоқда. Миср ва Греция ўзларига қарашли эксклюзив денгиз зонасида мавжуд табиий ресурслардан максимал даражада фойдаланишни кўзламоқда.

Ҳудди шундай битим Италия ва Греция ўртасида ҳам имзоланган. Денгиз чегаралари ва Ўрта Ер денгизи шарқиде бурғулаш ҳуқуқлари юзасидан Туркиянинг Греция ва Кипр билан келишмовчилиги НАТОдаги иттифоқдошлари билан мавжуд ягона низо эмас. Суриялик қочқинлар тақдири, Суриянинг шимолига ва Ливияга Туркия аскарларининг киритилиши, Туркиянинг Россиядан ҳаво мудофаа тизимини сотиб олиши каби масалаларда Анкара Европа Иттифоқи билан келиша олмаяпти. Россия ва Эрон газига қарам

Туркия, бир томондан, энергия манбаларини диверсификация қилишга уринаётган бўлса, бошқа томондан, амалдаги ҳукумат тарихий фатҳ мавзуларидан фойдаланган ҳолда ўз аҳолисининг ҳиссиётлари билан ўйнашмоқда. Ички сиёсий мақсад етарлича аниқ, душман кучлари қуршовида бўлган мамлакатда барқарорликни фақат амалдаги раҳбарият сақлай олади, деган қарашни сингдириш.

Газ можароси шунчаки баҳонами?

Ўрта Ер денгизидеги газ можароси шунчаки баҳона. Муаммонинг илдизи чегаралардаги азалий можаро, денгиздаги турли келишмовчиликлар ва миллатчиликка йўғрилган лойиҳаларнинг турли талқинлари ҳамда янги геосиёсий бахсларга бориб тақалади. Греция аҳолиси 11 миллионга етмайди ва у доимий камайиб бормоқда. Туркиянинг 82 миллион аҳолиси бор ва бу рақам тобора ўсиб бораёпти. Икки мамлакат қуролли кучлари ўртасида ҳам тафовут бор ва Туркия қуролли кучлари Греция қуролли кучларидан бир неча баробар устун саналади. Грециянинг ёлғиз ўзи Туркияга қарши тура олмайди. Шунинг учун Греция аста-секинлик билан коалиция тузиб, дипломатик фаолликни ошириб бораёпти. Европа Иттифоқи ҳам ҳар доим Грециянинг позициясини қўллаб-қувватлаб келган. Бу ҳолат расмий Анқарани бироз ҳовурдан тушириб туради.

Ҳуллас, Ўрта Ер денгизиде манфаатлар учун кураш қизигандан қизиган. Агар озгина эҳтиётсизликка йўл қўйилса, бу яқаланиб қолган Туркия билан Греция ҳамда унинг иттифоқчилари ўртасида катта уруш келиб чиқади.



Қирғизистон Ўзбекистон билан чегарадаги ўтказиш пунктларини очди.



Хар бир спорт турининг ўз жозибаси бор. Бироқ улар орасида фақат футболгина миллионларни ўзига мафтун эта олган. Яшил майдонда тўп сураётган жамоангиз баҳсини ҳаяжон билан қузатасиз: хавфли вазиятларда асабийлашасиз, қарши ҳужумда уларни бор овозингиз билан қўллаб-қувватлайсиз (гарчи телевизорда кўраётган бўлсангиз ҳам). Ҳа, у шундай ҳаяжон, шиддат ва завқни бир нуқтага жамлай олади. Чунки бу — футбол.

Равшан ҲАЙДАРОВ:

«ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

бўлиш учун футболни ҳамма нарсадан устун қўйиш керак»

лозим. Шундай қилинмаса энг нуфузли университетда ўқиб, юқори лавозимда ишлаб, яхши даромад тоғиб

ҳам касбидан бахт топа олмайди, киши. Мен эса ҳар бир шогирдим билан ишлаганда, машғулотларда, турли даражадаги ўйинларда завқ оламан. Чунки футбол ҳаётимнинг мазмунига айланган.

Ютуқлар тарихда қолди, янги марраларга интилишимиз керак

— 20 йиллик футболчи, 23 йиллик мураббийлик фаолиятимда кўлаб мураббийлар штаби, доктор масажистлар каби мутахассислар, ёш футболчилар билан жаҳон ва Осиё чемпионатларида иштирок этдик. Ғолибликни қўлга киритдик. Бу барчамизнинг ютуғимиз. Бироқ ҳали футболни ривожлантириш учун қилишимиз лозим бўлган ишлар кўп. Эришилган ютуқлар тарихда қолди. Олдинда эса янги марралар бизни кутяпти.

Ўзбек футболни ва замонавий футбол

— Ислохотлар давридамыз, футболда тизимли ўзгаришлар олиб бориш ҳаракати бошланган. Мураббийларнинг малакасини ошириш, янги кадрларни тайёрлаш, жойларда шароитларни яхшилаш, академиялар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш бўйича қилинаётган ишлар шулар сирасидан. Режадаги вазифаларнинг тўлақонли амалга оширилиши учун масъулар биргаликда, янгича ёндашувлар билан ҳаракат қилиши керак. Шундагина замонавий футбол билан биргаликда қадам босамиз.

Юртимизда истеъодлар жуда кўп. Уларни юзага чиқариш учун чекка ҳудудлар, қишлоқларда керакли шароитларни яратиб беришимиз керак.



Мураббий футболчилар билан ишлашда нималарга эътибор қаратади?

— Футбол жамоавий ўйин, шу боис машғулотларни ташкил этиш мураббийдан катта меҳнат талаб қилади. Терма жамоага республикамиздаги футбол клубларидан 20 ёшли энг иқтидорли ёшлар саралаб олинади. Улар билан тил топишиш, ўзаро тушуниб ишлаш учун, аввало, самимий муҳитни яратиб олиш керак. Шунинг учун жамоамиз аъзолари билан дўст ва ҳамфикрмиз. Майдонда иқтидорини кўрсата олиш, ўз чизигида беҳато ҳаракатланиш ўйинчининг бевосита психологик тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Айни жиҳатларни инобатта олиб, машғулотларда футболчининг, нафақат жисмоний, техник-тактик, балки руҳий тайёргарлигига ҳам ургу берамиз. Ўйин 90 минут давом этади, майдонда 11 киши ҳаракат қилади. Бироқ бу учун кунлар тунларга уланиб, тинимсиз машғулотлар олиб борилади, катта жамоа ишлайди. Футболчиларнинг бир-бирини тушуниши, индивидуал маҳоратини кўрсатиб бериши жамоавий ўйинга боғлиқ. Ҳимоя ва ҳужум чизиги уйғунлигини таъминлаш, ўйинчиларнинг бир-бирини сўзсиз тушуниши ғалабага эришишнинг муҳим омилдир.

Машғулотлар даврида жамоада бу кўникмани шакллантириш устида ҳам ишланади.

Ёш футболчиларга айтаманки...

— Футболни танлаган инсон, аввало, ўзини назорат қила олиши керак. Яъни кўп нарсадан тийилиши шарт. Бугун ёшлар ҳаёлини чалғитувчи воситалар кўп. Олдида аниқ мақсад қўйганларгина уларга чалғимайди, вақтини ўтқинчи нарсаларга сарфламайди. Футболда спортта меҳр берган, шунчаки қизиқиш деб эмас, футбол менинг тақдирим, борлигим, деб келгангина ғалабага эриша олади. Аслида қайси спорт тури бўлишидан қатъи назар, бола қалбида, аввало, она Ватанга муҳаббатни уйғотиш, тарбиялаш керак. Чунки ортида уни қўлаб-қувватлаб турган яқинлари, Ватани борлигин ҳис қилган киши ҳеч қачон масъулиятсиз бўлмайди, машғулотларга вақт ўтказиш учун келмайди, мураббий қўйган талабларни ортиғи билан бажаришга интилади. Тўғри, вазифа қийин бўлиши мумкин, бироқ эртанги меваси шунчалар ширин бўладики, бу туйғу фақат қалб билан ҳис қилинади.

Садоқат МАХСУМОВА
сўхбатлашди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиё чемпионатидаги ўйинларини минг кўрқув ва қувонч билан қузатганимиз ёдингиздами? Барчамиз йигитлару уларни шу даражага етишига сабаб бўлган мураббий билан қалбдан фахрлангандик. Ўшанда футболчиларимизнинг маҳоратини оширган, уларни майдонда ўз чизигида ҳаракатланишига бош-қош бўлганди. Ўзбек футболда бурилиш ясаган бу мутахассис хануз соҳа тараққиёти учун жон қуйдирмоқда. Самимий ва очикқўнгил мураббий кеча эришилган натижалар билан чегараланиб қолишни истамайди.

Энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Равшан Ҳайдаровнинг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан тақдирлангани шу саъй-ҳаракатларга берилган муносиб баҳо бўлди.

Қувонч

— Камтарона хизматларимизни юқори баҳолаб, унвон билан тақдирлагани учун Юртбошимизга ўз миннатдорчилигини билдираман, — дейди Р.Ҳайдаров. — Бу мен учун билдирилган ишонч ва юклатилган катта масъулиятдир. Албатта, ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунинг учун йиллар давомида устанингизда ишлашингиз, тинимсиз меҳнат қилишингиз лозим. Ҳар бир инсон камолотида у вояга етган муҳитнинг таъсири катта бўлади. Мени ҳам ота-онам спортни танлашим, илим олишимга ундаган, тўғри йўл кўрсатган. Улардан ҳаммиша миннатдорман. Инсон жамиятда ўз ўрнини топиши учун унинг истеъдоди тўғри йўналтирилиши



Атлетларимиз нуфузли мусобақани
4 медаль билан яқунлади.

Юртимизда тарихий қишлоқлар, кўҳна обидалар, зиёратгоҳлар кўп. Улар халқлар турмуш тарзи, маданияти, анъаналари ҳақида кўплаб маълумотлар берувчи қутлуғ маскан, қадамжолар сифатида эътироф этиб келинади. Фарғона вилоятининг қадимги ҳудудларидан бири бўлган Бувайда туманидаги меъморий обида ва зиёратгоҳлар ўлкамиз тарихига оид қизиқарли маълумотларни ўзида мужассам қилгани билан ажралиб туради.

Бувайда олис ўтмишда Буюк Ипак йўлининг кўналғаси сифатида Қорахонийлар, Амир Темур ва Темурийлар даври ҳамда Кўкюн хонлиги ҳукмдорлиги замонида ҳам муҳим ҳудудлардан бири бўлган. Халқ тилида Пошлопирим зиёратгоҳи сифатида танилган Шох Жарир тарихий обидаси деворларига ишланган дастлабки безаклар VIII-IX асрга тааллуқли бўлиб, биргина шу жиҳатининг ўзи ҳам бу қишлоқ нечоғли қадимий эканидан далolat. Пошлопирим қишлоғининг ўзига хос рамзи бўлган зиёратгоҳининг кириш қисмида Темурийлар сулоласи қурдирган мақбара сақланиб қолган. Тарихий маскан ичкарисида XIX асрга оид бинолар бор. Йигирма бир метрли минора эса бир неча юз йиллар мобайнида эътиқодда собит бувайдалиқлар учун пок иймон рамзи бўлиб келмоқда.

Тадқиқотлар сири...

1939 йилда мазкур зиёратгоҳни кўздан кечирган академик Яхё Ғуломов у ҳақда шундай ёзади: «Пошло пир мазор. Бу катта қабристон, ушбу ном афсонавий инсон Пошло пир мақбараси номидан келиб чиққан. Мақбара қабр турган хона ва зиёратгоҳдан иборат. Мақбара пештоқи фарба қаратилган. Зиёратхона гумбазининг қурилиш услуби ўн саккизинчи асрдаги мадрасани эслатади. Қабр жойлашган хона икки чиқиш йўлидан иборат; бири зиёратхона орқали, бошқа бири – жанубга қаратилган алоҳида пастаккина хона орқали. Кўринишидан мазкур мақбарани кириш йўли зиёратхона қурилиши даврида беркитиб юборилган. Маҳаллий аҳоли мақбара қурилишини Амир Темурга боғлайдилар. Қабристоннинг катта майдонининг устки қатлами қаттиқ шўрхок ердан иборат бўлиб, унда Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги даврига хос



АМИР ТЕМУР

Бувайдада қандай мақбара қурдирган?

54x54x6 сантиметрли пишиқ гишт парчалари учрайди».

Санъатшунос олим И.Азимовнинг таърифлашича, хозирга қадар сақланиб қолган икки хонали Шох Жарир ва Бастом бува ҳамда Биби Бувайда комплекси, асосан, тўртбурчакли ҳовлидаги ўн бешинчи асрда қурилган пештоқли-гумбазли дарвозахона ҳамда унинг ён томонига йигирманчи асрда қурилган очиқ масжиддан ва кўпқиррали ҳовлидаги XV-XVI асрларга оид қабр ва даҳмалардан иборат бўлган. Масжид тархи тўғри бурчакли хонақоҳ ҳамда шифти маҳаллий услубда ишланган уч томонли айвондан иборат бўлиб, уни 44 та устун кўтариб туради. У Фарғонага хос диний иншоотлар услубида қурилган, ўз даврининг улкан меъморий обидаларидан бири сифатида баҳоланади.

Зиёратгоҳ тарихини ўрганиш бўйича мустақил излашиллар олиб борган бувайдалиқ журналист Собиржон Отабоевнинг хулосаларига кўра, бу тарихий масканнинг Пошлопирим деб номланиши Биби Убайда билан боғлиқ. Муҳаммад ибн Жарирнинг катта онаси (бувиси) бўлган Биби Убайда набирасини ҳамisha Пошлопирим дея эркатлатган. Эгу дуо ижобат бўлиб, унинг зиёратига узоқ-яқин юрт подшолари келиб турган. Кўкюн хони Худоёрхон ҳам ушбу табаррук маскан зиёратгоҳига тез-тез келиб тургани ҳақида жуда кўп хотиралар сақланиб қолганини баён қилиб, бу тарихий обида Амир Темур авлодларидан қолган бебаҳо ёдгорлик эканини билдиради.

– Халқ орасида юрган ривоятларда Фарғона вилоятидаги бир қатор зиёратгоҳларнинг (Пашило пирим, Бастом бува, Галдирбобо) бунёд этилиши ва таъмирланиши Амир Темур ва Темурийлар номи билан боғланади, – дейди Фарғона давлат университети доценти, тарих фанлари доктори Баҳриддин Усмонов. – Гарчи бу ҳақда ёзма манбаларда аниқ маълумот

бўлмаса-да, Фарғона водийсининг фарбий чегарасида жойлашган Хўжанд шаҳридаги Шайх Маслаҳат мақбарасининг Амир Темур томонидан қайта қурилиши, водийнинг шимолий чегарасида жойлашган Сафедбулон қишлоғидаги Шох Фазл мақбарасининг Темурийлар даврида қайта тиклангани, қолаверса, Пошло пирим, Бастом бува зиёратгоҳларида Амир Темур ва Темурийлар даврига оид қурилишларнинг сақлангани ҳамда Сафедбулон зиёратгоҳи ва Бувайда туманидаги бир қатор ёдгорликларнинг ўзаро боғлиқлиги ушбу ривоятларда асос борлигини кўрсатади. Этнограф олим Н.Абдулаҳатовнинг таъкидлашича, Пошло пирим зиёратгоҳида пештоқли-гумбазли дарвозахона, Бастом бува зиёратгоҳидаги мақбара XIV-XVI асрларда қурилгани ҳақида асослар бор.

Айнан Амир Темурнинг савий ҳаракатлари билан водийдан кўчманчилар ҳайдаб чиқарилиб, уларнинг янги босқинларига чек қўйилгани ҳамда бир қатор зиёратгоҳларнинг қайтадан қурилгани Фарғона водийси аҳолиси ўртасида Амир Темур билан боғлиқ қатор ривоятларнинг хозирги кунга қадар яшаб келаётганига сабаб бўлгандир.

Юқорида келтирилган маълумотлар Темурийлар даврида Фарғона водийсида харбий мудофаа иншоотларининг бунёд этилганини ва уларнинг доимий таъмирлаб борилганини кўрсатади. Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиб бориши кўплаб ижтимоий объектларнинг қурилишида ҳам ўз аксини топгани катта аҳамиятга эга.

Зиёратгоҳнинг янги даври

Мустақиллик йиллари зиёратгоҳи иккинчи умр бахш этди, унинг ҳудуди ҳар жиҳатдан кенгайтирилиб, шарқона услубдаги янги бинолар, хизмат кўрсатиш ва севис шохобчалари қурилди. Зиёратгоҳ

атрофида ўнлаб савдо дўконлари, хунармандчилик расталари фаолияти йўлга қўйилди.

Маълум бўлишича, Банди кушод бува, Биби Убайда, Пошлопирим, Бастом бува ҳаётини ислом дини ривожига бахшида этган яқин қариндошлардир. Болалиқдан Қуръонни ёд олган, урушларда саркарда сифатида қатнашган бу амакиваччар туманнинг бир-бирига қўшни қишлоқларида мангу қўним топган.

– Бувайда туманида хоки ётган авлиёлар деҳқончилик ва хунармандчилик соҳаси пири бўлган, – дейди «Пошлопирим» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсанбой Саминов. – Асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётган ривоят ва афсоналар замирида шу юрт аҳлининг бунёдкорлик, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги ҳар жиҳатдан фаол бўлгани кўриниб турибди. Пошлопирим зиёратгоҳига йўл мўъжаз кутубхонадан бошланади. Бу ерда диний қўлланмалар билан бирга, мумтоз ва жаҳон адабиётининг сара асарлари, зиёратгоҳ ҳақида қизиқарли қўлёзмалар, осори-атиқаларга алоҳида ўрин ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, Фарғона водийсида сохибқирон Амир Темур давлатчилик фаолияти билан боғлиқ ривоятлар хозирги кунга қадар сақланиб қолган. Бу ривоятлар аксар ҳолларда муқаддас зиёратгоҳлар, қадамжолар тарихи, меъморий ечимлари билан боғланади. Лекин ҳали уларнинг очилмаган сир-синаотлари кўп. Уларни тадқиқ этиш, илмий асосда хулосалар чиқариш кўҳна халқнинг маданий ҳаёт тарзи, бунёдкорлик қобилиятлари ҳақида ишончли маълумотлар беришга асос бўла олади.

Расул КАМОЛ
«MaHalla»



Ўзбек шоираси Хосият Рустамованинг китоби
Тожикистонда чоп этилди.

ТИББИЁТ

Харажатларни ким қоплайди?

– Эшитишимча, ўқитувчи ва шифокорлар гриппга қарши эмланар экан. Айтингчи, гриппга қарши эмлаш харажатларини ким қоплайди?

Муслима МУХИДДИНОВА.
Қарши шаҳри.



Барно АБДУСАМАТОВА,
Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси:

– Шу йилнинг 1 октябрига қадар Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг республикадаги барча бошланғич бўлинмалари, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари марказлашган тартибда гриппга қарши бепул эмланади.

Эмлаш учун зарур маблағлар Президентимизнинг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида назарда тутилган ҳамда бошқа қўшимча манбалар ҳисобидан ўтказилади.

ПЕНСИЯ

Ўзини ўзи банд қилганлар пенсияси қандай ҳисобланади?

– Яқинда ўзини ўзи банд қилиш тизими жорий этилиб, бу борада фуқароларга бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилди. Айтингчи, ўзини ўзи банд қилган давр учун пенсия қандай ҳисобланади?

Сабохат РАСУЛОВА.
Сурхондарё вилояти.

Жаҳонгир АЛИЕВ,
Ўрта Чирчиқ тумани адлия бўлими бошлиғи:

– Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилганлар ижтимоий солиқни 2020 йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи миқдорда маблағ тўлаш эвазига йил давомида расмий равишда фаолият юритишлари мумкин. Фуқаролар ушбу талабларни бажарган тақдирда келгусида пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунингдек, фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида, Давлат солиқ қўмитаси ва Пенсия жамғармаси ўртасида ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланган ижтимоий солиқлари тўғрисида ахборот алмашуви йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, ўзини ўзи банд қилган шахслар пенсияга чиқишларида улардан тўланган ижтимоий солиқлар тўғрисида ҳеч қандай қоғоз шаклида маълумот талаб этилмайди.

МИГРАЦИЯ

Кореяга қайтиб кетиш жараёни қандай?

– Ўзбекистонга таътил олиб келган эдим. Кореяга киришга рухсат берилгач, қайтиб кетиш учун қандай жараёнлардан ўтишим керак?

Баҳодир ТЕМИРОВ.
Самарқанд вилояти.



Ортиқхўжа НОРОВ,
Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги матбуот котиби:

– Пандемия даврида Корея Республикаси ҳудудига киришга рухсат олиш учун мазкур давлатга киришдан олдин 14 кунлик мажбурий карантин талабларига риоя қилиш бўйича розилик битимида иш берувчи билан келишган ҳолда карантин манзилни кўрсатиш шарт. Карантин манзили ID картадаги охирига қайд этилган манзилга яқин ҳудудда бўлиши талаб этилади. Шунингдек, бу маълумотларни таътилга келган фуқаролар учун очилган «@atitil2020» телеграм манзилига корейс тилида юборилингиз сўралади.

Бундан ташқари, иш берувчи билан мунтазам алоқада бўлиб туриш ҳамда (www.eps.go.kr сайтидаги) шахсий кабинет маълумотларини текшириб бориш тавсия этилади.

Шахсий кабинетдаги маълумотлар ўзгарса, яъни меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан бекор қилинган тақдирда, бу ҳақда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига хабар беришингиз сўралади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган ва виза амал қилиш муддати тугамаган фуқаролар шартнома рад этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда Корея Республикасига кириб бориши ёки Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Кореядаги вакولاتхонасига (+8270 4252 2772) мурожаат этиши лозим.

Шунингдек, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан тавсия қилинган тиббиёт муассасаларида жўнаб кетишдан 48 соат олдин коронавирусга тест топшириш белгиланган.

Агар фуқарода Корея ҳудудига кириб борган коронавирус инфекцияси аниқланса, у махсус шифохонада ўз ҳисобидан даволанади.

ТАЪЛИМ

Талабага чегирмани олиш учун қандай маълумот керак?

– Хабарларга кўра, «Темир дафтар»га киририлган оилаларда яшовчи талабаларга контракт пулини тўлашда 4 млн. сўмгача чегирма белгиланган экан. Ушбу чегирмани олиш учун қандай маълумот керак ва қайси ташкилот томонидан берилади?

Ўлмас ОРОЛОВ.
Фарғона вилояти.



Фарҳод БАБАШЕВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Талаба «темир дафтар» рўйхати-га киритилган оила аъзоси эканини тасдиқловчи маълумотни ўзи таҳсил оладиган олий таълим муассасаси раҳбариятига тақдим этиши зарур.

«Темир дафтар» рўйхатида эканини тасдиқловчи маълумотни олиш учун Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари(яъни ўзи яшаб турган ҳудудий бўлинмаси)га мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқ.

СОЛИҚ

Қоидабузарлар қачон жаримага тортилади?

– Баъзи савдо дўконларида онлайн назорат касса машинаси у ерда турсин, оддий терминал аппаратлари ҳам йўқ. Борлари ҳам ишлатмайди. Бу ҳолатлар бўйича бир неча маротаба ДСҚнинг ишонч телефони-га мурожаат қилдик. Лекин «Огоҳлантириш бериди» деган жавоб келади холос. Бундай қоидабузарлар қачон жаримага тортилади?

Карим БҮРИЕВ.
Тошкент вилояти.



Дилдора ҲОШИМОВА,
Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

– Давлат солиқ қўмитаси томонидан Сайёр солиқ текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқилиб, жорий йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди. Бунгача солиқ органлари ходимлари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги қоидабузарликларни профилактика йўли билан бартараш этиш чораларини кўриб келаётган эди. Эндиликда, савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан назорат-касса техникалари ва тўлов терминалларида фойдаланиш тартибига риоя этмаслик юзасидан Давлат солиқ қўмитасининг 71-244-98-98-рақамли Ишонч телефони, «Soliq» мобил иловасининг «Soliq hamkor» янги хизмат тури, @soliq_hamkor_bot телеграм боти ёки Электрон солиқ хизматлари портали my.soliq.uz орқали солиққа оид ҳуқуқбузарлик хабари юборилган тақдирда, қоидабузарликка йўл қўйган шохобчалар фаолиятида белгиланган тартибда сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, натижалари бўйича қонунчиликка асосан жавобгарлик чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилади.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy'i» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи Санжар ИСМАТОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов
Мусахҳиллар: Н. Азимова, М. Назарова
Навбатчи: Т. Шернаев
Саҳифаловчилар: И. Болтаев, Ш. Бароқов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

ISSN 2010-7033

717203107033001

Нашр кўрсаткичи: 148